

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**48-сон**  
**(1224)**  
**2025 йил**  
**ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

731. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1097-сон Қонуни
732. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига баъзи турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг муомаласига доир талабларни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1098-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

733. «Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада

- кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ–227-сон Фармони
734. «Архив иши соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ–228-сон Фармони
735. «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 ноябрдаги ПФ–232-сон Фармони
736. «Интеллектуал фаолият натижаларини рағбатлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 ноябрдаги ПҚ–358-сон қарори
737. «Ўзбекистонда молиявий технологиялар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 ноябрдаги ПҚ–359-сон қарори
738. «Солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва фаол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 ноябрдаги ПҚ–364-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

739. «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 ноябрдаги 738-сон қарори
740. «Истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг хорижда мақсадли стажировкасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 26 ноябрдаги 743-сон қарори
741. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 26 ноябрдаги 744-сон қарори
742. «Автотранспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида «Экологик транспорт» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 ноябрдаги 750-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

743. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 14-noyabrdagi 29/1-son “Kredit axboroti almashinuvi tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3646-1*)
744. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 18 ноябрдаги 10-мх-сон “Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тadbирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиqlаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-5*)
745. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 16-son “Xorijiy davlatlardan olib kelinadigan “donor ko‘z shox pardasi va uning qismlari” bioprotezlarini davlat sog‘liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalarida qo‘llash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3710*)
746. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 299-son “Bojxona hududidan olib chiqiladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3711*)
747. O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining 2025-yil 18-noyabrdagi 44-QQ-son, Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 8-noyabrdagi QQ-60-son va Davlat xavfsizlik xizmatining 2025-yil 17-noyabrdagi 29-son “Sud hujjati asosida berilgan ijro hujjatini yoki ijro hujjati bo‘lgan sud hujjatini uzrsiz sabablarga ko‘ra ijro etmagan qarzdor jismoniy shaxsning O‘zbekiston Respublikasidan chiqishini vaqtincha cheklashni ta‘minlash yuzasidan O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Majburiy ijro byurosi, Ichki ishlar vazirligi va Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo‘shinlarining hamkorligi tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 26-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3196-2*)
748. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining 2025-yil 27-oktabrdagi 2025-20-son “Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya*

*vazirligi tomonidan 2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3221-8)*

749. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 17-noyabrdagi 39-son "Kartoshkaning "in-vitro" o'simligi, mikro va mini-tuganaklarini tayyorlash hamda yuqori avlodli urug'lik kartoshka yetishtiriladigan hududlar va yetishtiruvchi subyektlarga qo'yiladigan talablarni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3712*)
750. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 17-noyabrdagi 38-son "Ixtisoslashgan tumanlardagi kartoshka yetishtiruvchi subyektlar bilan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari o'rtasidagi kartoshkaning mini-tuganaklariga oid shartnomalarni hisobga olish va yuritish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3713*)
751. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 15-noyabrdagi 37-son "Virusli va bakterial kasalliklardan xoli bo'lgan kartoshkaning mini-tuganaklarini yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun Qishloq xo'jaligi vazirligiga respublika byudjetidan ajratiladigan transfert mablag'larini ishlatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3714*)
752. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 18-noyabrdagi 11-son "Statsionar tibbiyot muassasalaridagi bemorlarni tibbiy ko'rsatmaga muvofiq boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 29-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3715*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ****731 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
13 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 25 июнда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда корпоратив муносабатларни ривожлантириш ҳамда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, шунингдек тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид бир қатор тартиб-таомиллар танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган бюрократик ҳовлар ва тўсиқлар бекор қилинди, республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга акциядорлик жамиятларининг ижро органлари, кузатув кенгашлари аъзоларининг фидуциар мажбуриятлари, мажоритар акциядорларининг умумий мажбуриятлари ҳамда ушбу мажбуриятлар бўйича жавобгарлик белгиланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, қонунчиликни халқаро нормаларга, шу жумладан Жаҳон савдо ташкилотининг битимларига уйғунлаштириш орқали ташқи савдони янада либераллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига акциядорлик жамиятлари ижро органлари кузатув кенгаши аъзоларининг фидуциар мажбуриятларини, мажоритар акциядорларининг умумий мажбуриятларини ҳамда уларнинг жавобгарлигини аниқлаштиришга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартириш киритилмоқда.

Бундан ташқари ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига энг кўп қулайлик бериш режимига эга бўлмаган мамлакатлардан Ўзбекистонга келтирилаётган товарлар учун товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатлар мавжуд бўлмаганда импорт божини икки карра ошириб қўллаш амалиёти бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

Ушбу Қонун акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг ҳамда мажоритар акциядорининг жамият ва бошқа акциядорлар манфаатларини кўзлаб, ҳалол ва оқилона иш олиб боришига, уларнинг масъулиятини оширишга, шунингдек миллий қонунчилик нормаларини Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштириш ҳисобидан савдони адолатли қоидалар асосида амалга оширишга, импорт ва экспорт кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар; 2023 йил, № 1, 1-модда; 2024 йил, № 2, 110, 111-моддалар; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 4, 519-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **28<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«28<sup>1</sup>-модда. Жамиятнинг мажоритар акциядори ва унинг мажбуриятлари**

Жамият овоз берувчи акцияларининг эллик фоизидан ортиғига эгалик қилувчи ёхуд овоз берувчи акциялари миқдори жамиятнинг бошқа ҳар бир акциядори улушига нисбатан кўп бўлган ҳамда овози қарор натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган акциядор мажоритар акциядор деб эътироф этилади.

Агар мажоритар акциядорга қарорлар жамиятнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар келтириши олдиндан аён бўлса, у мазкур қарорларни шахсий манфаатларини ҳисобга олиб қабул қилмаслиги, жамият бошқарув органларининг йиғилиши кун тартибига жамиятнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига мос келмайдиган масалаларни ёки ҳал этилиши жамиятнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар етказиши олдиндан маълум бўлган масалаларни киритмаслиги шарт.

Жамиятнинг мажоритар акциядори ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик натижасида жамиятга ва бошқа акциядорларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади»;

2) **81-модда:**

**олтинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«фидуциар мажбуриятларни бажармаслик»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчининг фидуциар мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат қилиб, жамият ва акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланишни;

жамият мол-мулкидан жамиятнинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) кузатув кенгашининг қарорларисиз, шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл кўймасликни;

жамиятнинг бизнес имкониятларидан ёки жамият учун манфаатли бўлган объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга кўмаклашиш мақсадида фойдаланмасликни;

жамиятнинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмасликни;

қонунчиликка, жамиятнинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликни;

ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкий манфаатдор бўлмасликни.

Қонунчиликда, жамият уставида ва ички ҳужжатларида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчининг бошқа фидуциар мажбуриятлари белгилалиши мумкин»;

**еттинчи қисми тўққизинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда, № 7, 666-модда, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 12, 1010, 1011-моддалар; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 2, 111, 113-моддалар, № 10, 1073-модда, № 11, 1190-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **300-модданинг:**

**тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**еттинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **43-боб** қуйидаги мазмундаги **300<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«300<sup>1</sup>-модда. Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаш**

Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридagi божхона божлари, товарни жўнатувчи ва экспорт қилувчи мамлакатдан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларида энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланилади.

Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакати аниқланмаган товарларга нисбатан бож тарифидан ташқари қуйидаги миқдорларда қўшимча божхона божи ундирилади:

божхона божининг адвалор ставкаси тури ўн фоизгача бўлган товарларга нисбатан — беш фоиз;

божхона божининг адвалор ставкаси ўн фоиздан йигирма фоизгача бўлган товарларга нисбатан — ўн фоиз;

божхона божининг адвалор ставкаси йигирма фоиздан ўттиз фоизгача бўлган товарларга нисбатан — ўн беш фоиз;

божхона божининг адвалор ставкаси ўттиз фоиз ва ундан юқори бўлган товарларга нисбатан — йигирма фоиз»;

3) **328-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона тўловлари божхона органларининг қонунчиликка мувофиқ шу мақсадлар учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига тўловчи томонидан тўланади.

Божхона органлари тўланган ва ундирилган божхона тўловларининг, шунингдек пенялар ва жарималарнинг ҳисобини божхона органларининг ахборот тизимидаги тўловчининг шахсий ҳисобварағида акс эттириш орқали юритади. Тўловчининг шахсий ҳисобварағини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Тўланган божхона тўловларидан олинган маблағлар товарлар чиқариб юборилган кундан ёки тўланиши божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган кундан эътиборан уч иш куни ичида автоматик равишда божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.

Божхона тўловлари, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, миллий валютада тўланади»;

4) **366-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат мавжуд бўлмаганда ёки ушбу сертификатнинг ва (ёки) унда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа туғилганда товарга нисбатан ушбу Кодекснинг 300<sup>1</sup>-моддасида

белгиланган қўшимча божхона божи қўлланилади, бундан ушбу Кодекснинг 365-моддасида назарда тутилган ҳол мустасно».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат активлари-ни бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро ҳокимияти органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 27 ноябрь,  
ЎРҚ–1097-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ

**732** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига баъзи турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг муомаласига доир талабларни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
24 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 30 апрелда  
маъқулланган

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида, айниқса болалар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шу жумладан тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ва истеъмол қилинишини чеклаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга кейинги йилларда тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турларини, хусусан, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ва улар учун суюқликларни мамлакатимизга қонунга хилоф равишда олиб кириш ҳамда муомалага киритиш ҳоллари кўпайган бўлиб, бу эса ушбу маҳсулотлар аҳоли ўртасида, айниқса болалар ва ёшлар орасида истеъмол қилинишининг ортишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан тамаки маҳсулотларининг, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларининг, шу жумладан электрон сигареталарнинг ва улар учун суюқликларнинг муомаласини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тақиқлаш, уларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш учун жавобгарлик белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ва улар учун суюқликларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек олиб кириш ва олиб чиқиш учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Бунда ушбу ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилган ва муомаласи тақиқланган маҳсулотларни топширган тақдирда, мазкур шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ва ишлаб чиқариш учун жавобгарлик белгиланмоқда.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

Бундан ташқари «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида никотин етказиб беришнинг электрон тизимларининг, шу жумладан электрон сигареталарнинг ва улар учун суюқликларнинг айланишига доир тақиқ белгиланмоқда.

Ушбу Қонун аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга, миллат генотипини сақлашга, атроф-муҳитни тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турларидан муҳофаза қилишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186, № 12, 1280, 1287-моддалар) **186<sup>1</sup>-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«186<sup>1</sup>-модда. Этил спиртини, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш**

Этил спиртини, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спиртини, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ишлаб чиқариш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) кўп миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган

бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган

бўлса, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатларни содир этишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъ-мол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни топширса, жавобгарликдан озод қилинади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267,

268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар) **186<sup>1</sup>-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«186<sup>1</sup>-модда. Этил спиртини, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш**

Этил спиртини, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек тамакини қиздириш тизимларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш, — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни ишлаб чиқариш, —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни олиш ёки сақлаш, —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этиш, —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни топширса, маъмурий жавобгарликдан озод қилинади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майда қабул қилинган «**Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида**»ги ўРҚ–844-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 5, 322-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **1-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган талаблар ушбу Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ айланиши тақиқланган тамаки маҳсулотларига, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларига, шу жумладан электрон сигареталарга нисбатан татбиқ этилмайди»;

2) **3-модданинг:**

**учинчи ва тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи савдоси** — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини (бундан ушбу Қонун 37-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида айланиши тақиқланган маҳсулотлар ва мосламалар мустасно) кейинчалик сотиш учун етказиб бериш»;

**алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси** — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини (бундан ушбу Қонун 37-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида айланиши тақиқланган маҳсулотлар ва мосламалар мустасно) мазкур маҳсулотлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз истеъмолчига реализация қилиш»;

**ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари** — электр токи (аккумулятор) ёрдамида никотинли ёки никотинсиз суюқликни (картрижларда, резервуарларда ва бошқа контейнерларда) қиздирадиган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, кўп марта ишлатиладиган мосламалар, шу жумладан алоҳида ёки бирга сотилишидан қатъи назар, бундай мослама билан бирга фойдаланиш учун тайёрланган ҳар қандай буюм ёки қисм (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно)»;

3) **34-модданинг:**

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

4) **37-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Таркибидаги никотин ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган бошқа моддалар миқдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражаларидан ошадиган тамаки маҳсулотларининг, шунингдек санитария-эпидемиология талаблари белгиланмаган тамаки маҳсулотларининг айланиши тақиқланади.

Қуйидагиларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тақиқланади:

чекилмайдиган тамаки маҳсулотларини, шу жумладан таркибида никотин мавжуд бўлган чекилмайдиган маҳсулотларни;

таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузлари, эритмалари, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотинли геллар мавжуд бўлган, лекин тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлмаган чекиладиган маҳсулотларни (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинли суюқликларни, электрон сигареталар учун никотинли суюқликларни);

таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, лекин никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, шу жумладан электрон сигареталар билан бирга фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотларни (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинсиз суюқликларни, электрон сигареталар учун никотинсиз суюқликларни);

никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан электрон сигареталарни.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган тақиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида носвойни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Тамаки маҳсулотларига ўхшатиб ишланган товарларни ишлаб чиқариш, олиб кириш, сотиш ва тарқатиш тақиқланади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг (бундан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида айланиши тақиқланган маҳсулотлар ва мосламалар мустасно) улгуржи ва чакана савдоси қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдосига доир фаолият Ваколатли давлат органига мазкур фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотларининг чакана савдосига доир фаолият солиқ органларига мазкур фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси фақат тамаки маҳсулотларини, тамакини

ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини сақлаш ҳамда реализация қилишнинг тегишли санитария нормалари ва қоидаларига мос келадиган омборхоналари ҳамда ускуналари бўлган кўчмас савдо объектларида амалга оширилиши мумкин.

Чакана савдо амалга ошириладиганда тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ёйиб қўйиш ва очиқ намойиш этиш тақиқланади.

Чакана савдо учун таклиф этиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари тўғрисидаги ахборот сотувчи томонидан харидорлар эътиборига савдо залида сотиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхатини жойлаштириш орқали етказилади, рўйхатнинг матни оқ фонда бир хил ўлчамдаги қора рангли ҳарфлар билан ёзилади ва рўйхат алфавит тартибда, сотиладиган тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг нархи кўрсатилган ҳолда, бирор-бир график тасвирлар ва расмлардан фойдаланмасдан тузилади.

Кўчмас савдо объектларида тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини харидорга намойиш этиш унинг талабига кўра, сотиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхати билан танишиб чиққанидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдосига доир фаолият онлайн тарзда фискал хотирани назорат-касса машиналарини ва (ёки) виртуал касса тизимларини, шунингдек банк пластик карталаридан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини албатта қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг, шу жумладан импорт қилинган бундай маҳсулотлар ва мосламаларнинг сотувчиси ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича тайёрловчининг ёки етказиб берувчининг имзоси билан тасдиқланган, ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича мувофиқлик сертификати мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар бўлган ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказилганлик рақамлари, ушбу сертификатнинг амал қилиш муддати ҳамда сертификатни берган орган кўрсатилган товар-транспорт ҳужжатларига эга бўлиши керак».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 27 ноябрь,  
ЎРҚ-1098-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **733** Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини тубдан ошириш, очиқ ва шаффоф тартиб-таомиллар асосида суд органларини малакали кадрлар билан тўлдириш, аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини самарали таъминлаш, суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ **қарор қиламан:**

#### **I. Мақсадлар**

1. Қуйидагилар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг устувор мақсадлари этиб белгилансин:

(а) судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини ва суд мустақиллигига оид илғор халқаро стандартлар кенг жорий этилишини таъминлаш;

(б) судьялар корпусини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ушбу жараёнда судьялар ҳамжамияти органлари ролини ошириш ва уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш;

(в) судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш, судьяликка номзодларни танлашнинг шаффоф тартибини жорий этиш;

(г) суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш имкониятларини кенгайтириш орқали аёл судьялар улушини камида 30 фоизга етказиш.

#### **II. Суд мустақиллигига оид илғор стандартларни жорий этиш ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини такомиллаштириш**

2. Судьялар олий кенгашининг (кейинги ўринларда — Кенгаш) қонунчиликка судьянинг алмаштирилмаслигига оид тамойилни киритиш бўйича қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиб, судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартибини белгилаш;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

(б) туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни аниқ мезонларга кўра судьялар орасида очик танлов асосида танлаш тартибини ўрнатиш;

(в) судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда «ҳалоллик», «касбий лаёқатлилиқ» ва «судьялик одоби қоидаларига риоя этиш» талабларининг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш.

3. Кенгаш ва Олий суднинг Кенгаш таркибини шакллантириш тартибини судьялар ҳамжамияти органларининг иштирокини ошириш орқали янада такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилиши. Бунда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қоида тариқасида, судья сифатида камида 7 йил ишлаган судьялар номзоди кўрсатилиши мумкин;

(б) Кенгашнинг жамоатчилиқ асосида фаолият юритувчи аъзолари таркибига номзодлар ҳуқуқ соҳасидаги илмий ва олий таълим ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан тавсия этилиши.

4. Кенгаш Олий суд билан биргаликда уч ой муддатда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари таркибини қўйидаги суд судьялари орасидан шакллантириш тартибини жорий этиш бўйича қонунчилиққа ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин:

(а) Олий суддан — икки нафар судья;

(б) вилоят даражасидаги судлардан — етти нафар судья;

(в) туманлараро, туман, шаҳар судларидан — тўрт нафар судья.

5. Кенгашнинг судьялик лавозимларига номзодлар бўйича ҳулосалар қўйидаги судьялар ҳамжамияти органлари томонидан тақдим этилишини назарда тутувчи тартибни қонунчилиққа киритиш ҳақидаги таклифига розилиқ берилсин:

(а) судьялар малака ҳайъатлари — ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг судьялари, ҳудудий ҳарбий судларнинг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига номзодлар бўйича;

(б) Судьялар олий малака ҳайъати — Олий суд судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар бўйича.

6. Кенгаш ва Олий суднинг судьялар ҳамжамияти органларининг мустақиллигини ошириш мақсадида Кенгаш ва Судьялар олий малака ҳайъатининг қўшма йиғилишини ўтказиш тартибини бекор қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

7. Кенгаш раисига, унинг конституциявий мақомидан келиб чиққан ҳолда, қўйидаги ваколатлар берилсин:

(а) судьялар томонидан Судьялар одоби кодекси нормалари бузилган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатларда судьялар малака ҳайъатлари томонидан интизомий иш асоссиз тугатилган ёки тайинланган интизомий жазо судья содир этган қилмишга мос эмас деб топилган тақдирда, малака ҳайъатларининг тегишли қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақдимнома киритиш;

(б) Кенгашнинг тузилмаси ва штат жадвалини белгиланган штат бирликлари доирасида мустақил тасдиқлаш.

8. Кенгаш ваколатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари вазирлик ва идоралар томонидан Кенгаш билан мажбурий тартибда келишиб олиниши белгилансин.

### **III. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида очиклик даражасини ошириш ва суд бошқарувини такомиллаштириш**

9. 2025 йил 15 декабрга қадар Кенгашнинг расмий веб-сайтида қуйидагиларни очик эълон қилиб бориш амалиёти жорий этилсин:

(а) суд тизимида мавжуд бўш раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига оид маълумотлар ҳамда уларни эгаллаш учун танловда иштирок этиш тартиби;

(б) суд тизимида судьялик лавозимлари, шу жумладан, раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ҳамда тайинлаш бўйича барча босқичларга оид маълумотлар.

10. Кенгаш фаолиятига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва ўрганиш жараёнини рақамлаштириш мақсадида:

(а) судьялик лавозимларига номзодлардан ортикча маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш мақсадида «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси Кенгашнинг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилинсин;

(б) судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолашда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш йўлга қўйилсин;

(в) судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича судьянинг касбига муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни такомиллаштириш чоралари кўрилсин;

(г) Кенгаш мажлисларида ёпиқ овоз бериш ва қарор қабул қилиш жараёнларига рақамли технологиялар жорий этилсин.

11. Кенгаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, замонавий рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 4 та штат бирлиги ажратилсин.

12. Кенгаш умумий штат бирликларининг чекланган сони 32 та, шу жумладан, судьялик лавозимлари — 13 та, ижро аппарати ходимлари — 10 та, молия-хўжалик бўлими ходимлари — 6 та этиб белгилансин.

#### IV. Суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш

13. Кенгаш (Х. Ёдгоров), Олий суд (Б. Исламов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) уч ой муддатда қуйидагилар бўйича таҳлилий маълумотнома киритсин:

(а) адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш;

(б) Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш;

(в) судьялар ва суд ходимлари кунини белгилаш.

14. Кенгаш ва Олий суднинг судья мустақиллиги ва жавобгарлиги ўрта-сидаги мувозанатни таъминлаш мақсадида судьяга нисбатан интизомий жазо қўллаш тизимини шаффоф ва адолатли қилиш бўйича қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) судьяга нисбатан интизомий иш кўриб чиқишда унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини тақдим этиш;

(б) қуйи судьялик лавозимига ўтказиш интизомий жазо чорасини жорий этиш;

(в) интизомий жазо амалда бўлган вақтда юқори судьялик лавозимига тавсия этилмаслик;

(г) судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг аниқ мезонларини белгилаш.

#### V. Судьялар корпусида гендер тенгликни таъминлаш ва илмий салоҳиятни ошириш

15. Судьялар корпусида гендер тенгликни таъминлаш мақсадида:

(а) Кенгашнинг Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилишда ҳар йили заруратга қараб Кенгаш томонидан хотин-қизлар учун квота белгилаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин;

(б) ташаббускор судьялар гуруҳи томонидан Ўзбекистон аёл судьялар ассоциациясини ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

16. Суд тизимида камида беш йиллик меҳнат тажрибасига ва илмий салоҳиятга эга судьялар қонунчиликда белгиланган тартибда Одил судлов академиясига профессор-ўқитувчи лавозимига тайинланганда Академиядаги фаолияти тугагандан сўнг унинг муқаддам ишлаган судьялик лавозимида ишни давом эттириши, бўш турган судьялик лавозими бўлмаган тақдирда, розилиги билан аввалгисига тенг бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши белгилансин.

#### VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

17. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва

очиқлигини янада ошириш бўйича «йўл харитаси» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6127-сон Фармони 8-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбосилари ҳамда 2-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Кенгаш (Х. Ёдгоров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Судьялар олий кенгаши раиси Х.Б. Ёдгоров белгилансин.

21. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Н.Ж. Хакимова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 24 ноябрь,  
ПФ–227-сон

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**734** Архив иши соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Архив иши соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, аҳоли ва бизнесга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда соҳада самарали бошқарув тизимини яратиш ва «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Мақсадлар**

1. Қуйидагилар архив соҳасини 2030 йилга қадар рақамлаштириш, хизматлар сифатини ошириш ва соҳада самарали бошқарув тизимини яратишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) Миллий архив фонди ҳужжатлари рақамлаштирилишини 60 фоизга етказиш;

(б) электрон хизмат кўрсатиш улушини 100 фоизга етказиш ҳамда хизмат кўрсатиш муддатини камида уч бараварга қисқартириш;

(в) архив хизматлари оммабоплигини ошириш ва янги хизмат турларини жорий қилиш;

(г) ҳужжатларни классификация қилиш ва таниш жараёнларига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ҳужжатларни қайта ишлашда инсон омилини 50 фоизга камайтириш;

(д) архив иши соҳасида самарали бошқарув тизимини жорий этиш, давлат органларининг электрон тизимларига тўлиқ интеграция қилиш ва маълумотлар алмашинувини автоматлаштириш.

**II. Архив соҳасини рақамлаштириш**

2. 2026 йил 1 июндан бошлаб архив хизматларини рақамлаштиришда қўлланиладиган амалдаги архив ахборот тизимлари негизида Ягона миллий архив ахборот тизими (кейинги ўринларда — Архив ахборот тизими) жорий этилсин. Бунда:

(а) барча рақамлаштирилган ва келгусида рақамлаштириладиган архив ҳужжатлари Архив ахборот тизимига киритилади ва тизимда сақланади;

(б) архив ҳужжатларини рақамлаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

(i) биринчи босқичда (2025 — 2027 йиллар) — алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатлар, мол-мулк ва ерга оид архив ҳужжатлари тўлиқ рақамлаштирилади;

(ii) иккинчи босқичда (2028-2029 йиллар) — кино, фото, фоно ва илмий-техник архив ҳужжатлари рақамлаштирилади;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

(iii) учинчи босқичда (2030 йилдан) — Миллий архив фондининг бошқа архив ҳужжатлари рақамлаштирилади;

(в) Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) Миллий архив фонди ҳужжатларини сканерлаш ва уларни Архив ахборот тизимига киритиш ишлари учун Адлия вазирлиги ҳамда Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан шартнома асосида мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилади.

3. Агентликнинг давлат архивларида сақланаётган алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатлар ҳаракатини автоматлаштириш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш ва хавфсизлигини таъминлаш ишларига RFID (радиочастотали идентификация) технологиясини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

(а) RFID технологияси:

(i) 2026 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон миллий архивларида сақланаётган ҳужжатлар билан ишлашда мажбурий қўлланилади;

(ii) 2027 йил 1 мартга қадар босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар марказий давлат архивлари ҳамда вилоят давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлар билан ишлашда қўлланиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилади;

(б) RFID технологиясидан фойдаланиш орқали ҳар бир архив ҳужжатига уникал идентификация рақами берилади ва улар Архив ахборот тизими билан интеграция қилинади;

(в) Агентлик директори RFID технологиясининг жорий этилишига, давлат архивлари раҳбарлари RFID технологиясининг самарали ишлашини таъминлашга шахсан масъул ҳисобланади.

4. Белгилансинки, 2026 йил 1 августдан бошлаб қуйидаги давлат архивлари функциялари тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда амалга оширилади:

(а) Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

(б) йиғмажилдлар рўйхатини тузиш ва расмийлаштириш, уларга оид илмий-маълумотнома аппаратини тузиш, келишиш, тасдиқлаш;

(в) давлат архивлари томонидан архив ҳужжатларини қабул қилиш, фойдаланишга бериш;

(г) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қайта ташкил этилаётганда уларнинг архив ҳужжатларини ҳуқуқий ворисларида сақлаш масаласини давлат архивлари билан келишиш;

(д) давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмаларининг ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини шакллантириш ҳамда тегишлича Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар билан келишиш;

(ж) давлат архивларига архив ҳужжатлари топширилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг ягона рўйхатини шакллантириш.

### **III. Архив хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш**

5. Адлия вазирлигининг 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқароларнинг

оилавий шажаралари бўйича маълумотларни онлайн тарзда тақдим этиш имкониятини берувчи «Шажара» ахборот тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Белгилансинки, «Шажара» ахборот тизимида қуйидаги имкониятлар яратилади:

(а) «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидаги дастлабки маълумотлар, давлат архивларида ҳамда идоравий архивларда сақланаётган архив ҳужжатлари асосида оила шажараси бўйича маълумотларни шакллантириш хизматини кўрсатиш;

(б) Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг ДНК маълумотлари хизмати орқали фуқароларнинг этник келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни аниқлаш;

(в) сунъий интеллект технологиялари ёрдамида оила шажарасига оид архив ҳужжатлари маълумотларини таҳлил қилиш ва оилавий боғлиқлигини аниқлаш;

(г) оила шажарасига оид маълумотларнинг сақланиши, махфийлиги ҳамда ҳимоя қилинишини таъминлаш.

7. Белгилаб қўйилсинки, оила шажарасини шакллантириш хизмати давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қуйидаги даврлар бўйича кўрсатилади:

(а) IX асрдан — 1917 йилгача бўлган ва кейинги даврга оид архив ҳужжатлари асосида оила шажарасини шакллантириш;

(б) 1918 йилдан — 1945 йилгача бўлган ва кейинги даврга оид архив ҳужжатлари асосида оила шажарасини шакллантириш;

(в) 1946 йилдан — ҳозирги кунга қадар бўлган даврга оид архив ҳужжатлари асосида оила шажарасини шакллантириш.

8. Давлат архивларига оила шажарасини шакллантиришда илмий тадқиқотчилар ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

9. Белгилансинки, 2026 йил 1 ноябрдан бошлаб:

(а) ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат архивлар ўзларида сақланаётган архив ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни давлат архивларига Архив ахборот тизими орқали онлайн тақдим этади;

(б) давлат архивларининг жамлаш манбалари бўлган ташкилотларга нодавлат архивлар томонидан пулли хизматлар кўрсатишда давлат архивининг розилигини олиш амалиёти бекор қилинади;

(в) давлат архивлари ўқув заллари фойдаланувчиларига архив ҳужжатларини вақтинча фойдаланишга бериш муддати икки ойгача узайтирилади.

10. 2026 йил 1 майдан бошлаб архив хизматларини кўрсатишда қуйидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинсин:

(а) талабгорларни архив ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказишда тегишли архив муассасаси ёки ташкилот раҳбарининг тавсия хати;

(б) мавзули сўровлар тўғрисида маълумотнома беришда сўралаётган ҳужжатнинг нусхаси;

(в) давлат мулки бўлган архив ҳужжатлари ёки уларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек, Миллий архив фондининг нодавлат қисмига киритилган архив ҳужжатлари ёки уларнинг кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча олиб чиқиш учун рухсатнома беришда архив ҳужжатларини тасарруфдан чиқариш ёки бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш шаклини тасдиқловчи ҳужжатлар;

(г) тижорат ташкилоти ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома. Бунда мазкур ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан Архив ахборот тизими орқали мустақил равишда олинади.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ кўчмас мулк объектларига кадастр паспортини расмийлаштириш ва уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда:

(а) давлат архивларининг мулкый ҳуқуқларни аниқлаш бўйича архив маълумотномалари фақат давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинади;

(б) давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган архив маълумотномаси давлат архивидаги ер ва мол-мулкка доир ҳужжатга мувофиқлиги Архив ахборот тизими орқали текширилади;

(в) тақдим этилган архив маълумотномаси тегишли давлат архиви томонидан берилмаганлиги ёки ундаги маълумотлар архив сақловидаги ҳужжатларга номувофиқлиги аниқланганда, ушбу маълумотнома ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

12. 2026 йил 1 мартдан бошлаб қуйидаги архив хизматларини кўрсатиш муддатлари қисқартирилсин:

(а) архив ҳужжатлари ёки уларнинг кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча олиб чиқиш учун рухсатнома бериш муддати 15 иш кунидан 5 иш кунигача;

(б) яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш муддати 20 иш кунидан 10 иш кунигача;

(в) олий ва ўрта-махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш муддати 5 иш кунидан 2 иш кунигача;

(г) архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш) муддати 3 иш кунидан 1 иш кунигача.

#### **IV. Архив иши соҳасида самарали бошқарув тизимини жорий этиш**

13. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг ҳудудий филиаллари тугатилади ҳамда уларда сақланаётган архив ҳужжатлари белгиланган тартибда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар марказий давлат архивлари ҳамда вилоят давлат архивлари-

га, улар фойдаланаётган бино қисми Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилади;

(б) вилоят, туман (шаҳар) шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари тугатилади ҳамда мазкур архивларнинг вазифа ва функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар марказий давлат архивлари, вилоят, туман (шаҳар) давлат архивларига (кейинги ўринларда — ҳудудий давлат архивлари) ўтказилади;

(в) барча вазифа ва функциялари ҳамда ходимларнинг амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақланган ҳолда ҳудудий давлат архивларининг алоҳида юридик шахс мақоми тугатилади. Бунда:

(i) ҳудудий давлат архивларининг инсон ресурслари билан ишлаш, ташкилий ҳамда молия-хўжалик фаолиятини услубий мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш Агентликнинг архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади;

(ii) ҳудудий давлат архивларининг 44 та бошқарув штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан Агентликнинг архив иши ҳудудий бошқармаларига қўшимча 42 та бошқарув штат бирликлари ажратилади;

(г) Агентликнинг тизим ташкилотларини жойлаштиришдан ортган бўш турган бино-иншоотлар белгиланган тартибда сотилади ва ундан тушган маблағлар баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда Агентлик тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида фойдаланиш учун Архив ишини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2026 йил 1 августдан бошлаб:

(i) Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари томонидан ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг архив иши ва иш юритишини белгиловчи ички ҳужжатлари электрон тарзда экспертизадан ўтказилади;

(ii) электрон шаклдаги архив ҳужжатларини топшириш ва қабул қилиш Архив ахборот тизими орқали амалга оширилади;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари ҳар икки йилда ўзида сақланаётган архив ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ тартибга келтириши ва бу билан боғлиқ ишлар касбий компетентлик гувоҳномасига эга шахс томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

## V. Ташкилий чора-тадбирлар

15. Белгилансинки, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари балансига ўтказилаётган давлат архивлари биноларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганда барча йиғимлардан озод этилади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари доимий равишда тегишли ҳудудда жойлашган давлат архивларида сақланаётган архив ҳужжатларининг сақланиши учун лозим даражадаги шарт-шароитларни таъминлаб борсин.

17. Қуйидагилар:

(а) 2026 — 2030 йилларда архив иши соҳасини ривожлантириш дастури 1-иловага\* мувофиқ;

(б) 2026 — 2030 йилларда архив соҳасини рақамлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

## **VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

18. Мазкур Фармон ижросини мониторинг қилиб бориш режаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

(а) Агентлик Фармон ижросини мониторинг режасига асосан ҳар йили 15 февралга қадар мониторингдан ўтказсин ҳамда мониторинг натижаларини Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мониторинг режаси асосида Фармон ижросини назорат қилсин ҳамда ҳар йили 25 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(в) «Ijro.gov.uz» тизимида Фармон ижросини назоратдан ечишда мониторинг режасида кўрсатилган мақсадларга эришилганлиги инобатга олинсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Адлия вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов ҳамда «Ўзархив» агентлиги директори У.М. Юсупов белгилансин.

22. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 24 ноябрь,  
ПФ–228-сон

---

\* 1 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **735** Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

«Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққаю ягона тўғри йўлидир» деган устувор ғоя асосида замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, юридик таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

#### **I. Мақсадлар**

1. Қуйидагилар юридик таълим ва илм-фан ривожланишида эришиладиган асосий вазифалар этиб белгилансин:

(а) юридик таълим жараёнларининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойилини жорий этиш;

(б) юридик таълим тизимида таълим — тадқиқот — амалиёт интеграциясини йўлга қўйиш, бошқарувда академик-коллегиал ёндашувларни янада кенгайтириш;

(в) юридик таълим самарадорлиги ва сифати устидан назоратни кучайтириш;

(г) Тошкент давлат юридик университетининг (кейинги ўринларда — Университет) 2030 йилга қадар нуфузли Quasquarelli Symonds рейтингда ҳуқуқ соҳаси бўйича юқори 1 000 талик университетлар рўйхатига киришини таъминлаш.

#### **II. Таълим сифатини янада кучайтириш ва ўқув жараёнларига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш**

2. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Университетда тажриба тариқасида амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими жорий этилсин. Бунда:

(а) иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс талабалари учун юридик таълим дастурларининг 50 фоизи (назарий қисмлари) аудиторияларда, 50 фоизи (амалиёт қисми) суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа юридик соҳага оид ташкилотларда ўтказилади;

(б) таълим дастурларининг назарий қисмларини амалий мисоллар асосида ўқитиш (problem-based learning) орқали талабада муаммоли вазиятни таҳлил ва хулоса қилиш каби «юмшоқ» кўникмалар (soft skills) ва назарий билимларни шакллантиришга эътибор қаратилади;

(в) таълим дастурларининг амалий қисмлари суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотлар-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

да, шунингдек, юридик клиникада клиник семинарлар ўтказиш орқали олиб борилади.

3. 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб «Юриспруденция» таълим йўналиши мавжуд бошқа давлат олий таълим ташкилотларида Университет тажрибаси натижаларидан келиб чиқиб, амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими йўлга қўйилсин.

4. Университетда таълим — тадқиқот — амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида соҳавий факультетлар тизими академик департамент, тадқиқот, амалиёт ва карьера марказларидан иборат таркибда шакллантирилсин. Белгилансинки:

(а) Университет кафедралари негизида илмий-тадқиқот ва амалиётга асосланган, юқори сифатли таълим беришга йўналтирилган академик департаментлар ва улар таркибида шўъбалар қўйидаги тартибда ташкил этилади:

(i) академик департаментлар таълим йўналиши бўйича кадрларга бўлган талабни аниқлаш орқали таълим ва фан дастурларини ишлаб чиқади, ўқув жараёнларини сифатли ташкил этишга масъул ҳисобланади;

(ii) академик департаментлар шўъбалари суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳам ташкил этилади ҳамда таълим дастурлари тегишли ташкилотлар ходимлари иштирокида амалиётдан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади;

(б) тадқиқот марказлари факультетлар йўналишидан келиб чиқиб:

(i) илмий ходимлардан иборат бўлади, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммо ва камчиликларни илмий ёндашувлар асосида тадқиқ қилади, натижаларини ўқув жараёни ва амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқади;

(ii) фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқот лойиҳалари ҳамда буюртмалар асосида тегишли соҳага доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг илмий экспертизасини амалга оширади, мақсадли илмий тадқиқот лойиҳалари орқали долзарб муаммоларнинг илмий ечимларини ишлаб чиқади;

(в) амалиёт ва карьера марказлари факультет талабалари амалиётини, клиник ва дуал таълимни суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотларда ташкил этади ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашади;

(г) мазкур тизимда факультет деканлари, департамент бошлиқлари ва марказ раҳбарларини сайлаш амалиёти жорий этилиб:

(i) сайловлар Университет кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида ўтказилади;

(ii) факультет деканлари, департамент бошлиқлари ва тадқиқот маркази раҳбарлари икки ўқув йилига сайланади ҳамда бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ мазкур лавозимларга сайланиши мумкин эмас;

(iii) академик департаментлар бошлиқлари ва марказлар раҳбарлари факультет декани ўринбосарлари ҳисобланади;

(iv) шўъбалар профессор-ўқитувчилар таркибидан иборат бўлиб, уларнинг раҳбарлари кафедра мудирларига тенглаштирилади;

(д) Университетнинг амалдаги таркибий бўлинмаларининг тегишли ваколат ва функциялари факультетларга ўтказилиши ҳисобига уларнинг штат бирликлари қисқартирилади ва уларда фақатгина тегишли йўналишлар бўйича мувофиқлаштириш ва умумлаштириш функциялари қолдирилади;

(ж) мазкур ўзгаришлар доирасида факультет бошқарув ходимлари томонидан профессор-ўқитувчиларга уларнинг юкламаларида назарда тутилмаган вазифа ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди.

5. 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) Университетда қўйидагиларни назарда тутувчи «Университет 5.0» концепцияси асосида барқарор ривожланишга қаратилган таълим муҳити шакллантирилсин:

(i) талабаларга йўналтирилган таълим жараёни орқали уларнинг ижодий салоҳиятини доимий ривожлантириш ҳамда ижтимоий масалаларни ечишга қодир бўлган мутахассислар тайёрлаш;

(ii) Университет академик мустақиллигини таъминлаш доирасида коллегиял органларнинг бошқарувдаги ролини ошириш;

(iii) таълим жараёнларида замонавий технологиялар, сунъий интеллект ва инсон капитални ривожлантиришга қаратилган инсонпарварлик кадриятларини ўзаро мувозанатли интеграциялашга қаратилган инновацион экотизим яратиш;

(б) Университетда таълим дастурлари, таълим ва бошқарув жараёнига қўйидагилар орқали соҳадаги халқаро стандартлар жорий этилсин:

(i) Университет ва таълим дастурларини халқаро институционал ва дастурий аккредитациядан ўтказиш;

(ii) талабаларга фан ва ўқитувчиларни танлаш учун кенг имкониятлар яратиш орқали профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш;

(в) Университет учинчи ва тўртинчи курс талабаларини давлат ташкилотларига, нотариат ва адвокатлик тузилмаларига иш юритувчи, юрисконсулт ёрдамчиси сифатида ишга қабул қилишга руҳсат этилсин.

6. Таълим жараёнларига сунъий интеллектни жорий этиш, ҳуқуқий технология ва рақамли ҳуқуқ йўналишларини ривожлантириш мақсадида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(а) Университетда сунъий интеллект асосида дарс сифатини баҳолаш тартиби жорий этилсин. Бунда электрон таълим платформасида:

(i) талабаларнинг оралиқ билими даражасини аниқлаш механизми белгиланади;

(ii) яқуний назорат ишларини сунъий интеллект томонидан баҳолаш йўлга қўйилиб, инсон омили чекланади;

(iii) сунъий интеллект технологиялари асосида тьюторлик фаолияти талаба кўмакчиси сифатида жорий этилади;

(iv) фан ўқитувчисининг дарс ўтишини баҳолаш йўлга қўйилади;

(б) Университетда «Рақамли ҳуқуқ» (Digital Law) халқаро таълим йўналиши жорий этилсин. Бунда:

(i) мазкур йўналишга ўқишга қабул қилиш танловлари халқаро стан-

дартларга мувофиқ ихтисослашган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда IQ тест тартибида ўтказилади ва танловда чет тиллари бўйича B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этади;

- (ii) ўқув жараёни инглиз ва бошқа тилларда олиб борилади;
- (iii) ўқув жараёнига етук хорижий профессор-ўқитувчилар жалб этилади.

### **III. Юридик таълим жараёнларини янги босқичга олиб чиқиш ва таълим сифати назоратини янада кучайтириш**

7. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(а) Университетга белгиланган тартиблар асосида қабул қилинадиган Университет ҳузуридаги академик лицейлар, юридик техникумлар битирувчилари ҳамда олий маълумотга эга бўлган шахслар учун улар танловига кўра кириш мумкин бўлган бакалавр таълим йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик таълим дастури жорий этилсин, уларни қабул қилиш ва ўқитиш алоҳида қабул квотаси ва тўлов-контракт асосида амалга оширилиши белгилансин;

(б) Университетда бизнесни ҳуқуқий бошқариш ва тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлашга замонавий ёндашувларни жорий қилиш, мазкур масалаларда ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш мақсадида:

(i) «Корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув» таълим мутахассислиги амалдаги ва кўшимча квоталар доирасида;

(ii) тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқий билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган «Master of Legal Administration» (MLA) бир йиллик ўқув дастури жорий этилсин;

(в) Қашқадарё юридик техникуми негизида Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейни ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин;

(г) белгилансинки, Университет ҳузуридаги академик лицейларда:

(i) тижорат гуруҳлари ташкил этилишига;

(ii) ўқитувчилар ва ходимларга Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар тайинлашга рухсат этилади.

8. Таълимнинг барча босқичларида юридик таълимни ривожлантириш мақсадида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(а) умумий ўрта таълим мактабларининг 5 — 7-синфларида тарбия фани доирасида ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган мавзуларда визуал (комикс) контентлардан фойдаланиш йўлга қўйилсин;

(б) «Юриспруденция» ҳамда «Давлат ва жамият бошқаруви» таълим йўналишида бакалавр даражасига эга бўлган шахсларга қайта тайёрлов курсларидан ўтмасдан умумий ўрта таълим мактабларида давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича дарс беришга рухсат этилсин;

(в) ҳуқуқ фанидан билиш даражасини баҳолаш бўйича тест синовини ташкил этиш ҳамда унинг натижалари асосида давлат намунасидаги сертификат бериш тартиби жорий этилсин.

9. Юридик таълим самарадорлиги ва сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида 2026 йил 1 мартдан бошлаб:

(а) абитуриентларни «Юриспруденция» таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари, ички ишлар органлари ходимлари, фан олимпиадалари ғолиблари, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга татбиқ этиладиган имтиёзлардан ташқари «Юриспруденция» таълим йўналишига алоқадор бўлмаган олий таълим ташкилотларига киришдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилиши тўхтатилсин;

(б) Университетда «Юриспруденция» бакалавриат таълим йўналишидан бошқа турдош таълим йўналишлари битирувчилари учун икки йиллик магистратура мутахассислиги жорий қилинсин.

#### **IV. Университет бошқарувида академик-коллегиал ёндашувларни жорий қилиш, илмий тадқиқотлар ва амалиёт интеграциясини таъминлаш**

10. Университет бошқарувида профессор-ўқитувчиларнинг ролини ошириш, қарорлар қабул қилишда коллегиал ёндашувларни янада кенгайтириш мақсадида Университет профессорлар кенгаши (Senate of Professors) ташкил этилсин ва унга қуйидаги ваколатлар берилсин:

(а) Университетни узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш;

(б) халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чораларни белгилаш;

(в) ҳуқуқ соҳасидаги долзарб илмий тадқиқотларнинг, илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

(г) академик ҳалоллик ва тадқиқот этикаси стандартларини тасдиқлаш;

(д) ваколатлари доирасидаги масалаларни кўриб чиқиш учун ўз таркибида қўмиталар тузиш ва уларнинг аъзоларини сайлаш.

11. Университет профессор-ўқитувчи ва докторантлари фаолиятининг амалиётдаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) Университет профессор-ўқитувчи ва докторантлари учун тегишлилигича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларида ҳар ҳафтада камида бир мартаба стажировка ўташ ва амалий муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш тизими йўлга қўйилсин;

(б) ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижалари учун таклифлар тегишлилигича парламент, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларида муҳокамадан ўтказиб борилсин;

(в) Университетнинг тадқиқот марказлари томонидан тегишли соҳа ва йўналишлар бўйича қонун лойиҳалари ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш бўйича қонун лойиҳаларини илмий экспертизасини ўтказишга рухсат этилсин.

**V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

12. Юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Адлия вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

16. Мазкур Фармон ижросини мониторинг қилиб бориш режаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

(а) Адлия вазирлиги Фармон ижросини мониторинг режасига асосан ҳар йили 15 февралга қадар мониторингдан ўтказсин ҳамда мониторинг натижаларини Ҳисоб палатасига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мониторинг режаси асосида Фармон ижросини назорат қилсин ҳамда ҳар йили 25 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(в) «Ijro.gov.uz» тизимида Фармон ижросини назоратдан ечишда мониторинг режасида кўрсатилган мақсадларга эришилганлиги инобатга олинсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 26 ноябрь,  
ПФ–232-сон

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**736 Интеллектуал фаолият натижаларини рағбатлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакат иқтисодиётида интеллектуал мулкнинг улушини ошириш, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни ишончли ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, шунингдек, 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Қуйидагилар 2026-2027 йилларда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) мамлакатда рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари сонини 100 мингтага, миллий брендларни тарғиб қилиш орқали рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткичлар сонини 40 тага етказиш;

(б) интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали экспертиза муддатларини 2 баробарга қисқартириш, соҳадаги идоралараро ҳужжатлар алмашинувини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш;

(в) патент вакиллари институтини кучайтириш орқали уларнинг сонини 400 тагача, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамкорлигида хорижда малакасини оширган интеллектуал мулк соҳасидаги мутахассислар сонини 200 нафаргача ошириш.

2. Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг интеллектуал мулк соҳасида давлат хизматларини кўрсатишда қуйидагилар асосида амалдаги тартиб-таомилларни такомиллаштириш ҳамда янги хизматларни жорий қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

(а) соҳада рақамли ва сунъий интеллект технологияларини кенг қўлланган ҳолда тартиб-таомилларни содалаштириш;

(б) фуқаролар ва тадбиркорларга давлат хизматларини ҳуқуқий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш билан бирга амалга ошириш;

(в) давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини кўпайтириш;

(г) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида мавжуд тартиб-таомилларни такомиллаштириб бориш, контрафакт маҳсулотларга қарши курашиш жараёнига тадбиркорларни жалб этиш;

(д) интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласида фаол айланишини таъминлашга қўмаклашиш.

3. Адлия вазирлигининг «Саноат мулки муҳофазаси» ва «IP Protection» ахборот порталлари негизида қуйидагиларни амалга ошириш имконини бе-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

рувчи Адлия вазирлигининг «Интеллектуал мулк муҳофазаси» портали (кейинги ўринларда — Интеллектуал мулк портали) ишга туширилсин:

(а) интеллектуал мулк масалаларига оид мурожаатларни қабул қилиш;

(б) сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича келиб тушган талабномаларни экспертизадан ўтказиш жараёнларини такомиллаштириш;

(в) интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ шартномаларни онлайн тузиш;

(г) интеллектуал мулк масалаларига оид услубий тавсияларни жойлаштириш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг саволларига реал вақт режимида (онлайн) жавоб бериш;

(д) контрафакт товарлар ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлиги учун фаолияти чекланган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш.

4. Белгилансинки, 2026 йил 1 мартдан бошлаб:

(а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан биологик фаол моддаларни олиб кириш ва ишлаб чиқариш учун рухсатнома бериш жараёнида интеллектуал мулк объектларига (товар белгиси ва саноат намунасига) бўлган ҳуқуқларга риоя этилгани Интеллектуал мулк портали орқали мажбурий равишда текширилади ва (ёки) ўрганилади;

(б) Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлашда интеллектуал мулкка оид ҳуқуқбузарликлар учун суд томонидан жарима, маъмурий ёхуд жиноий жавобгарлик чораларининг қўллангани рейтинг балларини камайтирувчи кўрсаткич ҳамда товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига эга бўлиш қўшимча балл берувчи кўрсаткич ҳисобланади;

(в) интеллектуал мулк объектларига доир муҳофаза ҳужжатлари (гувоҳнома, патент) дубликатини тўлов асосида онлайн шаклда бериш тартиби жорий этилади.

5. Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, технопаркларда (кейинги ўринларда — ташкилотлар) мавжуд штатлар доирасида тадқиқот натижаларини патентлаш, ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этиш ҳамда тижоратлаштиришга қўмаклашувчи юридик шахс ҳисобланмайдиган технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш. Бунда технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этиладиган ташкилотлар рўйхати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

(б) «Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш.

6. Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ташкилотларга технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини самарали йўлга қўйишда, ходимларининг билим ва малакаларини оширишда услубий ёрдам кўрсатсин.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

(а) интеллектуал мулк объектларини бошқариш мутахассислиги бўйича:

(i) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб — Ўзбекистон миллий университетида;

(ii) 2029/2030 ўқув йилига қадар камида тўртта олий таълим муассасасида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

(б) Тошкент давлат юридик университетида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича замонавий таълим дастурларини жорий этсин.

Бунда ўқув жараёнига устувор равишда Буюк Британия, Корея Республикаси, Сингапур ва Хитой давлатларининг интеллектуал мулкни бошқариш бўйича экспертлари ҳамда хорижий ва маҳаллий патент вакиллари жалб қилинади.

8. Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев Буюк Британия, Корея Республикаси, Сингапур ва Хитойдаги Ўзбекистон элчилари билан бирликда икки томонлама ҳамкорлик доирасида хорижий патент вакил (эксперт) ларини жалб қилиш ҳамда маҳаллий брендларни ҳимоя қилишга амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Адлия вазирлиги таклифига биноан етакчи хорижий олий таълим ташкилотларида интеллектуал мулк объектларини бошқариш соҳасида кадрлар тайёрлаш учун ҳар йили квоталар ажратиб борсин.

10. Белгилансинки, ихтирочи ва новаторлар учун қулай шароитлар яратиш, уларни рағбатлантириш ҳамда илмий ишланмаларнинг фуқаролик муомаласидаги айланмасини ошириш мақсадида:

(а) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни кредит олиш учун гаровга қўйиш амалиёти жорий этилади;

(б) интеллектуал мулк объектларининг гарови тўғрисидаги шартномалар Адлия вазирлигида белгиланган тартибда ҳисобга олинади;

(в) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили «Энг яхши ихтиро», «Энг яхши фойдали модель», «Энг яхши саноат намунаси», «Энг яхши ЭХМ учун дастур ва маълумотлар базаси» ҳамда «Энг яхши селекция ютуғи» номинациялари бўйича республика танлови ўтказиб борилади ҳамда танловнинг ҳар бир номинацияси бўйича 1, 2 ва 3-ўрин ғолибларига Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 150, 125 ва 100 баравари миқдорида мукофот пули берилади.

11. Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг географик кўрсаткичларни ривожлантириш, тарғиб қилиш ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга қаратилган қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) географик кўрсаткичларнинг муҳофаза белгисини жорий этиш;

(б) асосий мақсади географик кўрсаткичларни ривожлантириш, уларни тарғиб қилиш, жумладан, хорижий давлатларда тарғиб қилиш, тижоратлаштириш ишларида тадбиркорлик субъектларига ва хунармандларга ҳуқуқий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш ҳисобланадиган «oriGIn Uzbekistan»

муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотни (кейинги ўринларда — муассаса) ташкил этиш;

(в) ҳар йили географик кўрсаткичлар фестивалларини ўтказиб бориш.

12. Адлия вазирлиги:

(а) уч ой муддатда муассасани ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш ва географик кўрсаткичлар фестивалларини ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) муассасанинг «oGIn» халқаро географик кўрсаткичлар тармоғи ташкилотига аъзо бўлишини таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Туризм қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хорижий мамлакатларда ташкил этиладиган Ўзбекистоннинг халқаро кўргазма-ярмаркаларида географик кўрсаткичга эга бўлган товар ишлаб чиқарувчиларининг қатнашишини доимий равишда таъминлаб борсин.

14. Адлия вазирлиги ва Патент вакиллари ассоциациясининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) патент вакиллариининг интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларда (масалаларда) фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ва маъмурий судларда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўлиб қатнашиши мумкинлиги;

(б) патент вакиллариининг ҳар уч йилда малакасини ошириш тартибини жорий қилган ҳолда уларнинг аттестациядан ўтиш талабини бекор қилиш;

(в) Адлия вазирлигининг патент вакиллигига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ваколатини Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига ўтказиш.

15. Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасасига жойларда интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабномалар топширишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома асосида ҳудудларда фаолият юритувчи интеллектуал мулк агентларини ишга жалб этиш ваколати берилсин.

16. Адлия вазирлиги доимий равишда Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси билан биргаликда ўзга шахсларга тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлиги сабабли белгиланган тартибда фаолияти чекланган веб-сайт ва (ёки) веб-сайт саҳифалари тўғрисидаги маълумотларни муаллифлик ҳуқуқини Интернетда ҳимоя қилиш бўйича «WIPO Alert» онлайн платформасига киритиш учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига тақдим этиб борсин.

17. Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январга қадар Жаҳон савдо ташкилотининг Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича битими (TRIPS) нормалари ва тамойилларига номувофиқ бўлган интеллектуал мулк соҳасидаги икки томонлама халқаро

битимларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни бекор қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Адлия вазирлиги интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш, жумладан, давлат органлари ва муассасалари ходимларининг интеллектуал мулк соҳасидаги малакасини ошириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш тадбирларини амалга ошириш учун халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин. Бунда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш учун грант маблағларини жалб қилиш тўғрисидаги масалани халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ишлаб чиқади.

19. Интеллектуал мулк соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

(б) 2026 йил 1 сентябрга қадар халқаро экспертлар билан ҳамкорликда 2027 — 2030 йилларга мўлжалланган интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

22. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

23. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 27 ноябрь,  
ПҚ–358-сон

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**737** Ўзбекистонда молиявий технологиялар соҳасини янада  
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистонда молиявий технологиялар бозорини жадал ривожлантириш, молиявий ва банк хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот технологиялари ечимларидан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Мақсадли кўрсаткичлар**

1. 2026 — 2030 йилларда молиявий технологиялар соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) молиявий технологиялар соҳасидаги стартапларга 1 миллиард АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестициялар жалб қилиш;

(б) молиявий технологиялар бозори иштирокчилар сонини камида 200 тага етказиш;

(в) молиявий технологиялар соҳасидаги инкубация ва акселерация дастурларидан ўтган стартаплар сонини 100 тага етказиш;

(г) молиявий технологиялар йўналишида камида 5 минг нафар ёшларни ўқитиш;

(д) тўлов воситаси сифатида рақамли валюталарни ва миллий ёки хорижий валюта билан таъминланган токенларни (кейинги ўринларда — барқарор токенлар) тажриба-синовдан ўтказиш.

**II. Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш ва лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари**

2. Марказий банк молиявий технологиялар соҳасини ривожлантиришга масъул этиб белгилансин ва унга 1-иловага мувофиқ қўшимча вазифалар юклансин.

3. Марказий банк ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

(а) масъулияти чекланган жамият шаклида устав жамғармаси 50 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган стартап лойиҳаларни молиялаштирадиган венчур фонди;

(б) молиявий технологиялар соҳасидаги стартаплар учун қуйидаги хизматларни амалга оширадиган юридик шахс мақомига эга бўлмаган инновацион хаб (кейинги ўринларда — инновацион хаб):

(i) инкубация ва акселерация дастурларини амалга ошириш ва ташқи бозорларга чиқишга кўмак кўрсатиш;

(ii) маҳаллий ва хорижий венчур инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

(iii) грант дастурларини амалга ошириш.

4. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 январдан бошлаб инновацион хаб иштирокчиларига қуйидаги харажатлар қоплаб берилади:

(i) молиявий технологиялар йўналишидаги курсларда ўқиш ва сертификат олиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача бўлган қисми, бироқ 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда;

(ii) инкубация ва акселерация дастурларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий технологиялар соҳасидаги стартап лойиҳаларига менторлар ва тренерларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача бўлган қисми, бироқ 50 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда;

(б) инновацион хаб иштирокчиларига доир мезон ва талаблар Марказий банк томонидан белгиланади;

(в) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Марказий банк томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда молиявий технологиялар соҳасида мавжуд инновацион ечимлар ва амалга оширилган ишларни кенг тарғиб қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир молиявий технологиялар соҳасида халқаро форумлар ташкил этилади.

5. Марказий банкнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) 2026 йил 1 сентябрга қадар банклар, тўлов ташкилотлари ва молиявий технологиялар бозори иштирокчилари ўртасида хавфсиз ва стандартлашган маълумот алмашинувини таъминлайдиган «очиқ банкинг» тизимини жорий этиш;

(б) 2025 йил якунига қадар маълумотларга асосланган бошқарувга ўтиш мақсадида Марказий банк ва тижорат банкларида маълумотларни бошқариш бўйича бош директор (Chief Data Officer) лавозимини жорий этиш.

6. Марказий банк (Т. Ишметов):

(а) 2026 йил 1 февралга қадар мижознинг рухсати билан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш юзасидан қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

(б) 2026 йил 1 февралга қадар Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизимида жисмоний шахсларга уларнинг банк ҳисобварақлари орқали реал вақт режимида тўғридан-тўғри ўтказмаларни амалга ошириш имкониятини яратсин;

(в) 2026 йил 1 апрелга қадар хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш миллий стратегиясини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(г) 2026 йил якунига қадар тижорат банкларида тартибга солиш технологиялари (RegTech) асосида статистик, молиявий ва назоратга доир маълумотларни узатишнинг ягона рақамли тизими жорий этилишини таъминласин;

(д) 2026 йил 1 июлга қадар венчур фонди фаолиятининг операцион бош-

қаруви, венчур капитални бошқариш ва молиявий технологиялар соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган нуфузли чет эл компаниясини ишончли бошқарувчи сифатида жалб қилиш бўйича таклиф киритсин.

7. «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасига давлат хизматлари билан боғлиқ тўловларни ўтказиш учун тўлов ташкилотларининг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин. Бунда унга фаолиятини акциядорлик жамияти шаклида ташкил этиш ва устав капиталининг энг ками миқдорига доир талаблар татбиқ этилмайди.

### **III. Молия соҳасида крипто-активлардан фойдаланишни кенгайтириш**

8. 2026 йил 1 январдан бошлаб тўлов воситаси сифатида барқарор токенлар айланмасини тартибга солишнинг махсус ҳуқуқий режими (кейинги ўринларда — «тартибга солиш қумдони») жорий этилсин. Бунда:

(а) маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияси асосида фаолият юритувчи тўлов тизимини яратиш бўйича пилот лойиҳалар амалга оширилади;

(б) «тартибга солиш қумдони» режимини жорий қилиш тартиби ва унинг амал қилиш муддати Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан Марказий банк билан биргаликда белгиланади.

9. 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан токенлаштирилган акция ва облигацияларни эмиссия қилишга рухсат берилсин;

(б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биржа фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия олган фонд биржаларида токенлаштирилган акция ва облигацияларни жойлаштириш ҳамда уларнинг муомалада бўлиши учун алоҳида савдо майдончаси ташкил этилсин;

(в) Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги токенлаштирилган акция ва облигацияларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартибини белгилашга масъул этиб белгилансин.

### **IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

10. Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича республика комиссияси 2-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга 3-иловага мувофиқ асосий вазифалар юклансин.

11. 2025-2026 йилларда молиявий технологиялар соҳасини қўллаб-қувватлаш дастури 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3832-сон қарорига 5-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Марказий банк манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда

\* 2, 4, 5-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Марказий банк раиси Т.А. Ишметов белгилансин.

15. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 27 ноябрь,  
ПҚ–359-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 27 ноябрдаги  
ПҚ–359-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича  
Марказий банкнинг қўшимча вазифалари**

(а) банк тизими, тўлов тизимларининг ишлаши ва нархлар барқарорлигини устувор мақсад сифатида сақлаган ҳолда инновацияларни қўллаб-қувватлашда мутаносибликни таъминлаш;

(б) молиявий секторда инновацияларнинг асосий драйвери сифатида ҳаракат қилиш ва бозор иштирокчилари учун самарали рақобат муҳитини таъминлаш;

(в) молиявий технологияларни жорий этиш ва ривожлантиришда тартибга солиш чораларини инновациялардан келиб чиқадиган хавфларни камайтиришга қаратилган ҳолда қўллаш;

(г) молиявий технологиялар соҳасида қарорларни тўлиқ ва ишончли маълумотлар асосида қабул қилиш;

(д) молиявий технологиялар соҳасида хизмат кўрсатиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш;

(ж) молиявий технологиялар соҳасидаги стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 27 ноябрдаги  
ПҚ-359-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича  
республика комиссиясининг асосий вазифалари**

(а) молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича стратегик йўналишларни белгилаш;

(б) соҳадаги муаммоларни мунтазам равишда муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

(в) молиявий технологиялар соҳасида давлат органлари, молиявий ташкилотлар ва хусусий сектор фаолиятини мувофиқлаштириш;

(г) молиявий технологиялар соҳасида Марказий банкнинг «тартибга солиш қумдони»да муваффақиятли синовдан ўтган молиявий хизматларни кенг жорий этиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

(д) молиявий технологиялар соҳасини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни, шу жумладан, тижорат банклари ва тўлов ташкилотларининг тарифларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни мақбуллаштириш бўйича тегишли чоралар кўриб бориш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**738 Солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва фаол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ тўлаш маданиятини юксалтириш, маскур жараёнларда маҳалла институтининг фаол иштирокини рағбатлантириш ҳамда солиқ органларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини ва фаолиятининг очиқлигини янада ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Асосий мақсадлар**

1. Ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) фуқароларда «солиқ тўлаш бурчим» деган фикрни шакллантириш, «солиқ — маҳалла тараққиёти гарови» тамойили асосида солиқ маданиятини янада юксалтириш;

(б) солиқларни тўлашда маҳалла институтининг фаол иштирокини рағбатлантириш;

(в) солиқ маъмурчилигининг бизнесни жадал ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ислохотлар билан ҳамоҳанглигини таъминлаш.

**II. Энг яхши солиқ тўловчи маҳаллаларни рағбатлантириш**

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб «Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла» номинацияси жорий этилади. Бунда ғолибларни аниқлаш бўйича мезонлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) ҳар 1 000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони;

(б) ҳар 1 000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари томонидан тўланган солиқлар миқдори;

(в) ҳар 1 000 нафар аҳолига тўғри келадиган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўловчилар сони;

(г) ҳар 1 000 нафар аҳолига тўғри келадиган ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдори;

(д) маҳалла фуқаролари томонидан мол-мулк ва ер солиқларининг тўланганлик даражаси.

3. Белгилансинки, «Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла» номинацияси ғолиблари учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари жорий этилади:

(а) ташаббусли бюджет доирасида кетма-кет икки мартаба ғолиб деб топилган маҳаллалар учун навбатдаги иккита мавсум доирасида лойиҳа кiritиш имкониятини чеклаш қoидаси қўлланмайди;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

(б) лойиҳаларни шериклик асосида молиялаштиришда ушбу маҳаллалар аҳолиси томонидан лойиҳа қийматининг 25 фоизи молиялаштирилган тақдирда, лойиҳа ғолиб деб топилади ҳамда қолган 75 фоизи Давлат бюджетидан молиялаштирилади;

(в) белгиланган мезонлар асосида ҳар йили биринчи 100 таликка кирган энг яхши солиқ тўловчи маҳаллаларнинг ҳар бирига Давлат бюджетидан 2 миллиард сўм миқдорида маблағ тегишлича Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига ажратилади.

Бунда ажратилган маблағлар тегишли фуқаролар йиғини кенгаши қарори асосида фақат ушбу маҳалла ҳудуди инфратузилмасини (ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви ва электр таъминотини яхшилаш, кўча чироқларини ўрнатиш ва бошқа инфратузилма лойиҳаларини) яхшилаш учун йўналтирилади.

4. 2026 йил 1 январдан бошлаб «Очиқ бюджет» ахборот порталида жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқлар ҳисобидан амалга ошириладиган бюджет харажатлари маълумотларини ўзида акс эттирувчи «Жисмоний шахсларнинг солиқлари ҳисобидан харажатлар» модули ишга туширилсин. Бунда:

(i) жисмоний шахс томонидан муайян даврда тўланган даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўғрисидаги маълумот;

(ii) тўланган солиқлар эвазига Давлат бюджетидан амалга оширилган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар (харажатлар йўналишлари кесимида) доимий равишда эълон қилиб борилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

(а) бир ой муддатда фуқаролар учун жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқлар ҳисобидан амалга ошириладиган бюджет харажатлари маълумотларини ёритувчи «Жисмоний шахсларнинг солиқлари ҳисобидан харажатлар» модулини ишлаб чиқсин ва унга «Рақамли ҳукумат» тизими фойдаланувчиларининг ягона идентификация тизими (OneID) орқали кириш имкониятини яратсин;

(б) 2026 йил 1 февралдан бошлаб «Очиқ бюджет» ахборот порталида овоз берувчилар портретини ўз ичига олган маълумотлар базасини шакллантириш чораларини кўрсин.

6. Солиқ қўмитаси:

(а) бир ой муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг техник талабномаси асосида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар томонидан тўланган солиқ маълумотларининг «Очиқ бюджет» ахборот порталида фуқаронинг ўзи учун кўринадиган шаклда тўғридан-тўғри шаклланишини;

(б) ҳар йили 1 февралга қадар энг яхши солиқ тўловчи маҳаллалар рўйхати шакллантирилишини ҳамда 10 февралга қадар расмий веб-сайтда эълон қилинишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда энг яхши солиқ тўловчи маҳаллаларни аниқлаш мезонлари ва тартибини тасдиқласин.

### III. Солиқ муносабатларини ташкил этишда янгича ёндашув

8. Солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2026 йил 1 январдан бошлаб Наманган вилоятида янги солиқ бошқаруви моделини жорий этиш бўйича қўйидагиларни назарда тутган ҳолда эксперимент ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

(а) жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва (ёки) ер солиғи бўйича умумий суммаси бир миллион сўмдан ошган солиқ қарздорлигини ундиришда электр энергиясининг биллинг тизими механизmidан фойдаланишни жорий этиш;

(б) солиқ органлари фаолиятини баҳолашда инсон омили таъсирсиз автоматик шаклланадиган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини жорий этишни тизимли давом эттириш.

9. Солиқ қўмитаси 2026 йил 1 октябрга қадар эксперимент натижалари асосида уни бошқа ҳудудларда жорий этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулкларни ижарага беришдан олинган даромад бўйича тўланган солиқ тўлиқ миқдорда мулк жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига йўналтирилади;

(б) солиқлар ҳақидаги ҳуқуқий билимни ошириш ва солиқларни ўз вақтида тўлашни тарғиб қилувчи ахборотлар ижтимоий ахборот ҳисобланади ва улар белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида бепул жойлаштирилади;

(в) ҳар чоракда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва жамоатчилик вакилларининг солиқ органлари фаолияти юзасидан фикрларини ўрганиб бориш ҳамда натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш тизими жорий этилади.

11. Давлат хизматчиларининг солиқ тўлаш интизомини кучайтириш орқали аҳолига намуна бўлишини таъминлаш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органларида ходимларнинг солиқдан мавжуд қарздорликлари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар фақатгина вазирликлар ва идоралар (таркибидаги ташкилотларни инобатга олган ҳолда) кесимида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 25-санасига қадар Солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилиши йўлга қўйилсин.

12. Солиқ қўмитаси аҳолининг солиқ саводхонлиги ва солиқ тўлаш маданиятини ошириш мақсадида:

(а) 2026 йил 1 мартга қадар қўйидагиларни ўз ичига олган портални ишга туширсин:

(i) ёш тоифаси бўйича мослаштирилган маълумотлар;

(ii) ўйинлар, электрон таълим материаллари ва қисқа ўқув видеолари;

(iii) солиқлар бўйича ресурслар, маслаҳатлар ва лайфхаклар;

(б) график асосида мунтазам равишда ўрта махсус, касбий ва олий таълим муассасалари ва жамоат жойларида «Солиқ тўла — келажакка ҳисса

қўш», «Солиқ — маҳалла тараққиётининг гарови» ва «Тўланган солиқ — бизнес равнақи» каби қисқа шиорлар орқали тарғибот тадбирларини йўлга қўйсин.

13. Марказий банк ҳар ойда жисмоний шахсларнинг солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотлар тижорат банклари ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари фойдаланувчиларига илованинг асосий саҳифасида акс эттириб борилиши юзасидан Солиқ қўмитасига амалий ёрдам кўрсатсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти негизида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, фискал таҳлиллар институти ташкил этилсин ва унга қўйидаги қўшимча устувор вазифалар юклатилсин:

(а) яширин иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий сабаб ва омилларини чуқур таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

(б) аҳоли ва тадбиркорларнинг солиқ тўлаш маданиятини ошириш, уларга соҳада қонуний фаолият юритишнинг афзалликларини етказиш ҳамда фискал шаффофликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

(в) солиқ ва божхона маъмурчилиги самарадорлигини ошириш, соҳадаги тизимли муаммо ва тўсиқларни таҳлил қилиш ва аниқлаш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда уларни бартараф қилиш бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш;

(г) бюджет-солиқ ва божхона-тариф сиёсатининг миллий иқтисодиёт ва фискал барқарорликка таъсирини баҳолаш, илғор хорижий тажриба асосида соҳадаги тизимли муаммоларга илмий ечим топишга қаратилган тадқиқотларни ташкил қилиш ва олиб бориш;

(д) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромад ва харажатларини прогностлаштириш ҳамда режалаштириш соҳасини таҳлил қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

15. Белгилансинки, Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, фискал таҳлиллар институти Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

#### **IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

16. Солиқ қўмитаси:

(а) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мунтазам равишда:

(i) маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб, мазкур қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни ҳамда «Энг яхши солиқ тўловчи

маҳалла» номинацияси мезонларини тушунтириш, кўрсаткичларни яхшилаш бўйича тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

(ii) энг яхши солиқ тўловчи маҳаллалар ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўғрисида видеороликлар ва ташвиқот материалларини тайёрлаб, уларнинг оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва ташқи реклама воситалари орқали кенг ёритиб борилишини ташкил этсин;

(б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага\* мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) Солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғининг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва ушбу солиқларни ундириш учун сарф этилаётган ресурсларни мақбуллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

(б) ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлар учун ҳар йили Давлат бюджети параметрларида маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов белгилансин.

20. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 28 ноябрь,  
ПҚ-364-сон

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **739** Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 19 августдаги ПФ–137-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

#### 1. Қўйидагилар:

дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишга доир талаблар ва шартлар, зарур бўлган ҳужжатлар ва намуналар ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутувчи Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир талаблар ва шартлар, зарур бўлган ҳужжатлар ва намуналар ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутувчи Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### 2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

##### а) бир ой муддатда:

ушбу қарордан келиб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасининг (кейинги ўринларда — Марказ) дори воситалари ва тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир вазифа ва функциялари бўйича ўз ички идоравий ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

дори воситаларининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳолаш жараёнида иштирок этувчи кадрлар таркибини қайта кўриб чиқиш ва Марказни малакали кадрлар билан тўлдириш, уларни даврий ротация қилиш, Марказ фаолиятига доимий асосда фаолият юритувчи тажрибали хорижий экспертларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

оригинал дори воситаларининг клиник синовлари, женерик дори воситаларининг дори шаклидан келиб чиққан ҳолда, унинг биоэквивалентлигини ўрганиш ва баҳолаш тартибини «Инсон учун қўлланиладиган дори воситаларига қўйиладиган техник талабларни уйғунлаштириш бўйича халқаро кенгаш (ICH)» талаб ва тавсиялари асосида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

б) уч ой муддатда:

Марказнинг лабораторияларини модернизация қилиш, моддий-техник базасини кенгайтириш ва қувватини ошириш, Марказ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг фармацевтика фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги вазифа ва функцияларини мувофиқлаштириш, «Зарур амалиётлар (ГхР)» талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартибини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

халқаро талаблар асосида дори воситалари ва тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бўйича йўриқномаларни ҳамда дори воситалари ва тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғим миқдорларини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

в) 2026 йил якунига қадар Марказ ҳузуридаги лабораторияларнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан преквалификациядан ўтишини ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг преквалификацияланган лабораториялари рўйхатига киритилишини таъминласин;

г) давлат рўйхатидан ўтказишда устуворлик берилган дори воситалари ва тиббий жиҳозларнинг рўйхатини доимий равишда Марказнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги 628-сон қарори билан тасдиқланган Фармацевтика маҳсулотларининг постмаркетинг назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати лаборатория синовларисиз узайтирилган дори воситалари».

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 24 ноябрь,  
738-сон

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 24 ноябрдаги 738-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (кейинги ўринларда — рўйхатдан ўтказиш) тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг талаблари дори воситаларининг ишлаб чиқувчилари ва ишлаб чиқарувчиларига, дори воситаларининг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаларига, уларнинг ишончли вакилларига, дори воситаларининг муомаласи соҳасидаги ваколатли ташкилотларга, экспертлар ва эксперт ташкилотларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасига (кейинги ўринларда — Марказ) дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳнома олиш учун мурожаат қилувчи ишлаб чиқувчи, ишлаб чиқарувчи, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси ёки улар номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи юридик шахс;

**биосимиляр дори воситаси** — табиий манбалардан олинadиган, таркибида рўйхатдан ўтказилган оригинал (референс) дори воситасининг таъсир этувчисини сақловчи ҳамда сифати, биологик фаоллиги, самарадорлиги ва хавфсизлиги кўрсаткичлари бўйича оригинал (референс) дори воситасига солиштириш тадқиқотлари асосида ўхшашлиги исботланган биологик дори воситаси;

**бююртмачи** — дори воситасини ишлаб чиқариш, сифат назоратини ўтказиш ва (ёки) қадоқлаш учун бошқа ишлаб чиқарувчи фармацевтика ташкилотини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқарилган дори воситасининг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

**женерик дори воситаси** — оригинал (патентланган) дори воситасининг фаол моддаси билан сифат ва миқдорий жиҳатдан бир хил таркибга, дори шаклига эга бўлган, лекин патент муддати тугагандан сўнг ишлаб чиқарилган дори воситаси бўлиб, хавфсизлиги, таъсир кучи, хоссалари, қўлланилиш соҳаси ҳамда биоэквивалентлиги оригинал дори воситасига нисбатан тасдиқланган дори воситаси. Фаол модданинг турли тузлари, эфирлари, изомерлари, изомерлар аралашмалари, комплекслари ёки ҳосилалари хавфсизлиги ва самарадорлиги жиҳатидан сезиларли фарқ қилмаса, бир хил фаол модда сифатида эътироф этилади. Оғиз орқали қабул қилиш учун мўлжалланган ва таъсир этувчи моддаси тез ажраладиган турли дори шакллари биокираолишликни ўрганиш доирасида бир хил дори шакли сифатида тан олинади;

**гомеопатик дори воситаси** — табиий моддалардан (ўсимликлар, минераллар, ҳайвон маҳсулотлари) тайёрланиб, таъсирини кучайтириш мақсадида гомеопатик технология ёрдамида тайёрланадиган дори воситаси;

**гувоҳнома эгаси** — дори воситасининг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган, дори воситасининг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги учун жавоб берувчи, дори воситаларининг ишлаб чиқувчиси, ишлаб чиқарувчиси ёки буюртмачиси бўлган ваколатли юридик шахс;

**дори воситалари** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек, одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

**дори моддалари (субстанциялар)** — фармакологик, иммунологик ёки метаболок фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар;

**доривор ўсимлик хомашёси** — дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун фойдаланиладиган, таркибида биологик фаол моддалар бўлган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари;

**дори воситасининг ишлаб чиқариш майдони** — дори воситаси ишлаб чиқаришнинг тўлиқ жараёни ва (ёки) унинг айрим босқичларини амалга ошириш учун мўлжалланган «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» талаблари жорий этилган ва лицензияга ёки унга тенглаштирилган ҳужжатга эга юридик шахснинг ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолари мажмуаси;

**корхона фармакопея мақоласи** — муайян ишлаб чиқарувчининг дори воситаси, доривор ўсимлик хом ашёси ёки ёрдамчи модданинг сифатига доир талабларни белгиловчи ҳужжат;

**оригинал дори воситаси** — сифати, самарадорлиги ва хавфсизлиги клиник олди ва клиник тадқиқотлар натижалари асосида тасдиқланган, дунё фармацевтика бозорида биринчи бўлиб рўйхатга олинган янги таъсир этувчи моддага ёки моддаларга эга бўлган дори воситаси;

**радиофармацевтик дори препарати** — дори моддаси (субстанция) сифатида ёки унинг бир қисми сифатида қўлланилиши учун тайёр ҳолда бир ёки бир неча радионуклидлар (радиоактив изотоплар) сақловчи дори препарати;

**рецепт** — шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги ёзма ва (ёки) электрон кўрсатмаси;

**рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси** — дори воситасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ва унинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат берилганини тасдиқловчи ҳужжат;

**рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари** — ариза берувчи томонидан дори воситасининг сифати, самарадорлиги, безарарлиги ва бошқа маълумотларни

ўз ичига олган рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш, дори воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида Марказга тақдим этиладиган ҳужжатлар;

**сифатни таъминлаш бўйича шартнома** — шартнома асосида ва (ёки) технологиялар трансфери орқали дори воситасини ишлаб чиқаришда юридик шахслар ўртасидаги дори воситасининг сифатига тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат;

**спецификация** — дори воситасининг сифат кўрсаткичлари, сифат назорати усуллари ва уларга ҳаволалар, сифат кўрсаткичлари меъёрлари ва уни ўрганиш мезонлари рўйхати;

**технологиялар трансфери** — дори воситасини яратиш ва (ёки) ишлаб чиқариш технологик жараёнларини, маълумотлари ва тажрибаларини, шу жумладан, дори воситасининг сифат ва миқдорий таркибини ўзгартирмаган ҳолда бир фармацевтика ташкилотидан бошқа фармацевтика ташкилотининг ишлаб чиқариш майдонига кўчириш, «in bulk» маҳсулотлари бундан мустасно;

**фармакологик воситалар** — муайян дори шаклига, клиник олди тадқиқотларда аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиник тадқиқот объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси;

**фармацевтика ташкилоти** — дори воситасининг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги учун жавоб берувчи, дори воситаларининг ишлаб чиқувчиси, ишлаб чиқарувчиси ёки буюртмачиси бўлган ваколатли юридик шахс;

**халқаро патентланмаган ном** — дори моддаларининг (субстанциялар) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (кейинги ўринларда — ЖССТ) томонидан тавсия этилган номи;

**шартнома асосида ишлаб чиқариш** — бир фармацевтика ташкилоти қувватларидаги технологияларни ўзгартирмаган ҳолда, унинг рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини буюртмага кўра бошқа фармацевтика ташкилоти учун шартнома асосида ишлаб чиқариш;

**хужайра технологияси асосида ишлаб чиқарилган биотехнология дори воситалари** — тирик хужайралардан ёки уларнинг маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, биологик хоссалари, физиологик функциялари ёки тузилиши тиббиёт амалиётида қўллаш мақсадида ўзгартirilган биологик дори воситалари.

3. Дори воситалари давлат рўйхатидан умумий тартибда ва тан олиш йўли билан ўтказилади.

Бунда қуйидаги хорижий ташкилотлар томонидан рўйхатдан ўтказилган дори воситалари Ўзбекистон Республикасида тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказилади:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти рўйхатига киритилган тартибга солувчи органлар (WHO Listed Authorities);

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Глобал таққослаш воситаси (Global Benchmarking Tool) бўйича 4-даражали етукликка (Maturity Level 4) эга бўлган тартибга солувчи органлар.

4. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳнома бериш Марказ томонидан ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Қўйидагилар рўйхатдан ўтказилади:

дори воситалари (бундан дори воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган дори моддалари (субстанциялар) мустасно);

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари;

илгари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган, лекин бошқача дори шаклларида, дозаларда ёки бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари;

илгари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган, тури (аутологик, аллоген, комбинацияланган), сифат таркиби ва (ёки) миқдорий таркиби (ёрдамчи моддалар таркиби бундан мустасно), хужайра линияси (хужайра линиялари)нинг биологик хусусиятлари ва бошқа хусусиятлари ўзгарган хужайра технологияси асосида ишлаб чиқарилган биотехнология дори воситалари.

6. Таркибида турли дори моддалари бўлган дори воситаларини бир хилдаги савдо номи остида рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди. Бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида шартнома ва технологиялар трансфери асосида ишлаб чиқариладиган таркиби бир хил дори моддаларидан иборат бўлган дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилади.

Бунда гувоҳнома эгаси буюртмачи ёки технологиялар трансфери эгаси бўлиши мумкин.

7. Қўйидагиларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди:

дори воситаларини ишлаб чиқариш мақсадида қўлланиладиган субстанциялар;

дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари;

бевосита тиббиёт муассасаларида тайёрланадиган радиофармацевтик дори препаратлари;

илмий-тадқиқот ишлари учун олиб кириладиган, клиник олди тадқиқотлар, клиник тадқиқотлар ўтказиш, кўргазмаларда, ярмаркаларда, халқаро анжуманларда намоёиш этиш учун мўлжалланган дори воситаси;

экспорт учун мўлжалланган дори воситалари;

суяк илиги ўзак хужайралари;

индивидуал тиббий кўрсатмани бажариш мақсадида айрим беморлар учун тиббиёт муассасаси томонидан махсус ишлаб чиқарилган ва шу муассасада қўлланиладиган хужайра технологияси асосидаги биотехнология воситалари.

Бунда дори воситаларини ишлаб чиқариш мақсадида қўлланиладиган субстанциялар, экспорт учун мўлжалланган дори воситалари ариза берувчи хоҳишига кўра рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

8. Орфан дори воситалари импорти, ўта хавfli инфекциялар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси бўйича эпидемиологик жихатдан хавф туғдирадиган инфекциялар профилактика-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тикасида, уларга ташхис қўйишда ҳамда уларни даволашда қўлланиладиган, импорт қилинадиган дори воситалари импорти давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ташқи бегараз кўмак ҳамда инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб кириладиган дори воситалари давлат рўйхатидан ўтказилмасдан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилишига ва улардан фойдаланишга рухсат берилади. Бунда ушбу дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига ва улардан фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли ижобий хулоса берилиши лозим.

9. Қўйидаги дори воситалари устуворлик асосида рўйхатдан ўтказилади: республикада рўйхатдан ўтказилган аналог мавжуд бўлмаган дори воситалари;

орфан дори воситалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган талаб асосида ички бозорда эҳтиёжи юқори бўлган дори воситалари; оригинал дори воситасининг биринчи аналог.

10. Дори воситалари қўйидаги йўллар орқали ишлаб чиқарилади:

бевосита фармацевтика ташкилотидан ишлаб чиқариш;

фармацевтика ташкилоти қувватларидаги технологияларни ўзгартирмаган ҳолда, рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини бошқа фармацевтика ташкилотининг буюртмаси бўйича шартнома асосида ишлаб чиқариш;

фармацевтика ташкилотига бошқа фармацевтика ташкилотининг рўйхатдан ўтказилган дори воситасининг технологик жараёнини кўчириш (технологиялар трансфери) орқали ишлаб чиқариш.

Шартнома ва технологиялар трансфери асосида ишлаб чиқарилган дори воситаларининг хавфсизлиги, сифати ҳамда самарадорлиги учун жавобгарлик буюртмачи, технологиялар трансфери эгаси ва ишлаб чиқарувчи зиммасига юкланади.

Бундай ҳолатларда ишлаб чиқариладиган дори воситасини Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртмачи ёки технологиялар трансфери эгаси ва ишлаб чиқарувчи фармацевтика ташкилотининг ишлаб чиқариш майдонлари «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиши талаб этилади (тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиладиган, ЖССТ томонидан қайта малакаланган дори воситаларининг ишлаб чиқариш майдонлари бундан мустасно). Бунда технологиялар трансферини қабул қилган фармацевтика ташкилотидан ўрнатилган тартибда йилига камида бир маротаба «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талаблари бўйича инспекция назорати ўтказилади.

Дори воситасини ишлаб чиқувчиси олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари (ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно) бўлган тақдирда, уларнинг «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» миллий талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиши талаб этилмайди.

11. Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра

амал қилиш муддати беш йил бўлган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтиришда «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» Ўзбекистон Республикаси миллий талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги сертификат талаб қилинади.

Хорижий ишлаб чиқарувчининг «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» Ўзбекистон Республикаси миллий талабларига мувофиқлиги бўйича инспекциясини дори воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни билан бир вақтда олиб боришга рухсат берилади. Бунда дори воситаси Марказ томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» Ўзбекистон Республикаси миллий талабларига мувофиқлиги ҳақида сертификат тақдим этилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган, ЖССТ томонидан қайта малакаланган дори воситалари бундан мустасно.

12. Марказ рўйхатдан ўтказиш фаолиятини ташкил этиш мақсадида маслаҳат ва коллегиял органлар тузиши мумкин.

## **2-боб. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга доир талаблар ва шартлар**

13. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси асосида тиббиёт амалиётида қўлланилишида ариза берувчи томонидан бажарилиши шарт бўлган талаблар ва шартлар қуйидагилардан иборат:

дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилган ариза берувчи томонидан уларнинг тиббиёт амалиётида қўлланилишида қонунчилик ҳужжатлари ва миллий техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳамда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончилигини таъминлаш;

дори воситаларининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланганлигини таъминлаш;

гувоҳноманинг амал қилиш даврида ариза берувчи томонидан Марказга рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш тўғрисида маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

фармакопея мақолалари талабларига ҳамда дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида келтирилган маълумотларга қатъий риоя этиш;

дори воситалари ишлаб чиқаришда «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)», фармаконадзоратда «Зарур фармаконадзорат амалиёти (GVP)» миллий талабларига риоя этиш;

дори воситаларини тиббиёт амалиётида қўлланилишида маълум бўлган нојўя таъсирлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ Марказга тақдим этиб бориш;

дори воситасининг сифати, самарадорлиги ёки хавфсизлиги сабабли бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатиб турилганлиги, бекор қилинганлиги, муомаладан чақириб олинганлиги, гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризаси рад этилганлиги ҳақида Марказни дархол хабардор қилиш;

дори воситаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг камида уч йил ичида Ўзбекистон Республикасида муомалага киритилишини таъминлаш (маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан экспорт учун ишлаб чиқарилган дори воситалари бундан мустасно).

### **3-боб. Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва намуналар**

14. Рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи Марказга қуйидагиларни тақдим этади:

а) ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ ариза;

б) ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ ариза берувчининг электрон имзоси билан тасдиқланган дори воситаларининг халқаро талаблар (ICH CTD формати) бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларининг электрон шакли;

в) дори воситасининг корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси талабларига мувофиқ уч мартаба синовлар ўтказилиши учун зарур бўлган миқдордаги, сифат сертификатлари билан бирга тақдим этиладиган қолдиқ яроқлилик муддати 50 фоиздан кам бўлмаган бир саноат сериясидаги намуналари (тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиладиган, ЖССТ томонидан қайта малакаланган дори воситалари бундан мустасно);

г) тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган дори воситаларининг сифат сертификатлари билан бирга тақдим этиладиган бир истеъмол қадоғидаги намуналари;

д) фармакопея мақолаларига мувофиқ фаол таъсир этувчи моддаларнинг ҳамда ёт ва ўхшаш моддаларнинг фармакопея ёки референс стандарт намуналари, назорат материаллари, зарур ҳолларда махсус реактивлар, микроорганизмлар тест-штаммлари, махсус хроматографик колонкалар, дори воситаларини ишлаб чиқарувчининг махсус сарфлаш материаллари ҳамда реагентлари ва уларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар (тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган дори воситалари бундан мустасно).

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишда GCP (Зарур клиника амалиёти) қоидаларига мувофиқ ариза берувчи томонидан клиник базаларга дори воситаларининг клиник тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган, қонунчиликда белгиланган ҳужжатлар ва намуналар тақдим этилади.

Бир тайёр дори воситасини ишлаб чиқаришда бир нечта ишлаб чиқарувчининг дори моддаси (субстанцияси) қўлланилган ҳолларда, ҳар бир ишлаб чиқарувчининг дори моддаси (субстанцияси)дан ишлаб чиқарилган намуналар, ҳар бир ишлаб чиқарувчининг дори моддасига (субстанциясига)

\* 2, 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишли, мазкур Низомга 3-илова 3-бўлимнинг 3.2.S-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Мазкур Низомга 3-илова 1-бўлимнинг 1.3 ва 1.10-бандларида санаб ўтилган хориждан олинган расмий ҳужжатлар апостиль муҳрли ёки консуллик томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва намуналар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

15. Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Марказнинг ахборот тизимига (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ушбу Низомнинг 3-иловасида назарда тутилган кетма-кетликда ҳар бирини алоҳида юклаган ва ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда киритилади.

Электрон рақамли имзо ариза берувчи ёки унинг номидан фаолият юритувчи юридик шахснинг фармацевтика, тиббиёт, кимё ёки биология йўналишида олий маълумотга эга бўлган ишончли вакилига расмийлаштирилган бўлиши шарт.

16. Дори воситалари намуналари ариза берувчи томонидан сақлаш ва ташиш шароитлари таъминланган ҳолда, бевосита Марказга тақдим этилади, мазкур Низомнинг 22-банди «б» кичик банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Тақдим этиладиган дори воситаси намунаси бошқа савдо номида бўлиши мумкин. Бунда намуналар аризада кўрсатилган ишлаб чиқариш майдонида, таркибда, қадоқларда ва технология асосида ишлаб чиқарилган бўлиши шарт.

17. Таркибда янги кимёвий моддалар мавжуд бўлган дори воситасини давлат рўйхатидан ўтказишда тақдим этилган дори воситасининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги мавжуд махфий ахборот дори воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан олти йил мобайнида ариза берувчининг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

Марказ рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги махфий маълумотларнинг ошкор қилиниши учун жавоб беради. Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги махфий маълумотлар ариза берувчи томонидан алоҳида кўрсатилиши мумкин.

#### **4-боб. Аризани кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

18. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилади ҳамда унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Йиғим суммаси Марказнинг шахсий ҳазна ҳисобварағига ўтказилади.

Ариза берувчи берган аризасидан воз кечган тақдирда ва дори воситасини рўйхатдан ўтказиш рад этилганда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

19. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза Марказ томонидан қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

30 кун — бир марталик бир йил муддатга рўйхатдан ўтказиладиган, эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирадиган инфекциялар эпидемияси ва пандемияси даврида қўлланиладиган вакциналар;

45 кун — дори моддалари (субстанциялар);

60 кун — тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган дори воситалари, ЖССТ томонидан қайта малакаланган (prequalification) дори препаратлари;

210 кун — умумий тартибда рўйхатдан ўтказиладиган дори воситалари.

Қуйидагилар рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддатларига киритилмайди:

бирламчи экспертиза натижалари бўйича аризага илова қилинган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари ва намуналарида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бериладиган 45 кунлик муддат;

хорижий сертификат ва (ёки) гувоҳномаларнинг ҳаққонийлигини очиқ манбалар орқали текшириш имкони бўлмаганда, ваколатли органга юборилган расмий сўровга жавоб берилиши учун кетган муддат;

рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларда, дори воситалари намуналарида ихтисослаштирилган экспертиза натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бериладиган 90 кунлик муддат;

Ўзбекистон Республикасида клиник тадқиқотлари ўтказилмаган генерик дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишнинг бевосита бир йилдан ошмайдиган, оригинал дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишнинг уч йилдан ошмайдиган муддатлари;

Дори воситаларини ишлаб чиқариш шароитларининг «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» миллий талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун кетган муддат.

20. Дори воситаларининг экспертизаси дори воситаларининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини ҳамда дори воситаларининг «фойда — хавф» нисбатини илмий баҳолаш учун ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ариза берувчи томонидан дори воситасининг рўйхатдан ўтказиш йиғмажилдида тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларни илмий комиссиялар ёки мутахассислар томонидан батафсил баҳолаш;

б) сифат бўйича норматив ҳужжат талабларига мувофиқлик юзасидан лаборатория синовларини ўтказиш ва сифатни назорат қилишнинг тахлилий услубиётларини верификация қилиш;

в) дори воситасини баҳолаш жараёни якунида илмий комиссия маҳсулотнинг барча жиҳатларини, айниқса унинг «фойда — хавф» нисбатини инobatга олган ҳолда эксперт хулосаси тайёрлаш. Бунда комиссия томонидан тайёрланган эксперт хулосаси дори воситасини рўйхатдан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш учун асослардан бири бўлади.

Қуйидагилар рўйхатдан ўтказишда дори воситаларини экспертизадан ўтказишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

а) экспертларнинг мустақиллиги ва улар томонидан касбий фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқий ҳимояланганлиги;

б) экспертиза объектлари тадқиқотларининг илмий ёндашуви, тўлиқлиги, ҳар томонламалиги ва ҳолислиги, ҳужжатлар билан тасдиқланган мақбуллик мезонларига мувофиқ экспертиза натижаларининг асосланганлигини таъминлаш;

в) эксперт ташкилотлари ва экспертларнинг малакаси ва юқори профессионал даражаси.

21. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш талаб ва шартларининг бажарилганлиги Марказ томонидан қуйидагилар орқали баҳоланади:

дори воситаларининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари экспертизаси;

дори воситалари ишлаб чиқариш шароитларининг «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» миллий талабларига мувофиқлигини баҳолаш натижаларини ўрганиш;

дори воситалари намуналарининг лаборатория синовлари;

дори воситаларининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини ҳамда уларнинг «фойда — хавф» нисбатини илмий баҳолаш натижалари;

таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлган дори воситалари ҳужжатлари экспертизаси.

22. Рўйхатдан ўтказиш Марказ томонидан ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган муддатларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) бирламчи (дастлабки) экспертиза:

ариза қабул қилингандан сўнг ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда дори воситаларининг намуналари бирламчи (дастлабки) экспертизадан ўтказилади. Бунда дори воситасининг рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги, лаборатория синовларини ўтказиш учун тақдим этилган дори воситалари намуналари ва стандарт намуналарнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилади;

тақдим этилган хорижий сертификат ва (ёки) гувоҳномалар уларни берган ваколатли органнинг расмий рўйхатларидан (веб-сайтлари) ҳаққонийлиги текширилади, хорижий сертификат ва (ёки) гувоҳномаларнинг ҳаққонийлигини очиқ манбалар орқали текшириш имкони бўлмаганда, барча расмий ҳужжатлар апостиль муҳрли ёки консуллик томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Зарур ҳолларда, Марказ хориждаги ваколатли органга расмий сўров юборади;

дори воситаларида интеллектуал мулк объектларига (кейинги ўринларда — ИМО) бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги тўғрисида интеллектуал мулк соҳасидаги ваколатли орган хулосаси ўрганилади;

бирламчи (дастлабки) экспертиза ҳамда дори воситаларида ИМОга бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги юзасидан ўрганиш натижалари асосида хулоса расмийлаштирилади.

Дори воситасининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари ва намуналарининг бирламчи экспертизаси натижаси асосида эксперт хулосаси расмийлаштирилади.

Қуйидаги ҳолатларда аризани рад этиш тўғрисида хулоса расмийлаштирилади:

мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва намуналар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда;

тақдим этилган ҳужжатлар ва намуналарда маълумотларнинг ишончсиз, нотўғри ёки ёлғон эканлиги аниқланганда;

дори воситаларига нисбатан ИМОга бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлиги тўғрисида интеллектуал мулк соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси мавжуд бўлганда;

технология трансфери эгаси томонидан технология трансфери амалга оширилганлигини тасдиқловчи ижобий ҳисоботи ва хулосаси мавжуд бўлмаганда.

Аризанинг рад этилиши тўғрисидаги хабарнома камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиш учун 45 кунлик муддат билан ахборот тизими орқали ариза берувчига юборилади.

Камчиликлар 45 кунлик муддатда бартараф этилмаган тақдирда, Марказ томонидан рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва ариза берувчи ахборот тизими орқали хабардор қилинади.

Аризани рад этиш юзасидан қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот юборилгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва Марказ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Бирламчи экспертизанинг ижобий хулосасидан сўнг, дори воситасининг лаборатория синовлари, ихтисослаштирилган экспертизаси бир вақтнинг ўзида олиб борилади;

б) лаборатория синовлари:

дори воситалари намуналарининг корхона фармакопоя мақолалари талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича ўтказилган лаборатория синовлари натижалари асосида синов баённомалари расмийлаштирилади, бунда дори воситаларининг сифат назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопоезининг талаблари устувор ҳисобланади;

синов усуллари Ўзбекистон Республикасининг Давлат фармакопоеясида келтирилмаган ҳолатларда дунёнинг эътироф этилган фармакопоеялари синов усулларини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

дори воситалари намуналарининг синовларини ўтказиш учун зарур ўлчов, синов воситалари ҳамда синов шароитлари Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлмаган ҳолларда, Марказ томонидан фармакопоя мақолалари талабларидан келиб чиқиб, мавжуд муқобил усулларни ишлаб чиқиш учун кўрсатмалар ва талаблар белгилаб берилади (биологик дори воситалари бундан мустасно) ёки синовлар хорижий ишлаб чиқарувчининг синов лабораториясида ёхуд бошқа хорижий лабораторияларда Марказ мутахассислари иштирокида ўтказилади.

Қуйидагилар лаборатория синовларидан ўтказилмайди:

ЖССТ томонидан қайта малакаланган (prequalification) ЖССТ билан ҳамкорликда рўйхатдан ўтказиладиган дори препаратлари;

тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган дори воситалари;

в) ихтисослаштирилган экспертиза:

лаборатория синовлари баённомалари ҳамда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхатдан ўтказиш талаб ва шартларига мувофиқлиги мустақил экспертлардан ташкил топган илмий комиссияларнинг асосланган хулосалари асосида экспертизадан ўтказилади.

Бунда илмий комиссияларнинг тегишли йўналишлар бўйича фаолиятини юритиш тартиби, комиссия таркиби ва уларга қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

илмий баҳолаш жараёни дори воситасини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва лаборатория синови натижаларининг илмий таъминотларга асосланган ҳолда мустақил мутахассислардан иборат комиссиялар томонидан баҳоланиши орқали амалга оширилади;

ариза берувчи фармакопоя мақолаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси, хорижий этироф этилган фармакопоялар талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилади;

зарур ҳолларда, дори воситалари намуналари ариза берувчининг фармакопоя мақолалари талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида қўшимча лаборатория синовларига юборилиши мумкин;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги маълумотлар таҳлили ва экспертизаси асосида дори воситасининг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги ҳамда «фойда-хавф» нисбати баҳоланади, шу жумладан, дори воситаси намунаси лаборатория синовлари натижалари, ишлаб чиқариш шароитларининг «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» миллий талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган инспекция натижалари тўғрисидаги ҳисобот таҳлили (мавжуд бўлганда) ҳамда дори воситаси таркибидаги фаол моддалар комбинациясининг мақсадга мувофиқлиги баҳоланади;

дори воситаларини экспертизадан ўтказишда унинг рецепт билан ёки рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига мансублиги аниқланади ҳамда ушбу ахборот дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда кўрсатилади;

таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган дори воситаларини рўйхатдан ўтказишда, улар Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни ва мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ экспертизадан ўтказилади;

дори воситасини баҳолаш натижалари асосида ҳисобот расмийлаштирилади;

ихтисослаштирилган экспертиза давомида аниқланган камчиликлар юзасидан аризачига ахборот тизими орқали хабарнома юборилади ва уни бартараф этиш учун 90 кунлик муддат берилади;

қўшимча сўров ариза берувчи томонидан олдинги сўров бўйича тақдим этилган маълумотларда аниқланган камчиликлар бўйича юборилади;

қўшимча сўровда берилган камчиликлар бўйича ариза берувчи томонидан тўлиқ жавоб берилмаган тақдирда гувоҳномани бериш рад этилади;

Марказ директори томонидан дори воситаларининг корхона фармакопоя мақолалари тасдиқланади;

Марказ директори томонидан маҳаллий дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномалар тасдиқланади, хорижий дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномалар келишилади;

г) клиник тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижасини экспертиза қилиш:

Марказ томонидан дори воситаларининг клиник тадқиқотлар ёки клиник тадқиқотларсиз рўйхатдан ўтказиш бўйича хулоса расмийлаштирилади;

Марказ клиник тадқиқотлар ўтказиш учун клиник тадқиқотлар турлари ва клиник базаларни белгилайди, клиник тадқиқотлар дастурларини ва баённомаларини экспертизадан ўтказиш ва бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмани ариза берувчига ахборот тизими орқали юборади;

ариза берувчи ўтказилган клиник тадқиқот ҳисоботини Марказга ахборот тизими орқали юборади.

Қуйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтказишда клиник тадқиқотлар ўтказиш талаб этилмайди:

дори моддалари (субстанциялар);

тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган дори воситалари;

ЖССТ томонидан қайта малакаланган (prequalification) дори воситалари;

Ўзбекистон Республикасида клиник тадқиқотлари олдин ўтказилган дори воситалари;

одам ҳужайраларини муҳим ўзгаришларсиз қайта ишлаш натижасида олинган ҳужайра технологияси асосида ишлаб чиқарилган биотехнология дори воситалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиладиган тартибга мувофиқ клиник тадқиқотларсиз давлат рўйхатидан ўтказиладиган алоҳида дори воситалари;

референт препаратга нисбатан биоэквивалентлиги валидацияланган *in vivo* ёки *in vitro* тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда исботланган, натижалари миқдорий кўрсаткичлар шаклида тақдим этилган перорал генерик дори воситалари.

Ихтисослаштирилган экспертиза давомида ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида дори воситасини рўйхатдан ўтказиш даврида дори воситасининг клиник тадқиқотларини, шу жумладан биоэквивалентлик тадқиқотларининг GCP талабларига мувофиқ амалга оширилганлигини аниқлаш мақсадида инспекция ўтказиш зарурлиги ёки зарур эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Марказ томонидан биоэквивалентликни ўрганиш натижалари бўйича инспекция ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қарор Фармакология қўмитаси Илмий комиссиясининг хулосаси ҳамда қуйидаги омилларни комплекс баҳолаш асосида қабул қилинади:

а) биоэквивалентликни ўрганиш натижаларининг асослантилмаган маълумотларини тақдим этиш;

б) аниқланган қийматларнинг айнан ушбу таъсир этувчи модда учун номувофиқлиги;

в) тақдим этилган клиник, статистик ёки таҳлилий маълумотлардан бирининг ишончсизлиги;

г) фармакокинетик тадқиқотларда биоэквивалентликни тасдиқламайдиган натижалар олинганлиги.

Дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш ва женерик дори воситаларининг биоэквивалентлигини ўрганиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

2029 йил 1 январдан бошлаб женерик дори воситаларнинг биоэквивалентлигини халқаро ICH талабларига мувофиқ ўрганиш мажбурий ҳисобланади.

23. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш экспертизалари натижасига мувофиқ Марказ томонидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида;

дори воситаларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

24. Марказ томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш кундан кечикмай, ариза берувчига ушбу Низомга 4-иловага\* мувофиқ шаклдаги гувоҳнома ахборот тизими орқали юборилади ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида, аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилинади.

Марказ томонидан ариза берувчига гувоҳнома билан биргаликда дори воситаларига тасдиқланган корхона фармакопоя мақолалари, истеъмол ўра-ми (шу жумладан, ёрлиғи) ва тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномалар берилади.

25. Қўйидагилар рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос ҳисобланади: рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларда, дори воситалари намуналарида ихтисослаштирилган экспертиза натижалари бўйича аниқланган камчиликларнинг 90 кунлик муддат ичида бартараф этилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатлар ва намуналарда маълумотларнинг ишончсиз, нотўғри ёки ёлғон эканлиги аниқланганда;

дори воситаларининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини тавсифловчи лаборатория синовлари, клиник тадқиқотлар, илмий баҳолаш якунлари бўйича асосланган салбий хулосаларнинг мавжудлиги. Бунда аризада кўрсатилган турли дозалар бўйича камида битта дозада номувофиқлик аниқланган тақдирда ҳам рўйхатдан ўтказиш рад этилади;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги маълумотлар таҳлили ва экспертизаси асосида дори воситасининг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги ҳамда «фойда-хавф» нисбатини баҳолаш якунлари бўйича асосланган салбий хулосаларнинг мавжудлиги;

дори воситаси таркибидаги фаол моддалар комбинациясининг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат фармакопоеясида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи деб эътироф этилган фармакопояларда белгиланган ёки аввал рўйхатдан ўтказилган аналогларига нисбатан пастрок сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларига эга бўлган дори воситалари;

дори воситаси таркибида қўллаш учун таъқиқланган ва таркибида кўрсатилмаган номаълум моддаларнинг мавжудлиги;

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аризачи томонидан дори воситасининг клиник самарадорлиги ва хавфсизлигининг тасдиқланмаганлиги;

фармаконадзорат маълумотлари асосида аниқланган далиллар, жумладан, дори воситасининг умумий тавсифида келтирилган маълумотлар билан солиштирилганда ноҳўя таъсирлар тўғрисида хабар бериш даврийлигининг ошиши, дори воситаларининг «фойда-хавф» нисбатининг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ҳолатлар мавжудлиги;

критилаётган ўзгартиришлар дори воситасининг «фойда-хавф» нисбатига салбий таъсир кўрсатган тақдирда;

далилларга асосланган тиббиёт асосида самарадорлиги ҳамда хавфсизлиги ўрганилган, лекин самарадорлиги исботланмаган дори воситалари;

технологиялар трансфери амалга оширилган корхонада дори воситаларини ишлаб чиқариш трансфер қилинган технологик жараёндан четга чиқишлар аниқланганда;

технологиялар трансфери асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари сифатининг лаборатория синовлари натижасида номутаносиблик аниқланганда;

«Зарур амалиётлар маркази» давлат муассасаси томонидан ишлаб чиқарувчининг «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» Ўзбекистон Республикаси миллий талабларига номувофиқ деб топилган ҳулосаси мавжуд бўлганда.

Рўйхатдан ўтказишнинг бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

Дори воситаларининг сифати бўйича асосланган салбий ҳулосаларнинг мавжудлиги юзасидан рўйхатдан ўтказиш рад этилгандан сўнг бир иш куни ичида Марказ томонидан «Зарур амалиётлар маркази» давлат муассасасига навбатдан ташқари инспекция ўтказиш бўйича тақдимнома киритилади.

26. Рўйхатдан ўтказиш рад этилганда ариза берувчига ахборот тизими орқали рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

27. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши, шунингдек Марказ мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

28. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилиб, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган дори воситалари гувоҳноманиннг амал қилиш муддати ўтгандан сўнг 180 календарь куни давомида сифат назоратини ўтказишга, импорт ва реализация қилишга ҳамда тиббиёт амалиётида яроқлилик муддати ўтгунига қадар қўллашга рухсат этилади. Бунда дори воситаларининг сифат назорати гувоҳноманиннг амал қилиш муддатида тасдиқланган ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилади.

#### **5-боб. Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

29. Дори воситаларининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида келтирилган маълумотлар гувоҳноманиннг амал қилиш муддати давомида ва гувоҳнома-

нинг амал қилиш муддатини узайтиришда ўзгарган тақдирда, ариза берувчи ахборот тизими орқали Марказга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризани ҳамда заруратга кўра тегишли ҳужжатлар, дори воситасининг намуналари ва референс стандарт намуналарини илова қилган ҳолда юборади.

Ўзгартиришлар дори воситасининг сифати, самарадорлиги ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда, Марказ рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни рад этади.

30. Ариза берувчининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризаси Марказ томонидан рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатларнинг 50 фоизидан ошмайдиган муддатларда кўриб чиқилади, бунда тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно.

Дори воситалари шартнома асосида ва технологиялар трансфери йўли билан ишлаб чиқарилганда, гувоҳномага қўшимча ишлаб чиқариш майдони тўғрисидаги маълумот маҳсулотларнинг лаборатория синовлари ва ишлаб чиқариш майдонининг «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган инспекция натижаларига кўра киритилади (тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиладиган, ЖССТ томонидан қайта малакаланган дори воситалари бундан мустасно).

Бунда технологиялар трансфери тўлиқ амалга оширилганлиги «Зарур амалиётлар маркази» давлат муассасаси томонидан қуйидаги ҳужжатлар экспертизаси асосида тасдиқланади:

технологиялар трансферини амалга оширишда томонларнинг сифатни таъминлаш бўйича шартномаси;

технологиялар трансфери дастури;

технологиялар трансфери эгасининг трансфер амалга оширилганлиги тўғрисидаги ҳисоботи.

Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг технологиялар трансферини қабул қилган фармацевтика ташкилотда ўрнатилган тартибда йилига камида бир маротаба «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»нинг миллий талаблари бўйича инспекция назорати ўтказилади.

Технологиялар трансфери амалга оширилган майдондаги маҳсулот ишлаб чиқарилишининг трансфер қилинган технологик жараён технология эгаси майдонидаги маҳсулот ишлаб чиқарилишига мутаносиб эканлиги тасдиқланиши талаб этилади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун Марказнинг кўрсатиб ўтилган тартиботларни амалга оширишга кетган харажатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Ҳужжатлар экспертизаси ва (ёки) лаборатория синовлари натижаларига асосан Марказ томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш рад этиш тўғрисида.

Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг 180 календарь куни давомида дори воситаларининг Марказ томонидан мазкур қарор қабул қилингунга қадар рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ ишлаб чиқарилишига ва импорт қилинишига, сифат назорати ўтказилишига, реализация қилинишига ҳамда яроқлилик муддатлари ўтгунига қадар муомалада бўлишига рухсат этилади.

31. Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш гувоҳномада келтирилган маълумотларни ўзгартириш ва қўшимча киритишни талаб қилган тақдирда, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

### **6-боб. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш**

32. Ариза берувчининг ишлаб чиқариш майдони жойлашган ери ва технологиялари ўзгармаган ҳолда қайта ташкил этилганда ёки номи ўзгарганда, ариза берувчи бир ой муддатда Марказга гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ахборот тизими орқали ариза бериши шарт.

33. Гувоҳномани қайта расмийлаштиришда Марказ томонидан тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари давлат реестрига ҳамда ахборот тизимига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Гувоҳнома Марказ томонидан 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қайта расмийлаштирилади.

Гувоҳнома қайта расмийлаштирилганлиги муносабати билан ариза берувчининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаси Марказ томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

34. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати ариза берувчи томонидан Марказга ахборот тизими орқали берилган аризасига биноан узайтирилиши мумкин. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Марказга унинг амал қилиш муддати тугашидан олдин тўққиз ой ичида берилиши керак. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дори воситалари гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш жараёнида рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ишлаб чиқариш жараёнлари, жумладан таъсир этувчи модданинг (субстанция) ишлаб чиқарувчиси, ёрдамчи моддалар таркиби, қадоғи, сифат назорати усуллари, меъёрлари ва ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилмаган тақдирда, лаборатория синовлари ўтказилмайди. Бунда лаборатория синовларисиз амал қилиш муддати узайтирилган дори воситаларининг сифати мажбурий тартибда постмаркетинг назоратидан ўтказилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати узайтирилганидан сўнг 180 календарь куни давомида дори воситаларининг олдинги рўйхатдан ўтказиш ҳуж-

жатларида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ ишлаб чиқарилишига ва импорт қилинишига, сифат назорати ўтказилишига, реализация қилинишига ҳамда яроқлилиқ муддатлари ўтгунига қадар муомалада бўлишига рухсат этилади.

### **7-боб. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва уни тугатиш**

35. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва уни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунининг 32 — 34-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

36. Мазкур Низомнинг 13-банди учинчи-тўртинчи ва олтинчи — ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган рўйхатдан ўтказиш талаблари ва шартларининг бузилиши бир маротаба қўпол равишда бузилиш деб баҳоланади ва гувоҳноманинг амал қилишини белгиланган тартибда бекор қилиш учун асос бўлади.

### **8-боб. Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар давлат реестри**

37. Марказ Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар давлат реестрини (кейинги ўринларда — Давлат реестри) юритади. Давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

Давлат реестрининг дори воситаларига тегишли бўлимларида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

дори воситасининг савдо номи (доривор ўсимлик хомашёсининг номи, доривор ўсимликнинг биноминал илмий номи, ўсимлик қисмлари номи, бошқа номлар (бошқа фармакопеяда кўрсатилган синонимлар) билан берилади);

дори воситасининг келиб чиқиши (оригинал/женерик/биосимиляр/ўсимликдан олинган дори воситаси, гомеопатик восита, тиббий иммунобиологик препарат);

дори воситаси таъсир этувчи моддасининг халқаро патентланмаган, гуруҳланган ёки кимёвий номи, дозаси, чиқарилиш шакли;

ишлаб чиқарувчи давлатнинг номи;

ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқувчининг) номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлати, манзили;

дори воситаси гувоҳномасининг эгаси;

дори воситасининг фармакотерапевтик гуруҳи, АТС (АТХ, АТК) (анатомо-терапевтик-кимёвий) коди;

дори моддасини (субстанцияни) ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқувчининг) номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлати, манзили;

гувоҳнома рақами;

гувоҳнома берилган сана;

дори воситасининг рецепт билан ёки рецептсиз берилиши;

зарур ҳолларда, гувоҳномага ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган сана.

38. Давлат реестридаги маълумотлар барча танишиши учун очик ҳисобланади.

### 9-боб. Яқунловчи қоида

39. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 24 ноябрдаги 738-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш (кейинги ўринларда — рўйхатдан ўтказиш) тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, импорт қилинадиган, муомалага чиқариладиган ёки қўлланиладиган барча тиббий жиҳозларнинг инсон саломатлигига зарар етказмайдиган тарзда хавфсиз, самарадор ва сифатли бўлишини таъминлаш, ушбу жиҳозларни лойиҳалаштиришдан бошлаб, фойдаланишдаги сўнгги босқичгача бўлган барча жараёнларда риоя қилиниши лозим бўлган техник, маъмурий ва клиник тадқиқотлардан ўтказиш ва уларни баҳолаш босқичларини белгилашдан иборат.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасига (кейинги ўринларда — Марказ) тиббий жиҳозларни рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳнома олиш учун мурожаат қилувчи ишлаб чиқувчи, ишлаб чиқарувчи, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг (кейинги ўринларда — гувоҳнома) эгаси ёки улар номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи юридик шахс;

**бююртмачи** — тиббий жиҳозни ишлаб чиқариш ва сифат назоратини ўтказиш учун бошқа ишлаб чиқарувчи фармацевтика ташкилотини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқарилган тиббий жиҳознинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

**гувоҳнома эгаси** — тиббий жиҳознинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган, тиббий жиҳознинг хавфсизлиги,

сифати ва самарадорлиги учун жавоб берувчи, тиббий жиҳозларнинг ишлаб чиқувчиси, ишлаб чиқарувчиси ёки буюртмачиси бўлган юридик шахс;

**дастурий таъминот** — бир ёки бир нечта тиббий мақсадлар (ташхис, кузатув, даволаш, қарор қабул қилишда кўмаклашиш каби) учун мўлжалланган дастурий таъминот бўлиб, функцияларни тиббий жиҳоздан, жумладан, умумий платформаларда ишлайдиган ва бошқа тиббий жиҳоз ёки тиббий бўлмаган дастурий таъминот билан ўзаро алоқада бўлган *in vitro* ташхис дастуридан мустақил равишда амалга оширадиган тиббий жиҳоз;

**ишлаб чиқариш майдони** — тиббий жиҳоз ишлаб чиқарувчисининг ишлаб чиқаришнинг бутун жараёни ёки унинг айрим босқичларини амалга ошириш учун мўлжалланган алоҳида ҳудудий мажмуа;

**модель** — тиббий жиҳознинг ишлаб чиқарувчиси томонидан маълум бир ҳарф, рақамли ёки ҳарф-рақамли белгилар ёрдамида тиббий жиҳознинг идентификацияланадиган мустақил бирлиги;

**сифатни таъминлаш бўйича шартнома** — шартнома асосида тиббий жиҳозни ишлаб чиқаришда юридик шахслар ўртасидаги тиббий жиҳознинг сифатига тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат;

**спецификация** — тиббий жиҳознинг («*in vitro*» ташхис тиббий жиҳози учун) сифат кўрсаткичлари, сифат назорати усуллари ва уларга ҳаволалар, сифат кўрсаткичлари меъёрлари ва уни ўрганиш мезонлари рўйхати;

**стандарт** — фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки уларнинг натижаларига тааллуқли бўлган, умумий ва кўп марта фойдаланиш учун қоидаларни, умумий принципларни ёки тавсифларни белгилайдиган ҳамда муайян соҳада тартибга солишнинг энг мақбул даражасига эришишга қаратилган ҳужжат;

**тиббий жиҳозлар** — касалликлар профилактикаси, ташхис қўйиш, даволаш, беморларни реабилитация қилиш ва (ёки) санаб ўтилган жараёнларни таъминлаш учун, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини аниқлаш, тиклаш, алмаштириш ҳамда ўзгартириш, мониторинг қилиш, ҳомиладорликнинг олдини олиш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига руҳсат этилган, қўлланилиши натижасида одам организмига фармакологик, иммунологик ёки метаболик таъсир кўрсатмайдиган, айрим ҳолда, мажмуа ёки тизимлар сифатида қўлланиладиган жиҳозлар, аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар, мажмуалар ва дастурий таъминотлар;

**тиббий жиҳознинг номи** — тиббий жиҳознинг модели, тури, модификацияси ва функционал мақсадини акс эттирувчи тўлиқ техник номланиши;

**тиббий жиҳоз тўплами** — ишлаб чиқарувчининг ҳужжатларига мувофиқ, тўпламга киритилган тиббий маҳсулотлар рўйхати кўрсатилган умумий маркировкага эга бўлган, умумий функционал мақсади ва қўлланилиш соҳаси бўйича бирлаштирилган тиббий жиҳоз мажмуаси;

**тиббий жиҳознинг бутловчи қисми** — ишлаб чиқарувчи томонидан функционал мақсади, эксплуатацион кўрсаткичлари ва хизмат кўрсатишнинг техник қўлланмасига мувофиқ фойдаланиш учун мўлжалланган блоklar, қисмлар, тиббий жиҳознинг элементлари, материаллар, эҳтиёт қисмларни ўз ичига олган, тиббий жиҳознинг мустақил бўлмаган бир қисми;

**тиббий жиҳоз сарф материаллари** — тиббий жиҳознинг функционал

мақсадига мувофиқ муолажалар олиб борилишини ҳамда эксплуатация қилиш хоссаларини ва ишлаб чиқарувчининг техник йўриқномасига мувофиқ хизмат кўрсатишини таъминлайдиган маҳсулотлар ва материаллар;

**тиббий жиҳознинг модификацияси** — асосий тиббий жиҳоз билан умумий конструктив ва технологик хусусиятларга эга бўлган, уни такомиллаштириш, функционал қўлланилишини кенгайтириш ёки махсус тиббий мақсадларда қўлланилишини ихтисослаштириш мақсадида асосий восита асосида ишлаб чиқилган тиббий жиҳоз;

**шартнома асосида ишлаб чиқариш** — бир фармацевтика ташкилоти қувватларидаги технологияларни ўзгартирмаган ҳолда, унинг рўйхатдан ўтказилган тиббий жиҳозларини буюртмага кўра бошқа фармацевтика ташкилоти учун шартнома асосида ишлаб чиқариш;

**«in vitro» ташхис тиббий жиҳозлари** — тиббий мақсадларда айрим ҳолда ёки биргаликда қўлланилиши мумкин бўлган, инсон организмдан олинган намуналарни «in vitro» (танадан ташқарида) текшириш, ташхис қўйиш, мониторинг (назорат қилиш), мосликни аниқлаш мақсадларда қўлланиладиган маҳсулотлар, шунингдек ушбу маҳсулотларни кўзланган мақсадларда қўллаш учун зарур бўлган сарфлов материаллари ва бутловчи қисмлар;

**глобал тиббий жиҳозлар номенклатураси (Global Medical Device Nomenclature (GMDN))** — тиббий жиҳозларнинг турлари ва моделларини ягона халқаро стандарт бўйича аниқлаш, таснифлаш ва кодлашда қўлланиладиган глобал тизим;

**жиҳознинг ягона идентификатори (The unique device identification (UDI))** — тиббий жиҳозни аниқ идентификация қилиш ва унинг муомаласи жараёнида кузатиб боришда қўлланиладиган, халқаро стандартларга мувофиқ яратиладиган ноёб код;

**рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси** — тиббий жиҳознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат берилганини тасдиқловчи ҳужжат;

**рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари** — ариза берувчи томонидан тиббий жиҳознинг сифати, самарадорлиги, безарарлиги ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш, тиббий жиҳознинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида Марказга тақдим этиладиган ҳужжатлар;

**сифатни таъминлаш бўйича шартнома** — шартнома асосида ва (ёки) технологиялар трансфери орқали тиббий жиҳозни ишлаб чиқаришда юридик шахслар ўртасидаги тиббий жиҳознинг сифатига тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат;

**технологиялар трансфери** — тиббий жиҳозни яратиш ва (ёки) ишлаб чиқариш технологик жараёнларини, маълумотлари ва тажрибаларини, шу жумладан, тиббий жиҳознинг сифати, самарадорлиги ва хавфсизлигини ўзгартирмаган ҳолда, бир фармацевтика ташкилотидан бошқа фармацевтика ташкилотининг ишлаб чиқариш майдонига кўчириш;

**тиббий жиҳознинг техник ҳужжати** — тиббий жиҳознинг тавсифи, фойдаланиш мақсади, техник хусусиятлари, амалга оширилган самарадорлик ва хавфсизлик синовлари ҳамда уларга оид ҳисоботлар ёки қисқача мазмунлар, хавфни бошқариш ва клиник баҳолаш ҳисоботлари, ёрлиқлаш ҳамда фойдаланиш қўлланмасини ўз ичига оладиган ҳужжатлар тўплами.

3. Тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳнома бериш Марказ томонидан ушбу Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Тиббий жиҳозлар қуйидаги хавфсизлик даражаларига кўра рўйхатдан ўтказилади:

I синф — хавф даражаси паст бўлган тиббий жиҳозлар;

II а синф — хавф даражаси ўртача бўлган тиббий жиҳозлар;

II б синф — хавф даражаси юқори бўлган тиббий жиҳозлар;

III синф — хавф даражаси энг юқори бўлган тиббий жиҳозлар.

Тиббий жиҳозлар давлат рўйхатидан умумий тартибда ва тан олиш йўли билан ўтказилади.

Бунда қуйидаги хорижий ташкилотлар томонидан рўйхатдан ўтказилган тиббий жиҳозлар тан олиш йўли билан давлат рўйхатидан ўтказилади:

Озиқ-овқат ва дори воситалари сифати назорати бошқармаси (FDA), АҚШ;

Европа мувофиқлиги (СЕ) сертификатини беришга ваколатли органлар, Европа Иттифоқи;

Европа дори воситалари агентлиги (EMA), Европа Иттифоқи;

Фармацевтика ва тиббий буюмлар агентлиги (PMDA), Япония;

Озиқ-овқат ва дори воситалари хавфсизлиги вазирлиги (MFDS), Корея Республикаси;

Дори воситалари ва тиббий буюмлар назорати агентлиги (MHRA), Буюк Британия.

5. Қуйидагиларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди:

«in vitro» ташхис тиббий жиҳоз тўпламига кирувчи, мустақил равишда ташхис воситаси бўла олмайдиган реагентлар;

индивидуал буюртма бўйича ишлаб чиқариладиган тиббий жиҳозлар.

Экспорт учун мўлжалланган тиббий жиҳозлар ариза берувчи хоҳишига кўра рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

6. Орфан касалликларга ташхис қўйишда ва уларни даволашда қўлланиладиган тиббий жиҳозлар импорти, ўта хавфли инфекциялар, шунингдек эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирадиган инфекциялар профилактикасида, уларга ташхис қўйишда ҳамда уларни даволашда қўлланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси бўйича импорт қилинадиган тиббий жиҳозлар импорти давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ташқи беғараз кўмак ҳамда инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб кираётган тиббий жиҳозлар давлат рўйхатидан ўтказилмасдан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилишига ва улардан фойдаланишга рухсат бе-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рилади. Бунда ушбу тиббий жиҳозларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига ва улардан фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли ижобий хулоса берилиши лозим.

7. Тиббий жиҳозлар қуйидаги йўллар орқали ишлаб чиқарилади:

бевосита ишлаб чиқарувчи ташкилотда;

ташкилот ишлаб чиқариш қувватларидаги технологияларни ўзгартирмаган ҳолда, рўйхатдан ўтказилган тиббий жиҳозни шартнома асосида ишлаб чиқариш;

фармацевтика ташкилотига бошқа фармацевтика ташкилотининг рўйхатдан ўтказилган тиббий жиҳознинг технологик жараёнини кўчириш (технологиялар трансфери) орқали ишлаб чиқариш.

Шартнома ва технологиялар трансфери асосида ишлаб чиқарилган тиббий жиҳозларнинг хавфсизлиги, сифати ҳамда самарадорлиги учун жавобгарлик буюртмачи, технологиялар трансфери эгаси ва ишлаб чиқарувчи зиммасига юкланади.

Бундай ҳолатларда ишлаб чиқариладиган тиббий жиҳозларни Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртмачи ёки технологиялар трансфери эгаси ва ишлаб чиқарувчи фармацевтика ташкилоти «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиши талаб этилади. Бунда технологиялар трансферини қабул қилган фармацевтика ташкилотида ўрнатилган тартибда йилига камида бир мартаба «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талаблари бўйича инспекция назорати ўтказилади.

Тиббий жиҳозни яратиш бўйича олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари (ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно) буюртмачи ташкилот бўлган тақдирда, уларнинг «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқлик тўғрисида сертификатга эга бўлиши талаб этилмайди.

8. Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра амал қилиш муддати беш йил бўлган тегишли рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Тиббий жиҳозни давлат рўйхатидан ўтказишда уларни ишлаб чиқариш шароитларининг сифат тизими «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқлиги юзасидан инспекциядан ўтказилади, тан олиш орқали рўйхатдан ўтказиладиган тиббий жиҳозлар ҳамда ЖССТ томонидан қайта малакаланган (requalification), ЖССТ билан ҳамкорликда рўйхатдан ўтказиладиган «in vitro» ташхис тиббий жиҳозлари бундан мустасно.

Бунда ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш шароитларининг сифат тизими «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқли-

ги юзасидан инспекцияси тиббий жиҳознинг давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни билан бир вақтда олиб боришга рухсат берилади. Бунда тиббий жиҳоз Марказ томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар миллий «ISO: 13485» стандарти талабларига мувофиқлиги ҳақида сертификат тақдим этилиши шарт.

Марказ рўйхатдан ўтказиш фаолиятини ташкил этиш мақсадида маслаҳат ва коллегиял органлар тузиши мумкин.

## **2-боб. Тиббий жиҳозларни рўйхатдан ўтказишга доир талаблар ва шартлар**

9. Тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси асосида тиббиёт амалиётида қўлланилишида ариза берувчи томонидан бажарилиши шарт бўлган талаблар ва шартлар қуйидагилардан иборат:

тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилган ариза берувчи томонидан уларнинг тиббиёт амалиётида қўлланилишида қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

гувоҳномани олиш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳамда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш;

тиббий жиҳознинг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланганлигини таъминлаш;

гувоҳноманинг амал қилиш даврида ариза берувчи томонидан Марказга рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш тўғрисида маълумотларни тақдим этиш;

фармакопея мақолалари ва стандартлар талабларига ҳамда тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида келтирилган маълумотларга қатъий риоя этиш;

тиббий жиҳозни ишлаб чиқаришда сифат тизими «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига риоя этиш;

тиббий жиҳознинг тиббиёт амалиётида қўлланилишида маълум бўлган ноҳўя таъсирлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ Марказга тақдим этиб бориш;

тиббий жиҳознинг сифати, самарадорлиги ёки хавфсизлиги сабабли бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатиб турилиши, бекор қилиниши, муомаладан чақириб олиши, гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризаси рад этилиши ҳақида Марказни дарҳол хабардор қилиш;

рўйхатдан ўтказиш натижалари тан олинадиган ташкилотлар томонидан берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари ёки сертификатларнинг амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларни тақдим этиш.

### 3-боб. Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва намуналар

10. Рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи Марказга қуйидагиларни тақдим этади:

а) ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ ариза;

б) ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ ариза берувчининг электрон имзоси билан тасдиқланган тиббий жиҳозларни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларининг электрон шакли;

в) тиббий жиҳознинг стандартлар ёки фармакопея мақоласи талабларига мувофиқ синовлар ўтказилиши учун зарур бўлган миқдордаги намуналари (тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган тиббий жиҳоз, хавфсизлик классификацияси бўйича I синфга мансуб тиббий жиҳоз (стерил, ўлчов воситали ва инвазив тиббий жиҳозлардан ташқари) бундан мустасно);

г) стандартлар ёки фармакопея мақолалари талабларига мувофиқ фаол таъсир этувчи моддаларнинг ҳамда ёт ва ўхшаш моддаларнинг фармакопея ёки референс стандарт намуналари, назорат материаллари, махсус реактивлар, микроорганизмларнинг тест-штамплари, ташхис тест-тизимлари, тиббий жиҳоз ишлаб чиқарувчининг махсус сарфлов материаллари ҳамда реагентлари ва уларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар (тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган тиббий жиҳоз бундан мустасно).

Ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва намуналар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Марказнинг ахборот тизимига (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ушбу Низомнинг 3-иловасида назарда тутилган кетма-кетликда ҳар бирини алоҳида юклаган ҳолда ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда киритилади.

12. Тиббий жиҳоз намуналари ариза берувчи томонидан сақлаш ва ташиш шароитлари таъминланган ҳолда, бевосита Марказга тақдим этилади, мазкур Низомнинг 17-банди «б» кичик банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Марказ рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги махфий маълумотларнинг ошкор қилиниши учун жавоб беради. Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги махфий маълумотлар ариза берувчи томонидан алоҳида кўрсатилиши мумкин.

### 4-боб. Аризани кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилади ҳамда унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Йиғим суммаси Марказнинг шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади.

Ариза берувчи берган аризасидан воз кечган тақдирда ва дори воси-

\* 2, 3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тасини рўйхатдан ўтказиш рад этилганда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза Марказ томонидан қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

15 иш кунда — тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган тиббий жиҳозлар;

30 иш кунда — бир марталик бир йил муддатга рўйхатдан ўтказиладиган, эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирадиган инфекциялар эпидемияси ва пандемияси даврида қўлланиладиган «in vitro» ташхис тиббий жиҳозлари;

60 иш кунда — ЖССТ преквалификациясидан ўтган тиббий жиҳозлар;

60 иш кунда — хавфсизлик классификацияси бўйича I синфга мансуб тиббий жиҳозлар;

90 иш кунда — хавфсизлик классификацияси бўйича II а синфга мансуб тиббий жиҳозлар;

120 иш кунда — хавфсизлик классификацияси бўйича II б, III синфларга мансуб тиббий жиҳозлар.

Қуйидагилар рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддатларига киритилмайди:

аризани қабул қилишнинг рад этилганлиги тўғрисида камчиликларни бартараф этиш учун бериладиган 30 иш кунлик муддат;

хорижий сертификат ва (ёки) гувоҳномаларнинг ҳаққонийлигини очик манбалар орқали текшириш имкони бўлмаганда, ваколатли органга юборилган расмий сўровга жавоб берилиши учун кетган муддат;

рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларда тиббий жиҳоз намуналарида ихтисослаштирилган экспертиза натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бериладиган 60 иш кунлик муддат;

тиббий жиҳознинг клиник тадқиқотлари ўтказиш учун кетган муддат;

тиббий жиҳоз ишлаб чиқариш шароитларининг «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган инспекция учун кетган муддат.

15. Ўсма касалликларини иммуногистокимёвий, молекуляр ва генетик текширишлар учун реагентларни рўйхатдан ўтказишда клиник-лаборатор синовлар ўтказилмайди.

16. Тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш талаб ва шартларининг бажарилганлиги Марказ томонидан қуйидагилар орқали баҳоланади:

тиббий жиҳознинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари экспертизаси;

тиббий жиҳоз ишлаб чиқариш шароитларининг «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқлиги юзасидан инспекциядан ўтказиш;

тиббий жиҳоз намуналарининг лаборатория синовлари;

тиббий жиҳозларнинг клиник синовлари.

17. Рўйхатдан ўтказиш Марказ томонидан ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган муддатларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) бирламчи (дастлабки) экспертиза:

ариза қабул қилингандан сўнг аризага илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда тиббий жиҳоз намуналарининг аризага мувофиқлигининг бирламчи (дастлабки) экспертизаси ўтказилади. Бунда тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги, лаборатория синовларини ўтказиш учун тақдим этилган тиббий жиҳозлар намуналари ва назорат намуналарининг тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилади;

тиббий жиҳозда интеллектуал мулк объектларига (кейинги ўринларда — ИМО) бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги тўғрисида интеллектуал мулк соҳасидаги ваколатли орган хулосаси ўрганилади;

бирламчи (дастлабки) экспертиза ҳамда тиббий жиҳозларда ИМОга бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги юзасидан ўрганиш натижалари асосида хулоса расмийлаштирилади.

Қуйидаги ҳолатларда аризани рад этиш тўғрисида хулоса расмийлаштирилади:

мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳужжатлар ва намуналар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда;

тақдим этилган ҳужжатлар ва намуналарда маълумотларнинг ишончсиз, нотўғри ёки ёлғон эканлиги аниқланганда;

тиббий жиҳозларга нисбатан ИМОга бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлиги тўғрисида интеллектуал мулк соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси мавжуд бўлганда.

Аризанинг рад этилиши тўғрисидаги хабарнома камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиш учун 30 иш кунлик муддат билан ахборот тизими орқали ариза берувчига юборилади.

Камчиликлар 30 иш куни муддатда бартараф этилмаган тақдирда, Марказ томонидан рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва ариза берувчи ахборот тизими орқали хабардор қилинади.

Аризани рад этиш юзасидан қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот юборилгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва Марказ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Бирламчи экспертизадан ижобий хулосасидан сўнг, дори воситасининг лаборатория синовлари, ихтисослаштирилган экспертизаси бир вақтнинг ўзида олиб борилади;

б) лаборатория синовлари:

тиббий жиҳознинг хавфсизлик ва самарадорликка оид синовлари (масалан, ЭМС, электр хавфсизлиги, биологик таъсирини баҳолаш каби) лабораторияларда тасдиқланади;

тиббий жиҳоз намуналарининг Ўзбекистон Республикасининг миллий ёки қабул қилинган халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича ўтказилган лаборатория синовлари натижалари асосида синов баённомалари расмийлаштирилади;

тиббий жиҳознинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ихтисослаштирилган лабораторияларда ёки ўрнатилган жойда синовлар амалга оширилади.

Тиббий жиҳоз намуналарининг синовларини ўтказиш учун зарур ўлчов, синов воситалари ҳамда синов шароитлари Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлмаган ҳолларда, ушбу синовлар хорижий ишлаб чиқарувчининг синов лабораториясида ёки бошқа хорижий лабораторияларда Марказ мутахассислари иштирокида ўтказилиши мумкин.

Қуйидагилар лаборатория синовларидан ўтказилмайди:

ЖССТ томонидан қайта малакаланган (prequalification), ЖССТ билан ҳамкорликда рўйхатдан ўтказиладиган «in vitro» ташхис тиббий жиҳозлари; тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган тиббий жиҳоз ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари;

хавфсизлик классификацияси бўйича I синфга мансуб тиббий жиҳоз (стерил, ўлчов воситали ва инвазив тиббий жиҳозлар бундан мустасно);

в) ихтисослаштирилган экспертиза:

тиббий жиҳозга оид техник маълумотлар, ишлаб чиқариш жараёни, хавф таҳлиллари, синов натижалари ва Ўзбекистон Республикасининг миллий ёки қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқлик баённомалари Марказ мутахассислари томонидан батафсил таҳлил қилинади;

лаборатория синовлари баённомалари ҳамда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхатдан ўтказиш талаб ва шартларига мувофиқлиги мустақил экспертлардан ташкил топган илмий комиссияларнинг асосланган хулосалари асосида экспертизадан ўтказилади.

Бунда илмий комиссияларнинг тегишли йўналишлар бўйича фаолиятини юритиш тартиби, комиссия таркиби ва уларга қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

лаборатория синовлари баённомалари ҳамда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхатдан ўтказиш талаб ва шартларига мувофиқлиги экспертизадан ўтказилади;

тиббий жиҳозларнинг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичларнинг Ўзбекистон Республикасининг миллий ёки қабул қилинган халқаро талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилади;

зарур ҳолларда, тиббий жиҳоз намуналари Ўзбекистон Республикасининг миллий ёки қабул қилинган халқаро стандартлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида қўшимча лаборатория синовларига юборилиши мумкин;

тақдим этилган хорижий сертификат ва (ёки) гувоҳномалар уларни берган ваколатли органнинг расмий рўйхатларидан (веб-сайтлари) ҳаққонийлиги текширилади, хорижий сертификат ва (ёки) гувоҳномаларнинг ҳаққонийлигини очиқ манбалар орқали текшириш имкони бўлмаганда, барча расмий ҳужжатлар апостиль муҳри ёки консуллик томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Зарур ҳолларда, Марказ хорижий тартибга солувчи органга расмий сўров юборади. Марказ хорижий тартибга солувчи органга юборилган сўровга жавобни 60 иш кунда олмаса, рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

тиббий жиҳозни баҳолаш натижалари асосида ҳисобот расмийлаштирилади;

ихтисослаштирилган экспертиза давомида аниқланган камчиликлар юзасидан ариза берувчига ахборот тизими орқали хабарнома юборилади ва уни бартараф этиш учун 60 иш кунлик муддат берилади.

Қўшимча сўров ариза берувчи томонидан олдинги сўров бўйича тақдим этилган маълумотларда аниқланган камчиликлар бўйича юборилади.

Қўшимча сўровда берилган камчиликлар бўйича ариза берувчи томонидан тўлиқ жавоб берилмаган тақдирда гувоҳнома бериш рад этилади.

Марказ директори томонидан тиббий жиҳозларнинг («in vitro» ташхис тиббий жиҳозлари) фармакопея мақолалари тасдиқланади.

Марказ директори томонидан тиббий жиҳозларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномалар ва маркировкаси келишилади;

г) клиник тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижасини экспертиза қилиш:

тиббий жиҳознинг хавфсизлиги ва самарадорлиги илмий адабиётлар, аввалги клиник тажрибалар ҳамда зарурат туғилганда ўтказилган клиник тадқиқотларнинг ҳисоботлари асосида таҳлил қилинади;

Марказ томонидан тиббий жиҳозларнинг клиник тадқиқотлар ёки клиник тадқиқотларсиз рўйхатдан ўтказиш бўйича хулоса расмийлаштирилади;

Марказ клиник тадқиқотлар ўтказиш учун клиник тадқиқотлар турлари ва клиник базаларни белгилайди, клиник тадқиқотлар дастурларини ва баённомаларини экспертизадан ўтказиш ва бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмани ариза берувчига ахборот тизими орқали юборади;

ариза берувчи ўтказилган клиник тадқиқот ҳисоботини Марказга ахборот тизими орқали юборади.

Қуйидаги ҳолатларда рўйхатдан ўтказишда клиник тадқиқотлар ўтказиш талаб этилмайди:

хавфсизлик классификацияси бўйича I синфга мансуб тиббий жиҳоз;

ЖССТ томонидан қайта малакаланган (prequalification), ЖССТ билан ҳамкорликда рўйхатдан ўтказиладиган «in vitro» ташхис тиббий жиҳозлари;

Ўзбекистон Республикасида клиник тадқиқотлари олдин ўтказилган тиббий жиҳозлар;

тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган тиббий жиҳозлар.

Тиббий жиҳозларни рўйхатдан ўтказишда клиник тадқиқотлар асосида ёки клиник тадқиқотларсиз ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

д) ишлаб чиқариш шароитларини инспекциядан ўтказиш:

ишлаб чиқариш объектлари жойида ўрганилиб, «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартига мувофиқ сифат бошқарув тизими, маҳсулотни кузатиш тизими ва ишлаб чиқариш муҳитининг мослиги юзасидан инспекциядан ўтказилади ва белгиланган тартибда сертификатлаштирилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилмайдиган тиб-

бий жиҳозларнинг ишлаб чиқариш шароитлари инспекцияси устуворлик асосида ўтказилади.

Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

тан олиш орқали рўйхатдан ўтказиладиган тиббий жиҳозлар;

ЖССТ томонидан қайта малакаланган (prequalification), ЖССТ билан ҳамкорликда рўйхатдан ўтказиладиган «in vitro» ташхис тиббий жиҳозлари;

«ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқ амалдаги сертификатига эга тиббий жиҳозлар. Бунда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган тиббий жиҳоз ишлаб чиқарилган даврда ушбу тиббий жиҳоз ишлаб чиқариш шароитларининг «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқлиги юзасидан инспекцияси ўтказилган бўлиши лозим.

Қуйидаги ҳолларда тиббий жиҳозларни рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

инспекция тайинланган кундан бошлаб 30 иш куни муддат ичида ариза берувчи томонидан инспекция ўтказиш учун ариза Марказга тақдим этилмаган ҳолларда;

ариза берувчи инспекциянинг бевосита ишлаб чиқариш майдонида ўтказилишидан бош тортганда;

инспекция ўтказиш учун талаб қилинган маълумотлар, ҳужжатлар инспекция учун сўралганда тақдим этилмаганда, бино ва хоналарга инспекторлар киришига йўл қўйилмаганда;

инспекция мобайнида қалбаки ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилгани аниқланганда;

инспекция натижалари бўйича аниқланган номувофиқликлар ишлаб чиқарувчи корхона билан келишилган муддатларда тўғри ва тўлиқ бартараф этилмаганда.

Тиббий жиҳоз ишлаб чиқарувчиси инспекция ўтказиш мақсадида Марказга тиббий жиҳозни Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнидан ташқари ҳолда (давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда) ҳам муурожаат қилиши мумкин.

Инспекция ўтказилган ишлаб чиқариш майдони «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига номувофиқ эканлиги аниқланган ҳолларда, ушбу ишлаб чиқариш майдонида илгари ишлаб чиқарилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган, муомаладаги тиббий жиҳозлар рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатиб турилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини қайта тиклаш, ўтказилган инспекция мобайнида аниқланган барча номувофиқликлар тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, қайта инспекция ўтказилиб, ижобий натижалар қайд этилган тақдирда амалга оширилади.

18. Тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш экспертизалари натижасига мувофиқ Марказ томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида;

тиббий жиҳозни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

19. Марказ томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 иш кунидан кечикмай, ариза берувчига ушбу Низомга 4-иловага\* мувофиқ шаклдаги гувоҳнома ахборот тизими орқали юборилади ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилинади.

Марказ томонидан ариза берувчига гувоҳнома билан биргаликда «in vitro» ташхис тиббий жиҳозларига тасдиқланган корхона фармакопея мақолалари ҳамда келишилган тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномалар ва маркировка, «in vitro» бўлмаган тиббий жиҳозларга келишилган тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномалар ва маркировка берилади.

20. Қўйдагилар рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларда тиббий жиҳоз намуналарида ихтисослаштирилган экспертиза натижалари бўйича аниқланган камчиликларнинг 60 иш кунлик муддат ичида бартараф этилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатлар ва намуналарда маълумотларнинг ишончсиз, нотўғри ёки ёлғон эканлиги аниқланганда;

аввал қўлланилган тиббий жиҳозлар намунаси тақдим этилганлиги;

тиббий жиҳознинг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини тавсифловчи лаборатория синовлари, клиник тадқиқотлар, ишлаб чиқариш шароитларини инспекциядан ўтказиш, илмий-техник баҳолаш, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги маълумотлар таҳлили ва экспертизалар яқунлари бўйича асосланган салбий хулосаларнинг мавжудлиги. Бунда аризада кўрсатилган турли модель, модификация, версия, формат, ўлчам бўйича камида битта модель, модификация, версия, формат, ўлчамда номувофиқлик аниқланган тақдирда ҳам рўйхатдан ўтказиш рад этилади.

Рўйхатдан ўтказишнинг бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

21. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши, шунингдек Марказ мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

22. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати ўтгач, тиббий жиҳозни реализация қилишга ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга, агар улар рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиши даврида ишлаб чиқарилган бўлса, рухсат этилади. Бунда тиббий жиҳознинг сифат назорати гувоҳноманинг амал қилиш муддатида тасдиқланган ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилишига рухсат берилади.

### **5-боб. Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

23. Тиббий жиҳознинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида келтирилган маълумотлар гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида ҳамда гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш жараёнида ўзгарган тақдирда, ариза берувчи ахборот тизими орқали Марказга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризани ҳамда заруратга кўра тегишли ҳужжатлар, намуналар ва стандартларни илова қилган ҳолда юборади.

Ўзгартиришлар тиббий жиҳознинг сифати, самарадорлиги ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда, Марказ рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни рад этади.

24. Ариза берувчининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризаси Марказ томонидан рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатларнинг 50 фоизидан ошмайдиган муддатларда кўриб чиқилади (тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказилган тиббий жиҳознинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно).

Тиббий жиҳоз шартнома асосида ишлаб чиқарилганда гувоҳномага қўшимча ишлаб чиқариш майдони тўғрисидаги маълумот маҳсулотларнинг лаборатория синовлари ва ишлаб чиқариш майдонининг «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқликни баҳолаш бўйича инспекция натижаларига кўра киритилади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун Марказнинг кўрсатиб ўтилган тартиботларни амалга оширишга кетган харажатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Ҳужжатлар экспертизаси ва (ёки) лаборатория синовлари натижаларига асосан Марказ томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисида.

Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг 180 календарь кун давомида тиббий жиҳозларнинг Марказ томонидан мазкур қарор қабул қилингунга қадар рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ ишлаб чиқарилишига ва импорт қилинишига, сифат назорати ўтказилишига, реализация қилинишига ҳамда яроқлилик муддатлари ўтгунига қадар муомалада бўлишига рухсат этилади.

25. Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш гувоҳномада келтирилган маълумотларни ўзгартириш ва уларга қўшимча киритишни талаб қилган тақдирда, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

#### **6-боб. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш**

26. Ариза берувчининг ишлаб чиқариш майдони жойлашган ери ва технологиялари ўзгармаган ҳолда қайта ташкил этилганда ёки номи ўзгарганда, ариза берувчи бир ой муддатда Марказга гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ахборот тизими орқали ариза бериши шарт.

27. Гувоҳномани қайта расмийлаштиришда Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар давлат реестрига ва ахборот тизимига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Гувоҳнома Марказ томонидан 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қайта расмийлаштирилади.

Гувоҳнома қайта расмийлаштирганлиги муносабати билан ариза берувчининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаси Марказ томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

28. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати ариза берувчи томонидан Марказга ахборот тизими орқали берилган аризасига биноан узайтирилиши мумкин. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Марказга унинг амал қилиш муддати тугашидан олдин тўққиз ой ичида берилиши керак. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Тиббий жиҳоз гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш жараёнида рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига сифатга боғлиқ ўзгартиришлар киритилмаган тақдирда, лаборатория синовлари ўтказилмайди. Бунда лаборатория синовларисиз амал қилиш муддати узайтирилган тиббий жиҳозларнинг сифати мажбурий тартибда постмаркетинг назоратидан ўтказилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш даврида тиббий жиҳознинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши, шунингдек импорти тўхтатилмайди.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтгач тиббий жиҳозларни реализация қилишга ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга, агар улар рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиши даврида ишлаб чиқарилган бўлса, рухсат этилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати узайтирилганидан сўнг 180 календарь кун давомида тиббий жиҳозларнинг олдинги рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ ишлаб чиқарилишига ва импорт қилинишига, сифат назорати ўтказилишига, реализация қилинишига ҳамда яроқлилик муддатлари ўтгунига қадар муомалада бўлишига рухсат этилади.

### **7-боб. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва уни тугатиш**

29. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва уни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунининг 32 — 34-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

30. Мазкур Низомнинг 9-банди учинчи — тўртинчи ва олтинчи — тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган рўйхатдан ўтказиш талаблари ва шартларининг бузилиши бир маротаба кўпол равишда бузилиш деб баҳоланади ва гувоҳноманинг амал қилишини белгиланган тартибда бекор қилиш учун асос бўлади.

**8-боб. Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар давлат реестри**

31. Марказ Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар давлат реестрини (кейинги ўринларда — Давлат реестри) юритади. Давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

Давлат реестрининг тиббий жиҳозларга тегишли бўлимларида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- тиббий жиҳоз номи (модель, модификация, версия, формат, ўлчам);
- ишлаб чиқарувчи давлатнинг номи;
- ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқувчининг) номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлати, ишлаб чиқариш майдони манзил(лар)и;
- тиббий жиҳознинг қўлланилиш соҳаси;
- гувоҳнома рақами;
- гувоҳнома берилган сана;
- зарур ҳолларда, гувоҳномага ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилган сана;
- потенциал хавф синфи;
- тиббий жиҳозлар номенклатураси (мавжуд бўлса).

32. Давлат реестридаги маълумотлар барча танишиши учун очиқ ҳисобланади.

**9-боб. Яқунловчи қоида**

33. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**740** Истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг хорижда мақсадли стажировкасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлаш, уларда касбий кўникмаларини ривожлантириш ва рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 5 майдаги ПФ–77-сон ҳамда «Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–78-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ–77-сон Фармонига мувофиқ истиқболли мутахассисларнинг хорижий университетлар, илмий марказлар, компания ва ташкилотларда мақсадли стажировкасини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ–78-сон Фармонига мувофиқ:

2026 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида муддати 6 ойгача бўлган қайта тайёрлаш дастурлари жорий этилиши;

давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Истиқболли мутахассисларнинг «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан мақсадли стажировкасини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида қайта тайёрлаш таълим дастурлари учун номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан биргаликда Ташқи ишлар вазирлигининг кўмагида салоҳиятли тингловчиларни хорижий давлатларда мақсадли стажировка ўташини ташкил этиш, уларнинг консуллик ҳисобида туришини ҳамда хориждаги стажировка жараёни доимий равишда кузатиб борилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 26 ноябрь,  
743-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 26 ноябрдаги 743-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Истиқболли мутахассисларнинг «Эл-юрт умиди» жамғармаси  
маблағлари ҳисобидан мақсадли стажировкасини ташкил  
этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари стратегик корхоналари, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари истиқболли мутахассисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда — «Эл-юрт умиди» жамғармаси) томонидан қисман ёки тўлиқ молиялаштириладиган ривожланган мамлакатлардаги етакчи университетлар, илмий марказлар, турли компания ва ташкилотларда мақсадли стажировкасини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**буюртмачи ташкилотлар** — номзодларни мақсадли стажировкага юбориш учун тавсия этадиган вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлар ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар;

**мақсадли стажировка** — мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи устувор соҳаларда буюртмачи ташкилотлар мутахассисларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини замон талабларига мувофиқ ривожлантириш мақсадида хорижий ҳамкор ташкилотларда 1 ойдан 6 ойгача бўлган муддатда амалий тажриба олиш жараёни;

**мақсадли стажировка иштирокчиси** — мақсадли стажировкага танлов асосида қабул қилинган ва хорижий ташкилотда стажировка ўтаётган мутахассис;

**номзод** — мақсадли стажировкага буюртмачи томонидан тавсия этилган истиқболли мутахассис;

**хорижий ҳамкор ташкилот** — «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва (ёки) буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларига эга бўлган ҳамда ўза-

ро келишув ёки шартномага мувофиқ мақсадли стажировка бевосита ўталадиган хорижий таълим, илмий ёки бошқа ташкилот.

3. Вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар учун буюртмачи ташкилот томонидан «Эл-юрт умиди» жамғармасининг имкониятларидан келиб чиқиб, хорижий ҳамкор ташкилотлар иштирокида бошқа стажировкалар ташкил этилиши мумкин.

Мазкур стажировкаларни ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби «Эл-юрт умиди» жамғармаси Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

4. Буюртмачи ташкилотлар томонидан «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан мақсадли стажировкага юборилган ходимнинг стажировка муддати давомида эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланиши таъминланади, шунингдек, ушбу ходимларни хизмат бўйича биринчи навбатда ўстириш чоралари кўрилади.

5. Мақсадли стажировкани ўтаган мутахассисларга тўлиқ бандлик режимида икки йил буюртмачи ташкилотда узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

## **2-боб. Мақсадли стажировка йўналишларини шакллантириш ва номзодларни саралаб олиш тартиби**

6. Мақсадли стажировкага юбориш бўйича таклифларни умумлаштириш, номзодларни саралаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан амалга оширилади.

7. Буюртмачи ташкилотлар ҳар йили 10 ноябрга қадар кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжлар тўғрисида лавозим ва йўналишлар кесимида, танланган номзодларнинг стажировкасини ташкил қилиш мумкин бўлган хорижий ташкилотлар ва стажировка муддати бўйича асослантирилган маълумотларни, шунингдек, номзодлар стажировкани тамомлагач бажарадиган вазифалари ва эришиши лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар рўйхатини ўрганиб чиқиш ва умумлаштириш учун Агентликка тақдим этади. Бунда:

мақсадли стажировкани ташкил этишга бўлган эҳтиёж асослантирилиши, шу жумладан, уни мамлакатимиздаги ташкилотларда амалга оширишдан фарқли жиҳатлари санаб ўтилиши;

мақсадли стажировка ўташ таклиф этилаётган хорижий ҳамкор ташкилот ҳақида маълумот ва унда стажировка ўташ имкониятлари мавжудлиги (тегишли ёзишмалар ёки келишувни илова қилган ҳолда);

мақсадли стажировка ўташнинг муддатлари ҳамда у билан боғлиқ харажатлар;

мақсадли стажировкадан кутилаётган натижалар акс эттирилиши лозим.

8. Агентлик буюртмачи ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлили асосида тармоқ йўналишлари бўйича стажировка дастурининг хорижий мамлакатлар кесимидаги квоталарини белгилаш учун асослантирилган таклифларни ҳар йили 10 декабрга қадар

«Эл-юрт умиди» жамғармасининг Бошқарув кенгаши мажлисларида кўриб чиқиш учун «Эл-юрт умиди» жамғармасига тақдим этади.

9. «Эл-юрт умиди» жамғармасининг Бошқарув кенгаши ҳар йили 15 январга қадар Агентлик томонидан тақдим этилган асослантирилган таклифлар асосида тармоқ йўналишлари бўйича стажировка дастурининг хорижий мамлакатлар кесимидаги квоталарини тасдиқлайди.

10. Стажировка ташкил этиладиган хорижий ташкилотлар ва стажировка муддати буюртмачи ташкилотлар, Агентлик ва «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда белгиланади.

Мақсадли стажировка дастурининг хорижий мамлакатлар кесимидаги тасдиқланган квоталари, уларнинг йўналишлари ва муддатлари бўйича маълумотлар Агентлик ва «Эл-юрт умиди» жамғармасининг расмий веб-саҳифаларида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда эълон қилинади.

11. Буюртмачи ташкилотлар ҳар йили 1 февралга қадар мақсадли стажировкага юбориладиган номзодлар рўйхатини шакллантириб, расмий хат асосида Агентликка тақдим этади.

Бунда буюртмачи ташкилотлар биринчи навбатда, Миллий кадрлар захираси таркибига киритилган номзодларни рўйхатга киритиши лозим.

Буюртмачи ташкилотлар томонидан номзодлар рўйхатини шакллантиришда қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

стажировка дастурига мос мутахассислиги бўйича камида 3 йиллик иш тажрибаси, шу жумладан охириги 12 ой давомида ушбу соҳада ишлаган бўлиши;

давлат тилини билиши;

стажировка ўташ режалаштирилган хорижий ташкилотнинг шартсиз таклифномаси (молиявий шартлар бундан мустасно) мавжудлиги (буюртмачи томонидан тавсия этилган номзодлар учун).

12. Буюртмачи ташкилотлар томонидан мақсадли стажировкага юбориладиган номзодлар рўйхатини шакллантириб, Агентликка тақдим этишда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Жамғарма ижрочи директори номига белгиланган шаклдаги ариза (стажировкани амалга ошириш бўйича танланган мутахассислик, хорижий мамлакат ва хорижий ташкилот кўрсатилган ҳолда);

иш жойи ва лавозими сақланиши ёки тегишли таълим дастури тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш бўйича мажбуриятлар акс этган буюртмачи ташкилотнинг кафолат хати;

стажировка ўташ режалаштирилган хорижий ташкилотнинг шартсиз таклифномаси (молиявий шартлар бундан мустасно);

буюртмачи ташкилот ва стажировка ўташ режалаштирилган ташкилот томонидан ишлаб чиқилган стажировка дастури;

стажировкадан кейинги икки йил давомида бажариши лозим бўлган аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичлар.

Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар шакллари Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва буюртмачиларга ҳар йили 1 январга қадар тақдим этилади.

13. Мақсадли стажировка дастурида қуйидаги шахслар иштирок эта олмади:

а) 25 ёшдан кичик бўлганлар;

б) аввал айна ёки турдош йўналиш бўйича хорижда мақсадли стажировка ўтаб, узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти муддати тугамаганлар;

в) коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахслар;

г) оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар.

14. Агентлик буюртмачи ташкилотлар томонидан тақдим этган номзодлар тўғрисидаги ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганади.

15. Ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаган ёки тақдим этилган ҳужжатлари белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда, камчиликларни бартараф этиш учун буюртмачига уч иш кунидан иборат муддат берилади.

16. Белгиланган муддатда буюртмачи ташкилотлар томонидан камчиликлар бартараф этилмаганда, номзодлар Агентлик томонидан танловдан чиқарилади.

17. Мақсадли стажировкага номзодларни саралаш бўйича Агентликда камида етти кишидан иборат, тоқ сонда бўлган танлов комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) тузилади.

Комиссия таркибига Агентлик, «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси вакиллари киритилади, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ҳамда мустақил экспертлар жалб этилиши мумкин.

Бунда Агентлик директори ўринбосарларидан бири Комиссия раиси этиб белгиланади.

18. Саралаш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

тест синовлари — билим ва кўникмаларини аниқлаш;

номзодлар билан суҳбат — уларнинг касбий салоҳияти, хорижий тил билиш даражаси ва касбий ҳамда малакавий ривожланишга бўлган интилишини баҳолаш.

19. Тавсия этилган номзодлар интеллект даражаси (IQ-тест), психологик барқарорлик, давлат тилини билиш, рақамли технологиялар ҳамда сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар соҳасидаги билим даражасини аниқлаш бўйича Агентликнинг худудий филиаллари базасида Агентлик ҳузуридаги Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази (кейинги ўринларда — Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази) томонидан марказлаштирилган тартибда онлайн режимида тест синовларидан ўтказилади.

20. Раҳбар кадрларни баҳолаш марказида тест синовларидан 71 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга номзодлар суҳбат жараёнига жалб этилади.

21. Саралаш жараёни шаффоф ва адолатли ўтказилади. Суҳбат жараёнлари видеотасвирга ёзиб олинади ҳамда онлайн режимда видеотрансляция қилиниши мумкин.

22. Суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади. Комиссия то-

монидан якка тартибда, ҳар бир номзод билан алоҳида ўтказилади. Унда номзоднинг қуйидаги компетенциялари баҳоланади:

давлат сиёсатини тушуниш ва таҳлил қилиш, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалари бўйича билими (25 балл);

стажировка ўташда зарур бўладиган хорижий тилни билиш даражаси (15 балл);

стратегик фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилияти (20 балл);

эмоционал барқарорлик ва стрессга чидамлик (20 балл);

лидерлик қобилиятлари ва жамоа билан ишлаш салоҳияти (10 балл);

ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва масъулият ҳисси (10 балл).

Номзодларнинг якуний натижалари комиссия аъзолари томонидан суҳбат натижасига кўра қўйган балларнинг қўшган ҳолдаги ўртачасидан келиб чиқиб аниқланади ва комиссиянинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Суҳбат жараёни онлайн шаклда ўтказилиши мумкин.

23. Суҳбатдан энг юқори балл тўплаган номзодлар баллар рейтинги асосида мазкур Низомнинг 9-бандига мувофиқ тасдиқланадиган квота доирасида мақсадли стажировкага тавсия этилади.

24. Агентлик томонидан ўтказиладиган танлов натижалари асосида ҳар йили 1 апрелга қадар танлов ғолиблари аниқланади ва «Эл-юрт умиди» жамғармасининг Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун «Эл-юрт умиди» жамғармасига тақдим этилади.

25. Танлов ғолиблари рўйхати Агентлик ва «Эл-юрт умиди» жамғармасининг расмий веб-саҳифаларида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

26. «Эл-юрт умиди» жамғармаси Бошқарув кенгаши қарорига асосан ғолиб деб топилган мутахассислар, «Эл-юрт умиди» жамғармаси, Агентлик, буюртмачи ташкилот ва молиявий (қўшимча) кафил ўртасида шартнома тузилади.

Мутахассисларнинг хорижда мақсадли стажировкани ўташи, яшаш ва юриш-туриш тартиб-қоидалари ҳамда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу шартномада белгилаб қўйилади.

### **3-боб. Номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби**

27. Тест ва суҳбат натижалари бўйича номзодларнинг шикоятлари, улар эълон қилинган санадан бошлаб икки иш куни ичида Агентликка ёзма шаклда тақдим этилади.

Суҳбат натижаларига кўра номзоднинг мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида ёзиб олинган видеотасвир ўрганилади ҳамда ушбу Низом тартибига риоя қилинганлик ҳолати кўриб чиқилади.

28. Баҳолаш натижаларидан норози бўлган номзодларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Агентликда уч кишидан иборат таркибда апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссиясига Агентлик директорининг Комиссияга раислик қилмаган бошқа ўринбосарларидан бири раис этиб белгиланади ва унинг таркиби Комиссия ишида иштирок этмаган шахслардан тузилади.

29. Апелляция комиссияси шикоятни у берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқиб, қарор қабул қилади.

Бунда Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни асосланган деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантириш;

шикоятни асоссиз деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантиришни рад этиш.

30. Апелляция комиссияси қарор қабул қилинган куни номзодни шикоят қаноатлантирилган ёки рад этилганлигини кўрсатган ҳолда, ёзма равишда хабардор қилади.

#### **4-боб. Мақсадли стажировкаларни ташкил этиш тартиби**

31. Мақсадли стажировкага юбориладиган мутахассисларнинг стажировка ўташда зарур бўладиган хорижий тилни ўрганиши учун буюртмачи ташкилот томонидан тегишли шароитлар яратиб берилади, шу жумладан, хорижий тилни ўрганиш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

Айрим ҳолларда таржимон хизматидан фойдаланиш орқали мақсадли стажировка дастури ташкил этилиши мумкин.

32. «Эл-юрт умиди» жамғармаси хорижда мақсадли стажировка нархлари, муддатлари ва шарт-шароитларининг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, мақсадли стажировка иштирокчиси учун нисбатан афзал бўлган хорижий ташкилотни танлаш ҳуқуқига эга.

33. Мақсадли стажировка дастури «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан хорижий ҳамкорлар билан тузилган келишувлар асосида махсус назарий ёки ўқув-амалий курслар, тадқиқот, ўқув модуллари ва цикллар кўринишида ташкил этилади.

34. Мақсадли стажировкага юборилган мутахассис мақсадли стажировка давомида:

мақсадли стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши;

мақсадли стажировкани ташкил этиш ва ундан ўтиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши;

мақсадли стажировка дастурида назарда тутилган барча тадбирларни белгиланган муддат ичида, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;

амалий фаолиятда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳужжатлар намуналари ва бошқа муҳим материаллар тўпламини юритиши;

тегишли ташкилотда ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилиши шарт.

35. Мақсадли стажировка «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари, шунингдек, хорижий грантлар ва буюртмачилар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

36. Мақсадли стажировка дастури доирасида қуйидаги харажатлар қопланади:

мақсадли стажировка ўташ бўйича хорижий ташкилотга тўланадиган стажировка учун тўлов;

виза харажатлари;

мақсадли стажировка даврида тиббий суғурталаш харажатлари;

барча турдаги транспорт воситалари билан стажировкадан ўтиш жойигача бўлган йўлқира харажатлари (иккала томонга, кўпи билан бир марта); мақсадли стажировка дастури билан боғлиқ турар-жой, кунлик харажатлар.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси Бошқарув кенгаши қарорига кўра мақсадли стажировкага юборилган мутахассиснинг хорижда стажировкаси билан бевожуб боғлиқ бўлган бошқа харажатлар ҳам қопланиши мумкин.

37. Мақсадли стажировка дастурини молиялаштириш бир номзод учун энг юқори миқдори ва молиялаштириш тартиби «Эл-юрт умиди» жамғармасининг Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

### **5-боб. Мақсадли стажировкага юборилган мутахассисларнинг стажировка ўташини ва кейинги меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш**

38. «Эл-юрт умиди» жамғармаси мақсадли стажировкага юборилган мутахассисларнинг стажировкани ўташ жараёнлари мониторингини олиб боради.

39. «Эл-юрт умиди» жамғармаси мақсадли стажировкани ўтаётган мутахассисларнинг стажировка жараёни ҳамда хориждаги ҳаёти ва ижтимоий ҳолатига тегишли бўлган маълумотларни олиб туриш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатдаги Элчихонаси ёки консуллик хизмати кўмагидан фойдаланади.

40. Буюртмачи ташкилотлар ходимларининг мақсадли стажировкасини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатдаги Элчихонаси ёки консуллик хизмати билан биргаликда стажировкага юборилган мутахассиснинг консуллик ҳисобида туришини таъминлайди, хориждаги ҳаёти ва соғлиғидан, шунингдек, уларнинг стажировкаси, моддий ва маиший аҳволдан хабардор бўлиб боради ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан ҳамкорликда унинг муаммоларини бартараф этиш чораларини кўради.

41. Мақсадли стажировка дастури бўйича белгиланган муддат тугаганидан сўнг мутахассис узоғи билан бир ҳафта ичида Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиши талаб этилади.

42. Мақсадли стажировкага юборилган мутахассислар томонидан стажировкани ўташ якунлари бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасига стажировка якунлангандан сўнг 15 (ўн беш) иш куни ичида қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилади:

а) мақсадли стажировка якунлари бўйича ҳисобот;

б) молиявий ҳисобот, шу жумладан мақсадли стажировка ўташ бўйича хорижий ташкилотга стажировка учун тўлов тўланганини тасдиқловчи ҳужжат (агарда тўловлар мутахассис банк пластик картаси орқали ўтказилган бўлса);

в) мақсадли стажировка ўтаганлиги бўйича сертификат ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

43. Мақсадли стажировкани ўтаган мутахассислар қайтгандан сўнг, хо-

рижда олган илғор назарий билим ва тажрибаларини амалиётга жорий этиши ҳамда хизмат бўйича ўсишига зарур шароитлар яратиб боришга тегишли буюртмачи ташкилотлар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

Мазкур жараёнлар Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади ва мониторинг қилиб борилади. Бунда мониторинг икки йил давомида бир йилда камида икки мартаба хорижда мақсадли стажировкани ўтаган мутахассисларнинг узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти ўталаётган тегишли ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида амалга оширилади.

44. «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан мақсадли стажировка ўтаган мутахассислар томонидан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, сарфланган барча харажатларнинг икки баробари миқдорида мақсадли стажировка ўтаган мутахассиснинг ўзи ва молиявий (қўшимча) кафиллари томонидан қопланади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоида**

45. Мазкур Низомнинг талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 26 ноябрдаги 743-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида қайта тайёрлаш  
таълим дастурлари учун номзодларни саралаш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида (кейинги ўринларда — Академия) давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) ходимлари учун муддати 6 ойгача бўлган қайта тайёрлаш таълим дастурларига номзодларни саралаш тартибини белгилайди.

2. Академияда муддати 6 ойгача бўлган қуйидаги қайта тайёрлаш таълим дастурлари (кейинги ўринларда — қайта тайёрлаш дастурлари) жорий этилади: геосиёсат, глобал хавфсизлик, барқарор ривожланиш, лойиҳа бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва бошқа долзарб йўналишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига мувофиқ ташкил этиладиган махсус курслар;

ташаббускор аёлларнинг раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш ва уларни давлат хизматига тайёрлаш учун «Раҳбар аёллар» дастури;

истиқболли ёшларни давлат хизматига жалб этиш ҳамда ёш давлат хизматчиларининг етакчилик ва бошқарувчилик қобилиятларини ривожлантириш учун «Келажак лидерлари» дастури;

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбар ва бошқарув кадрлари ҳамда мазкур лавозимларга номзодлар учун «Тизимли таҳлил, стратегик режалаштириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш» дастури;

ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда мазкур лавозимларга номзодлар учун «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш» дастури;

давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар сиёсатига масъул таркибий тузилма раҳбарлари учун «Кадрлар захирасини шакллантириш ва инсон ресурсларини ривожлантириш» дастури;

давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари бўйича лойиҳавий бошқарув ва мониторинг кўникмаларини ривожлантириш учун «Давлат дастурлари ва лойиҳаларини самарали бошқариш» дастури.

3. Академияда қайта тайёрлаш дастурлари учун номзодларни саралашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ва ташкилотларида фаолият олиб бораётган юқори ма-лакали кадрларни аниқлаш;

давлат хизматчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, интеллектуал ва профессионал салоҳиятни ҳамда ташаббускорлик ва етакчилик фазилатларини баҳолаш;

етакчилик фазилатлари ва бошқарувчилик билимлари юқори даражада бўлган истиқболли раҳбар ходимларни танлаш ва махсус ўқувларга жалб қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари учун истиқболли бошқарув кадрлари захирасига номзодларни шакллантириш.

4. Қайта тайёрлаш дастурлари учун номзодларни саралаш қонунийлик, ҳолислик, шаффофлик, коллегиялик ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ўтказилади.

5. Қайта тайёрлаш дастурларига номзодларни саралаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

6. Агентлик ҳар бир қайта тайёрлаш дастурларига қабул қилиш жараёни бўйича саралаш босқичларини ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар, хужжатларни тақдим этиш шакли ва муддатлари ҳамда бошқа зарур масалалар юзасидан саралаш бошланишидан камида 15 кун олдин давлат органлари ва ташкилотларига маълум қилади.

7. Қайта тайёрлаш дастурларига оид маълумотлар Агентлик ҳамда Академиянинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилиб борилади.

## **2-боб. Қайта тайёрлаш дастурлари учун номзодларни дастлабки саралаш тартиби**

8. Қайта тайёрлаш дастурлари учун номзодларни дастлабки саралаш давлат органлари ва ташкилотларида номзодларни саралаб олиш бўйича ҳар йили 1 апрелга қадар идоравий комиссия (кейинги ўринларда — Идоравий комиссия) тузилади.

Идоравий комиссия ҳудудларнинг, иқтисодиёт тармоқлари ва ташкилотларнинг бошқарув кадрларига бўлган жорий ва келажакдаги талаб-эҳтиёжлари ўрганиб чиқади ҳамда шу асосда ходимлар, ташаббускор аёллар, истиқболли ёшлардан иборат қайта тайёрлаш дастурлари саралаш босқичида иштирок этиш учун номзодлар рўйхатини шакллантиради.

9. Номзодлар олий маълумотли ва камида 2 йил бошқарув лавозимларида иш тажрибасига эга бўлган, давлат бошқаруви ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида самарали фаолият олиб бораётган, «Келажак лидерлари» дастури учун 25 ёшдан 35 ёшгача (35 ёш ҳам қўшилган ҳолда), қолган дастурларга 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган (45 ёш ҳам қўшилган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари номзод бўлишлари мумкин.

Бунда қайта тайёрлов дастурларига номзод сифатида кадрлар захирасига киритилган (Миллий кадрлар захираси, Салоҳиятли кадрлар захираси, Истиқболли кадрлар захираси каби) давлат хизматчилари ҳамда фуқаролик

жамияти институтлари ва тадбиркорлик субъектлари ходимлари тавсия этилиши мумкин.

Кадрлар захирасига киритилган давлат хизматчилари орасидан етарлича номзодлар шаклланмаган ҳолатда, ташкилот тизимида фаолият юритаётган бошқа бошқарув ходимлари тавсия қилиниши мумкин.

10. Қайта тайёрлаш дастурларида иштирок этишлари учун номзодлар дастлаб ҳар йили 15 апрелга қадар Идоравий комиссияга мурожаат қилади ва тегишли ҳужжатларини тақдим этади.

11. Идоравий комиссия номзод ва унинг ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганиб, қайта тайёрлаш дастурлари талабларига мос келадиган номзодларнинг рўйхатини шакллантиради ва ҳар йили 1 майга қадар Агентликка тавсия этади.

### **3-боб. Қайта тайёрлаш дастурларида таҳсил оладиган давлат хизматчилари контингентини шакллантириш тартиби**

12. Қайта тайёрлаш дастурларида таҳсил оладиган давлат хизматчилари контингентини саралаш ва шакллантириш бўйича ҳар йили 1 июнга қадар Агентликда камида етти кишидан иборат, тоқ сонда бўлган махсус комиссия тузилади.

Махсус комиссия таркибига Агентлик, Академия вакиллари киритилади, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ҳамда мустақил экспертлар жалб этилиши мумкин.

Агентлик директори ўринбосарларидан бири Комиссия раиси этиб белгиланади.

13. Махсус комиссия томонидан номзодларни саралаш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) тест синовлари — Агентлик ҳузуридаги Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази (кейинги ўринларда — Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази) томонидан интеллект даражаси (IQ-тест), психологик барқарорлик, давлат тилини билиш, ахборот технологиялари ҳамда сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар соҳасидаги билим ва кўникмаларини аниқлаш мақсадида марказлаштирилган тартибда онлайн режимда тест синовларидан ўтказилади.

Бунда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган номзодлардан тест синовларини ўтказиш Агентликнинг ҳудудий филиаллари ахборот технологиялари базасидан фойдаланган ҳолда шартнома асосида ташкил этилади. Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппарати номзодлари Агентликнинг Тошкент шаҳри филиалига бириктирилади;

б) номзодлар билан суҳбат — уларнинг касбий салоҳияти, билим даражаси ҳамда малакавий ривожланишга бўлган интилиши баҳоланади.

Раҳбар кадрларни баҳолаш марказида тест синовларидан 71 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга номзодлар суҳбат жараёнига жалб этилади.

14. Саралаш жараёни шаффоф ва адолатли ўтказилади. Суҳбат жараёнлари видеотасвирга ёзиб олинади ҳамда онлайн режимда видеотрансляция қилиниши мумкин.

15. Сухбат натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади. Сухбат махсус комиссия томонидан яқка тартибда, ҳар бир номзод билан алоҳида ўтказилади. Унда номзоднинг қуйидаги компетенциялари баҳоланади:

давлат сиёсатини тушуниш ва таҳлил қилиш, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалари бўйича билими (25 балл);

стратегик фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилияти (20 балл);

эмоционал барқарорлик ва стрессга чидамлилиқ (20 балл);

хорижий тилни билиш даражаси (15 балл);

лидерлик қобилиятлари ва жамоа билан ишлаш салоҳияти (10 балл);

ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва масъулият ҳисси (10 балл).

Номзодларнинг якуний натижалари комиссия аъзолари томонидан сухбат натижасига кўра қўйган балларнинг қўшган ҳолдаги ўртачасидан келиб чиқиб аниқланади.

Сухбат жараёни онлайн шаклда ўтказилиши мумкин.

16. Сухбатдан энг юқори балл тўплаган номзодлар Академиянинг қабул параметрларида белгиланган квота доирасида мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган қайта тайёрлаш дастурларининг бирида иштирок этиш учун ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида тавсия этилади.

17. Агентлик қайта тайёрлаш таълим дастурларида иштирок этиш учун тавсия этилган номзодларни ҳар йили 1 июлга қадар Академияга тақдим этади.

18. Ўқув жараёнлари бошлангунга қадар қайта тайёрлаш дастурлари учун номзодларни саралаш натижаларига кўра дастурларга тавсия қилинган, бироқ оилавий ва (ёки) шахсий сабаблар туфайли дастурда иштирок эта олмайдиган номзодлар аризаларига биноан рўйхатдан чиқарилиши мумкин. Бунда мазкур номзод ўрнига натижалар кетма-кетлигидаги кейинги номзод Агентлик томонидан ўқувларга тавсия этилиши мумкин.

19. Қайта тайёрлаш дастурларига тавсия қилинган номзодлар рўйхати апелляция комиссияси қарори инobatга олинган ҳолда махсус комиссиянинг баёни билан тасдиқланади. Мазкур баён асосида Академия ректори томонидан белгиланган тартибда тингловчиларни қайта тайёрлаш дастурига ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилинади.

#### **4-боб. Номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби**

20. Тест ва сухбат натижалари бўйича номзодларнинг шикоятлари, улар эълон қилинган санадан бошлаб икки иш қуни мобайнида Агентликка ёзма шаклда тақдим этилади.

Сухбат натижаларига кўра номзоднинг мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида ёзиб олинган видеотасвир ўрганилади ҳамда ушбу Низом тартибига риоя қилинганлик ҳолати кўриб чиқилади.

21. Баҳолаш натижаларидан норози бўлган номзодларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Агентликда уч кишидан иборат таркибда апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссиясига Агентлик директорининг махсус комиссияга раислик қилмаган бошқа ўринбосарларидан бири раис этиб белгиланади ва

унинг таркиби махсус комиссия ишида иштирок этмаган шахслардан тузилади.

22. Апелляция комиссияси шикоятни у берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқади.

Бунда Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни асосланган деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантириш;

шикоятни асоссиз деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантиришни рад этиш.

23. Апелляция комиссияси қарор қабул қилинган куни номзодни шикоят қаноатлантирилган ёки рад этилганлигини кўрсатган ҳолда, ёзма равишда хабардор қилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоида**

24. Мазкур Низомнинг талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**741 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 25 декабрдаги ПҚ–455-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлашда ер тури ва тупроқ бонитет балли ҳамда базавий ҳисоблаш микдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш тартибини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

қишлоқ хўжалиги ерларидаги экин ерлари, боғ, токзор ва бошқа кўп йиллик дарахтлар ҳамда ушбу ерларга экилган қишлоқ хўжалиги экин турлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси (кейинги ўринларда — Агропортал)да шакллантириш ва янгилаб бориш;

Агропорталдаги маълумотлар Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари норматив қийматини (кейинги ўринларда — норматив қиймат) аниқлашда асос қилиб олиниши;

норматив қиймат Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда — «Ўздаверлойиха» ДИЛИ) томонидан аниқланиши;

норматив қиймат тўғрисидаги маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали «Ўздаверлойиха» ДИЛИ томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасига тақдим қилиниши.

2. Белгилансинки:

Агропорталга қишлоқ хўжалиги ерларидаги экин ерлари, боғ, токзор ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда ушбу ерларга экилган қишлоқ хўжалиги экин турлари тўғрисидаги маълумотлар туманлар (Қувасой шаҳри) қишлоқ хўжалиги бўлимлари ҳамда «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан киритилади;

Агропорталга киритилган маълумотлар асосида Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари норматив қиймати «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аниқланади.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ солинадиган база тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги устидан назоратни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 18 августдаги 235-сон қарори 2025 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор 2026 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 26 ноябрь,  
744-сон

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 26 ноябрдаги 744-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив  
қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари норматив қийматини аниқлаш тартибини белгилайди.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчисининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари норматив қиймати қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдо орқали реализация қилиш, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархини аниқлаш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда аниқланади.

Ушбу Низом талаблари жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган ер участкаларининг, шахсий томорқа ер участкаларининг қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив қийматини аниқлашга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**асосий қишлоқ хўжалиги экинлари** — маъмурий минтақада кичик майдонларни эгаллаган қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта, бугдой, шоли, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, картошка, кўп йиллик мевали дарахтлар, ем-хашакбоп илдизмевали ўсимликлар, бир йиллик ўтлар, беда, маккажўхори, тамаки);

**иморатлар ва иншоотлар** — қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган иморатлар, иншоотлар, омборлар, дала шийпонлари ва майдонлар;

**норматив қийматни аниқлаш даври** — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди қамраб олинган ҳолда ягона кўрсаткичлар бўйича ерларни баҳолаш ишлари ўтказиладиган давр;

**рентабеллик** — фойданинг сарфланган харажатларга нисбатан фоизда ифодаланган кўрсаткичи, бизнеснинг фойда келтириш даражаси;

**суғориладиган минтақа** — қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар;

**тупроқ бонитировкаси** — қишлоқ хўжалиги экинларининг тупроқ сифатини ўртача агротехника даражасида ва табиий етиштириш унумдорлигини 100 балли шкала бўйича қиёсий баҳолаш;

**фойда** — бизнес ёки лойиҳанинг сарф-харажатларидан ортган, унинг даромадидан ортиқча бўлган қисми;

**ўртача бонитет балли** — тупроқ турлича бонитет балларига эга бўлган ҳолларда норматив қийматни аниқлаш объектининг, уларнинг ҳар бирининг майдони ҳисобга олинган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари билан банд бўлган ҳудудга нисбатан ҳисоблаб чиқариладиган кўрсаткич;

**қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сифати** — тупроғининг унумдорлиги (бонитет балли), табиий ем-хашак экин майдонларининг (яйлов турлари) сифати ҳолати бўйича қишлоқ хўжалиги экин майдонлари хусусиятининг интеграл ифодаси;

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қиймати** — норматив кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда аниқланадиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари қиймати;

**қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари** — қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш натижасида олинадиган маҳсулот (пахта, буғдой, шоли, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, картошка, мевалар, узум, тамаки);

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** — мунтазам равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида ёки чорва учун табиий ем-хашак манбаи сифатида фойдаланиладиган ерлар, уларнинг таркибига суғориладиган ва суғорилмайдиган экин ерлари, кўп йиллик дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, резаворзорлар ва бошқа мевали дарахтлар), бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар киради;

**қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси** — қишлоқ хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик ёки жисмоний шахслар, шунингдек, деҳқон хўжаликлари.

3. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг норматив қийматига (кейинги ўринларда — норматив қиймат) ер билан бевосита боғлиқ бўлган объектлар (суғориш ва коллектор-дренаж тармоғи, йўллар) қиймати киритилмайди.

4. Норматив қиймат норматив кўрсаткичларни, ер кадастри, экилган қишлоқ хўжалиги экинлари ва тупроқ бонитет балли маълумотларини ҳисобга олган ҳолда фойда, рентабеллик асосидаги даромадли ёндашувдан фойдаланиб аниқланади. Норматив қийматни аниқлаш натижалари давлат ер кадастрига киритилади.

5. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари норматив қийматни аниқлаш объекти ҳисобланади.

6. Норматив қиймат миқдорини аниқлаш ушбу Низом билан тартибга солинадиган ишларнинг предмети ҳисобланади.

7. Норматив қиймат ҳар йили норматив қийматни аниқлаш даврида аниқланади. Норматив қийматни аниқлаш даврлари оралиғида норматив қийматни аниқлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

8. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қиймати ушбу Низомга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ аниқланади.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 2-боб. Норматив қийматни аниқлаш

### 1-§. Норматив қийматни аниқлашнинг умумий масалалари

9. Норматив қиймат Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда — «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИ) томонидан аниқланади.

10. Норматив қиймат ишлаб чиқариш ресурси сифатида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир қишлоқ хўжалиги ер участкалари ва ердан фойдаланувчилар бўйича аниқланади.

11. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бир гектар ернинг норматив қийматини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

ер участкасининг қишлоқ хўжалиги ер тури;

тупроқнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичлари;

қишлоқ хўжалиги экинлари, кўп йиллик дарахтлар ва ем-хашакбоп экин майдонларининг норматив ҳосилдорлиги;

базавий ҳисоблаш миқдори;

фойда рентабеллиги;

ер участкасини ижарага олиш муддати;

минтақавий коэффициент;

сув билан таъминланганлик коэффициенти;

ҳосил нобуд бўлишини ҳисобга олиш коэффициенти;

экин турларининг норматив ҳосилдорлик коэффициенти.

12. Норматив қийматни аниқлашда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг контурлар бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлиги, тупроқнинг сифати, экин майдонлари тузилмаси ва суғориш учун сув чиқариш усули (оқар сув ёки машина усули) ҳисобга олинади.

### 2-§. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини ҳисоблаб чиқариш

13. Суғориладиган экин ерларининг норматив қийматини аниқлашда ҳар бир контурдаги тупроқнинг унумдорлиги (бонитет балли) аниқлаб олинади.

Норматив қийматни аниқлашда — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бонитет балли бир бонитет балли ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, бир бонитет балли нархи ҳисоб-китоб қилинади.

Асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив ҳосилдорлиги тупроқлар ўртача бонитет балли билан қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг тупроқ бонитетининг бир бонитет баллига мос норматив ҳосилдорликнинг йиғиндиси сифатида ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ белгиланади.

Бунда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги экинлари норматив ҳосилдорлиги ва уларни сотишдан олинadиган даромади бир бонитет балли учун норматив қийматни аниқлаш давридаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи этиб белгиланади.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг зарур ирригация-мелиорация инфратузилмаси билан таъминлангани аниқланади.

15. Суғориладиган бир гектар ернинг норматив қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$СН = ББ \times БХМ \times ФР \times МК \times СК \times ХН \times НХ \times ИМ, \text{ бунда:}$$

СН — суғориладиган экин ерларининг норматив қиймати, минг сўм;

ББ — ерларнинг бонитет балли (0-100 гача);

БХМ — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи, минг сўм;

ФР — бир йилда олинadиган фойда, рентабеллик даражаси (10 фоиз);

МК — минтақавий коэффициент;

СК — сув билан таъминланганлик коэффициенти;

ХН — ҳосил нобуд бўлишини ҳисобга олиш коэффициенти, агар кимёвий моддаларни қўллаш тақиқланган муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари жойлаштирилган бўлса;

НХ — экилган қишлоқ хўжалиги экинлари (боғ, токзор ва бошқа кўп йиллик дарахтлар)нинг норматив ҳосилдорлиги;

ИМ — ер участкасининг ижарага олинган муддати.

Экилган қишлоқ хўжалиги экин тури ҳамда мавжуд боғ, токзор ва бошқа кўп йиллик дарахтлар шу йилдан олдинги йилда туманлар (Қувасой шаҳри) қишлоқ хўжалиги бўлимлари ҳамда «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг мониторинг маълумотларига кўра, «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси таркибига кирувчи «Норматив қиймат» ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида аниқланади.

16. Хўжалик юритиш даражаси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши интенсивлиги ҳисобга олинadиган минтақавий коэффициент ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ белгиланади.

17. Товар ишлаб чиқарувчининг маблағлари ҳисобидан суғориш учун хўжалик ички суғориш тизимига сув чиқариш усули (оқар сув ёки машина усули) ҳисобга олинган коэффициент республика бўйича ягона ифодада барча суғориш майдонлари бўйича оқар сув билан суғориш улушига боғлиқ тарзда ушбу Низомга 4-иловага\* мувофиқ белгиланади.

18. Кимёвий моддаларни қўллаш тақиқланган муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари жойлаштирилган тақдирда, ҳосил нобуд бўлиши ва тегишли равишда қимматлилик йўқотилиши ҳисобга олинadиган коэффициент ушбу Низомга 5-иловага\* мувофиқ белгиланган тартибда мажбуриятлар билан чекланган ер участкасидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг бонитет балли ва улушига қараб республика бўйича ягона ифодада қабул қилинади.

19. Бир гектар боғ ва токзорнинг норматив қиймати ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган тартибда суғориладиган экин ерларининг норматив қийматини аниқлаш тартибида аниқланади. Бунда:

\* 3 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

саноатлашган боғ ва токзорларнинг норматив қиймати қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг суғориладиган экин ерлари норматив қиймати бўйича 0,4 коэффицентни қўллаш орқали аниқланади;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисида суғориладиган экин ери бўлмаган ҳолларда, саноатлашган боғ ва токзорларнинг норматив қиймати туман (Қувасой шаҳри) суғориладиган экин ерлари бўйича асосий экин майдонлари тузилмасидан фойдаланган ҳолда шартли равишда аниқланади.

Саноатлашган боғ ва токзорлар тўғрисидаги маълумотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари кесимида тақдим этилади.

20. Суғориладиган бир гектар ташландик (бўз) ерларнинг норматив қиймати 0,1 коэффицент қўлланган ҳолда суғориладиган экин ерларининг қиймати бўйича аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисида суғориладиган экин ери бўлмаган тақдирда, суғориладиган ташландик (бўз) ерларнинг норматив қиймати туман (Қувасой шаҳри) суғориладиган экин ерлари ўртача асосий экин майдонлари тузилмасидан фойдаланган ҳолда шартли равишда аниқланади.

21. Мевали дарахт кўчатзорлари, тутзорларнинг ва бошқа суғориладиган кўп йиллик дарахтлар экилган ерларнинг норматив қиймати қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг суғориладиган экин ерлари норматив қиймати бўйича 0,4 коэффицент қўллаш орқали аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисида суғориладиган экин ери бўлмаган ҳолларда, бундай ерларнинг норматив қиймати туман (Қувасой шаҳри) суғориладиган экин ерлари бўйича асосий экин майдонлари тузилмасидан фойдаланган ҳолда шартли равишда ҳисоблаб чиқилади.

22. Пичанзорлар ва яйловларнинг норматив қиймати уларнинг баландлик минтақаларида жойлашганидан келиб чиқиб:

чўл минтақасидаги пичанзор ва яйловлар учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг суғориладиган экин ерлари норматив қийматига 0,01 коэффицентни;

тоғолди ва тоғ минтақасидаги пичанзор ва яйловлар учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг суғориладиган экин ерлари норматив қиймати бўйича 0,04 коэффицентни қўллаш орқали аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисида суғориладиган экин ери бўлмаган ҳолларда, чўл минтақасидаги, тоғолди ва тоғ минтақасидаги пичанзор ва яйловларнинг норматив қиймати туман (Қувасой шаҳри) суғориладиган экин ерлари бўйича асосий экин майдонлари тузилмасидан фойдаланган ҳолда шартли равишда ҳисоблаб чиқилади.

23. Иссиқхоналар бўйича бир гектар ернинг норматив қиймати суғориладиган экин ерлари норматив қийматини аниқлаш тартибида туман (Қувасой шаҳри) бўйича ўртача кўрсаткич асосида 2,2 коэффицентни қўллаш орқали аниқланади.

### **3-§. Қишлоқ хўжалиги лалми экин майдонларининг норматив қийматини ҳисоблаб чиқиш**

24. Бир гектар лалми экин ерининг норматив ҳосилдорлиги, норматив унумдорлиги, ҳисоблаб чиқилган миқдори ва норматив қиймати ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ аниқланади. Бунда хўжалик ички суғориш тизимига сув чиқариш усули ҳисобга олинган ҳолда коэффициент норматив қийматни аниқлашда қўлланмайди.

25. Кўп йиллик лалми дарахтлар лалми экин ери сифатида, лалми ташландиқ (бўз) ерлар эса лалми экин ерлари сифатида 0,1 коэффициентни қўллаган ҳолда аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчисида лалми экин ерлари бўлмаган ҳолларда, унинг норматив қиймати шартли равишда туман (Қувасой шаҳри) лалми экин ерлари бўйича ўртача экин майдонлари тузилмасидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

### **4-§. Балиқчилик ҳовузлари, иморатлар ва иншоотлар билан банд бўлган ерларнинг, шунингдек, жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадларида ва деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш**

26. Балиқчилик ҳовузлари, иморатлар ва иншоотлар билан банд бўлган ерларнинг норматив қиймати фақат белгиланган мезонларга мувофиқ ер солиғининг тўловчилари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бўйича аниқланади.

Балиқчилик ҳовузлари билан банд бўлган ерларнинг норматив қиймати туман (Қувасой шаҳри) бўйича суғориладиган экин ерларининг ўртача норматив қиймати бўйича аниқланади.

Иморатлар ва иншоотлар билан банд бўлган ерларнинг норматив қиймати жойлашган минтақаси ва ихтисослашувига қараб, асосий қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг норматив қиймати бўйича 2,0 коэффициентни қўллаган ҳолда аниқланади.

Хўжаликларнинг ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда асосий қишлоқ хўжалиги ер майдонлари деганда:

суғориладиган ерлардаги пахтачилик-ғаллачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, шоличилик, тамакичилик ва чорвачилик хўжаликлари учун — суғориладиган экин ерлари (суғориладиган минтақа);

суғориладиган ерлардаги боғдорчилик-узумчилик хўжаликлари учун — суғориладиган боғлар, боғлар бўлмаса, токзорлар ёки бошқа кўп йиллик дарахтлар билан банд бўлган ерлар (суғориладиган минтақа);

лалми ерлардаги боғдорчилик-узумчилик хўжаликлари учун — лалми боғлар, боғлар бўлмаса, токзорлар ёки бошқа кўп йиллик дарахтлар билан банд бўлган ерлар (лалми-яйлов минтақаси);

яйловлардаги қорақўлчилик ва чорвачилик хўжаликлари учун — яйловлар (лалми-яйлов минтақаси);

лалми ерлардаги ғаллачилик ва чорвачилик хўжаликлари учун — лалми экин ерлари (лалми-яйлов минтақаси) тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари бўлмаган тақдирда, иморатлар ва иншоотлар билан банд бўлган ерларнинг норматив қиймати (суғориладиган ёки лалми-ҳайдов) асосий қишлоқ хўжалиги ер майдонлари жойлашган минтақада ўртача туман (Қувасой шаҳри) норматив қиймати бўйича 2,0 коэффициентни қўллаган ҳолда аниқланади.

27. Жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги ва деҳқон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерларнинг норматив қиймати мос равишда туман (Қувасой шаҳри) суғориладиган ёки суғорилмайдиган ерларининг ўртача норматив қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

### **3-боб. Норматив қийматни аниқлаш изчиллиги**

#### **1-§. Норматив қийматни аниқлаш изчиллигининг умумий масалалари**

28. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ер майдонлари норматив қийматни ҳисоблаб чиқишнинг бевосита бирламчи объектлари саналади. Юридик шахснинг фойдаланишидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари норматив қийматни аниқлаш объектлари ҳисобланади.

29. Норматив қийматни аниқлаш объектлари алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар (массивлар) чегараларида гуруҳларга бўлинади, улар бўйича картография материаллари нашр этилади ҳамда уларда тупроққа оид ва геоботаник тадқиқотлар натижалари акс эттирилади.

Норматив қийматни аниқлаш бирламчи объектларининг дастлабки ер-ҳисобга олиш ва натижали ер-баҳолаш ахборотлари маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича умумлаштирилади.

30. Норматив қийматни аниқлашга алоқадор барча ҳисоб-китоблар технологик схема бўйича ушбу Низомга 6-иловага\* мувофиқ бажарилади.

#### **2-§. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг рўйхатини тузиш**

31. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг рўйхати ва туман (Қувасой шаҳри)нинг маъмурий чегараси доирасида қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар норматив қийматни аниқлаш даври ўтказиладиган йилнинг 1 январь ҳолатига ер фонди маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотда ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси бўйича унинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР),

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тафсилотлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси ерининг кадастр рақами, контур рақами, умумий майдони ва бошқалари акс этирилади, суғориладиган ва суғорилмайдиган экин майдонлари алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Бунда кўп йиллик дарахтлар майдонлари уларнинг турлари (боғлар, тоқзорлар ва бошқа дарахтлар) бўйича келтирилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ер майдонлари контурлари бўйича географик жойлашуви йирик масштаби чизмаларда акс этирилади.

32. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан юритилаётган ер ҳисоботида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари рўйхати бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг контур рақами, ер тури, ўлчами ва уларнинг ҳудудий жойлаштириш чегаралари схемаси (харитаси) маълумотлари «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ва унинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этилади.

### **3-§. Маълумотлар базасини тайёрлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тупроқ ўртача бонитет баллини ҳисоблаб чиқариш**

33. Суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ўртача бонитет балли тупроқни бонитировка қилиш материалларидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

Тупроқ бонитировка ишлари амалга оширилмаган ерларда бонитет балли мос равишда ҳудуд (массив)нинг суғориладиган ёки лалми ерларининг ўртача бонитет баллидан келиб чиқиб аниқланади.

34. Пичанзор ва яйловларнинг минтақалари, типлари ва уларнинг озикабоплик қиммати геоботаник хариталардан фойдаланган ҳолда аниқланади. Туман (Қувасой шаҳри) маъмурий чегараси доирасида пичанзор ва яйловларнинг бир неча типлари мавжуд бўлганда, буғдойнинг эквивалент ҳосилдорлигига қайта ҳисоблаб чиқилган озика бирликларида (озик қиймати) ифодаланган уларнинг ўртача маҳсулдорлиги аниқланади.

### **4-боб. Норматив қийматни аниқлаш натижаларини расмийлаштириш**

35. «Ўздаверлойиха» ДИЛИнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан туман (Қувасой шаҳри) маъмурий чегараси доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси ва контурлари бўйича қишлоқ хўжалиги ер майдонлари норматив қийматини аниқлаш натижалари ҳисоботи қуйидаги таркибда тузилади:

тушунтириш хати;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бўйича қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг норматив қиймати ва туман (Қувасой шаҳри)нинг ўртача норматив қиймати тўғрисидаги маълумотлар.

36. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳисоботлар тушунтириш хатидан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг СТИР (ЖШШИР) ва ер турлари бўйича норматив қиймат ва маъмурий-худудий бирликнинг ўртача норматив қиймати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади.

Туман (Қувасой шаҳри) бўйича ҳисоботлар ер-кадастр ахбороти сифатида ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг норматив қиймати «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Солиқ қўмитасига тақдим қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳисоботлар ишларни бажариш учун берилган топшириқда белгиланган ҳажмлар ва нусхаларда тайёрланади.

Ҳисоботларнинг бир нусхаси дастлабки ахборотнинг асл материаллари билан биргаликда ташкилотнинг — ишларни бажарувчининг архивида сақланади.

37. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси бўйича ушбу Низомга 7-иловадаги\* шаклга мувофиқ қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва бошқа баҳоланган ерларнинг норматив қиймати тўғрисида маълумотнома тузилади. Маълумотнома қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисига топшириш учун «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Солиқ қўмитасига тақдим этилади.

38. Норматив қийматнинг ҳисоб-китоби натижалари минг сўмгача бўлган аниқликда тақдим этилади.

### **5-боб. Норматив қийматни аниқлаш бўйича материалларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

39. Норматив қийматни аниқлаш бўйича материалларга норматив қийматни аниқлаш даврлари ўртасидаги даврда янги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ташкил этилган, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг чегаралари ва майдонлари ёки амалдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг экин майдонлари бонитет балли ўзгарган ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

40. Янгидан ташкил этилган ва ўзгартиришлар киритилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ер майдонлари бўйича маълумотлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин норматив қийматни аниқлаш материалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишлари ҳар йили бир марта, йил бошида норматив қийматни аниқлаш даврини ўтказиш тартибида ва изчилликда амалга оширилади.

41. Ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар ушбу Низомнинг 35 — 37-бандларида назарда тутилган тартибда топширилади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

42. Солиқ қўмитаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг нор-

\* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

матив қиймати тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги устидан назорат қилади.

43. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**742** Автотранспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида «Экологик транспорт» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармонига мувофиқ республика ҳудудида экологик талабларга мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситалари эксплуатациясини босқичма-босқич чеклаш, уларнинг атмосфера ҳавосига салбий таъсирини камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармонига мувофиқ 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида «Евро-5» ва ундан юқори стандартларга мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситалари эксплуатациясини босқичма-босқич чеклаш;

Вазирлар Маҳкамасининг «Атмосфера ҳавосига транспорт воситаларининг салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 29 мартдаги 166-сон қарорига асосан барча тоифалардаги автотранспорт воситаларидан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири бўйича йўл қўйиладиган нормативларга мослигини назорат қилиш бўйича «Экологик транспорт» тизимини босқичма-босқич жорий этиш, бунда:

худудларни улардаги атмосфера ҳавоси билан боғлиқ реал экологик ҳолатдан келиб чиқиб, илғор хорижий тажриба ва инновацион технологиялар асосида экологик зоналарга ажратиб бориш;

автотранспорт воситаларининг нормативларга мослиги даражасини автоматик баҳолаш тизими ёрдамида экологик стикерлар бериш орқали автотранспорт воситаларини «яшил», «сарик» ва «қизил» ранглар билан белгиланадиган «тоза», «ўрта» ва «зарарли» экологик тоифаларга ажратиб бориш;

экологик тоифаси ҳудуднинг экологик зонасига мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситаларига нисбатан экологик компенсация тўловларини жорий этиш ёхуд улардан тегишли экологик зоналар ҳудудида фойдаланишни чеклаш ёки тақиқлаш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Экологик транспорт» тизими биринчи босқичда 2026 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида жорий этилсин.

3. «Экологик транспорт» тизимини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида қуйидагилар:

Автотранспорт воситаларидан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири бўйича йўл қўйила-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

диган нормативларга мослиги даражасини аниқлаш, уларни экологик тоифаларга ажратиш ҳамда экологик стикерларни бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Худудларда экологик зоналарни ташкил этиш ҳамда уларнинг атмосфера ҳавоси бўйича электрон экологик харитасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб республикада ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларини техник ҳужжатларида уларнинг экологик синфи кўрсатилади.

Бунда сотувга чиқарилаётган автотранспорт воситалари электрон ҳисоб-маълумотномаларида уларнинг экологик синфлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

автотранспорт воситаларининг электрон ҳисоб-маълумотномалари асосида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими «Автомототранспорт ҳисоби» модулига автотранспорт воситаларининг экологик синфига оид маълумотлар киритиб борилишини;

Транспорт вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январга қадар республикада фойдаланишда бўлган, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларининг (тури, русуми, модели бўйича) ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган экологик синфига («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) доир маълумотларни умумлаштириб, тасдиқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда экологик тоифаси худуднинг экологик зонасига мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситаларидан экологик зоналар ҳудудида экологик компенсация тўловларини тўлаган ҳолда фойдаланиш учун рухсатномани ушбу қарорда белгиланган тартибда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали расмийлаштириш ҳамда экологик компенсация тўловларини электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш имкониятини яратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага\* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

уч ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини;

ўзлари қабул қилган идоравий ҳужжатларини икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиришни;

ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти жамоатчилик ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласин.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, транспорт вазири И.Р. Махкамов ҳамда ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 28 ноябрь,  
750-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 28 ноябрдаги 750-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Автотранспорт воситаларидан чиқариладиган ифлослантирувчи  
моддалар ташламаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири  
бўйича йўл қўйиладиган нормативларга мослиги даражасини  
аниқлаш, уларни экологик тоифаларга ажратиш ҳамда экологик  
стикерларни бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом автотранспорт воситаларидан (кейинги ўринларда — транспорт воситалари) чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири бўйича йўл қўйиладиган нормативларга (кейинги ўринларда — нормативлар) мослиги даражасини аниқлаш, уларни экологик тоифаларга ажратиш ҳамда экологик стикерларни бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари қуйидаги транспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиладиган;

белгиланган тартибда вақтинча (тўқсон календарь кунгача) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган;

электромобиллар, электромотоцикллар, мотоцикллар, скутерлар, мопедлар, уч гилдиракли транспорт воситалари;

тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд қўк ва қизил рангли ялтироқ маёқча билан жиҳозланган ҳамда махсус рангли бўёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситалари ҳамда жамоат транспорти (такси ва йўналишли таксидан ташқари);

қишлоқ хўжалиги техникалари;

«ногиронлиги бўлган шахс» белгиси ўрнатилган транспорт воситаси.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**диагностика текшируви** — транспорт воситаларидан ишлатилган газ-

лар чиқариб юборилганда, улардаги ифлослантирувчи моддаларнинг миқдорини аниқлаш;

**ифлослантирувчи моддалар** — кимёвий моддалар, шу жумладан, бошқа моддалар учун белгиланган нормативлардан ортиқ миқдорда ва (ёки) концентрацияларда атроф-муҳитга, инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган моддалар;

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг «Автомототранспорт ҳисоби» модули** (кейинги ўринларда — «Автомототранспорт ҳисоби» модули) — Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамда «экологик транспорт» тизими фаолияти билан боғлиқ электрон маълумотлар базаси;

**норматив** — транспорт воситасидан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири бўйича йўл қўйиладиган миқдори;

**экологик тоифа** — транспорт воситаларидан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири бўйича йўл қўйиладиган нормативлар асосида «яшил», «сарик» ва «қизил» ранглар билан белгиланадиган «тоза», «ўрта» ва «зарарли» экологик даражаси;

**экологик синф («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар)** — транспорт воситасидан ишлатилган газлар чиқариб юборилганда, улардаги ифлослантирувчи моддаларни миқдорига қараб тавсифловчи тасниф коди;

**экологик стикер** — транспорт воситасининг экологик тоифасини тасдиқловчи электрон маълумотларни ўз ичига олган ёрлик;

**экологик оператор** — Ички ишлар вазирлигининг «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасининг транспорт воситаларини диагностика текширувидан ўтказиш учун махсус билим ва тажрибага эга бўлган масъул ходими;

**экологик стикерга талабгор** — тасарруфидаги транспорт воситасининг экологик тоифасини аниқлаш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахс.

4. Транспорт воситасининг экологик тоифаси унинг ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган экологик синфига («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) мувофиқ белгиланади.

5. Транспорт воситасининг экологик синфи («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) аниқ бўлмаганда, унинг экологик тоифаси диагностика текшируви натижаларига кўра экологик оператор томонидан аниқланади.

## **2-боб. Транспорт воситаларининг экологик тоифасини белгилаш ҳамда диагностика текширувидан ўтказиш тартиби**

6. Транспорт воситалари учун биринчи марта, шунингдек, бир йил ичида бир маротаба қайта экологик тоифани белгилаш, шу жумладан, диагностика текширувдан ўтказиш ва экологик стикер бериш алоҳида тўлов унди-

рилмасдан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида Ички ишлар вазирлигининг «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

7. Транспорт воситаларини экологик тоифаларга ажратиш ҳамда нормативларга мослиги даражасини диагностика текширувидан ўтказиш уларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларида рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш жараёнида, фойдаланишда бўлган транспорт воситалари эса эгасининг ихтиёрий мурожаати асосида мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ишлаб чиқарувчи томонидан экологик синфи («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) тасдиқланган транспорт воситаларини рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олишда уларни диагностика текширувидан ўтказиш талаб этилмайди.

Бунда транспорт воситалари қуйидаги мезонларга кўра экологик тоифаларга ажратилади:

а) бензин, сиқилган ва суюлтирилган газ ёқилғиси билан ҳаракатланувчи:

«Евро-2» ва ундан юқори экологик синфига («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) кирувчи транспорт воситалари — «тоза» экологик тоифага;

«Евро-0» ва «Евро-1» (ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) экологик синфига кирувчи транспорт воситалари — «ўрта» экологик тоифага;

б) дизель ёқилғи тури билан ҳаракатланувчи:

«Евро-4» ва ундан юқори экологик синфига («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) кирувчи транспорт воситалари — «тоза» экологик тоифага;

«Евро-3» (ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) экологик синфига кирувчи транспорт воситалари — «ўрта» экологик тоифага;

«Евро-0», «Евро-1» ва «Евро-2» (ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) экологик синфига кирувчи транспорт воситалари — «зарарли» экологик тоифага;

в) гибрид автомобиллар, муқобил ёқилғи турларида (сиқилган ва суюлтирилган газ бундан мустасно) ҳаракатланувчи транспорт воситалари ҳамда ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган транспорт воситалари — «тоза» экологик тоифага ажратилади.

9. Транспорт воситаларини экологик тоифаларга ажратиш Ўзбекистон Республикасида фойдаланишда бўлган транспорт воситаларининг тасдиқланган экологик синфига («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) доир маълумотлар базаси асосида «Автомобилтранспорт ҳисоби» модулида автоматик тарзда белгиланади.

10. Экологик синфини («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) аниқлаш имкони бўлмаган транспорт воситаларининг экологик тоифасини белгилаш учун улар рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш жараёнида диагностика текширувидан қуйидаги тартибда ўтказилади:

диагностика текшируви экологик оператор томонидан натижаларини ав-

томатик баҳолаш тизимига асосланган ўлчов воситаларига мувофиқ амалга оширилади;

диагностика текшируви натижалари «Автомототранспорт ҳисоби» модулида автоматик тарзда қайд этилади;

«Автомототранспорт ҳисоби» модулининг диагностика текшируви натижаларига кўра автотранспорт воситалари мазкур Низомга 1-иловадаги\* транспорт воситаларидан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташла-маларининг атмосфера хавосига зарарли таъсири бўйича йўл қўйиладиган нормативлари асосида «тоза», «ўрта» ва «зарарли» экологик тоифаларга автоматик тарзда ажратилади.

11. Транспорт воситасининг диагностика текшируви натижалари, ўлчов воситаларининг метрологик назорати натижаларини эътироф этиш сертификати, текширувни ўтказган экологик оператор ҳамда текширув ўтказилган сана ва вақтга доир электрон маълумотлар онлайн тартибда «Автомототранспорт ҳисоби» модулида акс эттирилади.

12. Транспорт воситасининг эгаси диагностика текшируви натижаларидан норози бўлган тақдирда, транспорт воситасини ихтиёрий равишда қайта диагностика текширувидан ўтказиши мумкин. Бунда қайта диагностика текшируви мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Илгари ўтказилган диагностика текшируви натижасига кўра «ўрта» ёки «зарарли» экологик тоифага ажратилган ва унга мос экологик стикер берилган транспорт воситаси эгаси ихтиёрий равишда бир йилда бир марта ушбу хизматлар учун алоҳида тўлов ундирилмасдан, айнан шу транспорт воситасининг экологик тоифасини «тоза» ёки «ўрта» экологик тоифага яхшилаш мақсадида қайта диагностика текширувидан ўтказиш ва натижалари бўйича янги экологик стикерга эга бўлиши мумкин.

Транспорт воситасини мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгилангандан ортиқча ҳар бир қайта диагностика текширувидан ўтказиш ва натижалари бўйича янги экологик стикер олиш хизматлари тўлов асосида кўрсатилади.

Бунда қайта диагностика текширувини ўтказиш билан боғлиқ кўрсатилган ҳар бир хизмат учун тўлов миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгиланади.

14. Транспорт воситасини тўлов асосида қайта диагностика текширувидан ўтказишдан келиб тушадиган маблағлар қуйидагича тақсимланади:

15 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига;

15 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси шахсий ҳисобварағига;

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига.

15. Экологик стикерга талабгор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида транспорт воситасини рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш жараёнида электрон навбатдан ўтиш ва унда белгиланган вақтда транспорт воситасини диагностика текширувидан ўтказиш;

экологик оператордан диагностика ўлчов воситаларининг метрологик назорати натижаларини эътироф этиш сертификатини сўраш;

транспорт воситасининг диагностика текшируви натижаларидан норози бўлган тақдирда, уни қайта диагностика текширувидан ўтказишни талаб қилиш;

транспорт воситаси диагностика текширувидан ўтказилгандан сўнг экологик стикерни олиш ҳамда транспорт воситасининг белгиланган қисмига елимлаш.

16. Диагностика ўлчов воситалари мувофиқлик текшируви Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази томонидан ўтказилади.

### **3-боб. Транспорт воситаларига экологик стикер бериш тартиби**

17. Илгари экологик стикер олганлигидан қатъи назар, транспорт воситаларини рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш жараёнида уларнинг тоифаларига мос равишдаги «яшил», «сарик» ёки «қизил» рангли экологик стикерлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларида экологик операторлар томонидан берилади.

18. Транспорт воситаларини рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш жараёнида:

ишлаб чиқарувчи томонидан экологик синфи («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) тасдиқланган транспорт воситаларига мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган мезонлар асосида диагностика текширувларисиз аниқланадиган экологик тоифага мос бўлган рангдаги;

экологик синфини («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) аниқлаш имкони бўлмаган транспорт воситаларига мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ ўтказиладиган диагностика текширувлари натижалари асосида автоматик тарзда аниқланган экологик тоифага мос бўлган рангдаги экологик стикер расмийлаштириб берилади.

Бунда экологик стикер транспорт воситасини рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш) амалиёти ўтказилган жойда махсус техника воситаларида автоматик тарзда чоп этилади ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда бириктирилган давлат рақами белгиси билан бирга транспорт воситасининг эгасига топширилади.

19. Фойдаланишда бўлган транспорт воситаларига экологик стикерлар қуйидаги тартибда берилади:

а) транспорт воситасининг эгаси (кейинги ўринларда — мурожаат этувчи) ихтиёрий равишда транспорт воситасига экологик стикер олиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳара-

кати хавфсизлиги хизматига (кейинги ўринларда — ваколатли орган) унинг расмий веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қўйидагиларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади:

белгиланган шаклдаги электрон ариза;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома-нинг электрон шаклдаги нусхаси;

экологик стикер почта орқали юборилиши кўрсатилган манзил;

б) ваколатли орган мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда қўйидагиларни амалга оширади:

мурожаатда кўрсатилган транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотларни «Автомототранспорт ҳисоби» модули орқали текширади;

ишлаб чиқарувчи томонидан экологик синфи («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) тасдиқланган автотранспорт воситаларининг экологик тоифасини мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган мезонлар асосида «Автомототранспорт ҳисоби» модули орқали автоматик тарзда аниқлайди;

транспорт воситасининг экологик тоифасига мос экологик стикерни расмийлаштириб (стикер реквизитлари автоматик тўлдирилади) махсус техник воситаларда чоп этади ва мурожаат этувчи ҳисобидан унинг мурожаатида кўрсатилган манзилга почта орқали юборади. Бунда почта харажатлари мурожаат этувчи томонидан ваколатли орган веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза юбориш вақтида олдиндан электрон тўлов шаклида амалга оширилади.

Почта харажатлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида белгиланади;

в) мурожаатда кўрсатилган транспорт воситасининг экологик синфини («Евро» ва унга муқобил бошқа турдаги стандартлар) аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда, мурожаат этувчига транспорт воситасининг экологик тоифасини белгилаш учун диагностика текширувидан ўтказиш тўғрисида асослантирилган электрон жавоб хати юборади.

20. Транспорт воситасига унинг экологик тоифасига мос бўлган мазкур Низомга 2-иловада\* келтирилган намунадаги экологик стикерлардан бири берилади.

21. Транспорт воситасининг экологик тоифаси ва унга берилган экологик стикер реквизитлари тўғрисидаги электрон маълумотлар «Автомототранспорт ҳисоби» модулида сақланади.

22. Экологик стикер транспорт воситасининг олд ойнасининг пастки ўнг бурчагига ички томондан ўрнатилади (елимланади).

Экологик стикерни транспорт воситасининг бошқа қисмларига ўрнатиш (елимлаш) ва ўзбошимчалик билан экологик стикерни ўрнатилган (елимланган) жойидан ажратиш ва қайта ўрнатиш (елимлаш) мумкин эмас.

#### **4-боб. Экологик стикерларнинг амал қилиш муддати**

23. Экологик стикерлар муддатсиз даврга берилади.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

24. Қуйидаги ҳолатларда экологик стикерлар тўлов асосида қайта расмийлаштирилиши мумкин:

транспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишда ёхуд фуқаронинг доимий яшаш манзили ёки юридик шахснинг рўйхатга олинган манзили ўзгариши, қайта ташкил этилиши муносабати билан қайта рўйхатдан ўтказилганда, шунингдек, транспорт воситасининг давлат рақамлари ўзгартирилганда;

экологик стикернинг шикастланиши ёки рангининг ўчиши натижасида ундаги транспорт воситасининг давлат рақамини ўқиш имкони бўлмаганда;

транспорт воситасининг олд ойнаси яроқсиз ҳолга келганда.

25. Экологик стикерлар мазкур Низомда белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

26. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 28 ноябрдаги 750-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Худудларда экологик зоналарни ташкил этиш ҳамда уларнинг  
атмосфера ҳавоси бўйича электрон экологик харитасини  
шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом худудларда экологик зоналарни ташкил этиш ҳамда уларнинг атмосфера ҳавоси бўйича электрон экологик харитасини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Худудларда атмосфера ҳавоси билан боғлиқ реал экологик ҳолатдан келиб чиққан ҳолда экологик зоналар ташкил этилади.

3. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**атмосфера ҳавосининг ифлосланиш мониторинги** — атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ўтган, ҳозирги ҳолатини баҳолаш ҳамда келажакдаги ҳолатини прогнозлаш мақсадида маълумот берувчи вақт ва макондаги доимий узоқ давом этадиган кузатувлар тизими;

**атроф-муҳитни ифлослантириш манбаи** — ифлослантирувчи моддалар ташламалари орқали атроф-муҳитни ифлослантирувчи антропоген стационар ва (ёки) кўчма манбалар объекти;

**ифлослантирувчи ташланмалар** — автотранспорт воситаларидан ишлатилган газлар чиқариб юборилганда, улардаги ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилиши;

**стационар кузатиш пункти (пост)** — атмосфера ҳавоси намуналарини мунтазам олиш ва кейинчалик кимёвий таҳлил қилиш учун мўлжалланган приборлар ва ускуналар, шу жумладан, автоматик станциялар ўрнатилган ер участкасини ўз ичига олган, атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ва унга таъсир кўрсатувчи манбаларни олдиндан тадқиқ этиш асосида танланган жойларда жойлашган комплекс;

**«экологик транспорт» тизими** — атмосфера ҳавосига транспорт воситаларининг салбий таъсирини камаййтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

**экологик зоналар** — атмосфера ҳавоси билан боғлиқ реал экологик ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, «экологик транспорт» тизими жорий этиладиган экологик мақомга эга худудлар;

**электрон экологик харита** — инновацион технологияларни татбиқ қилиш орқали ўзида барча экологик зоналар ҳақида умумлашган маълумотлардан иборат бўлган мамлакатнинг атмосфера ҳавоси бўйича электрон харитага киритилган даврий маълумотлар базаси.

**2-боб. Худудларда атмосфера ҳавоси билан боғлиқ реал экологик ҳолатдан келиб чиққан ҳолда экологик зоналарни ташкил этиш тартиби**

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда — Экология қўмитаси) таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қарорига мувофиқ:

мазкур Низомнинг 6-бандида кўзда тутилган экологик индикаторларга асосан худудларнинг экологик зоналари чегаралари белгиланади ҳамда ўзгартирилади;

мазкур Низомга иловадаги\* намуна бўйича экологик зона паспорти тасдиқланади.

5. Худудларда экологик зоналарни ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер фондига тегишли барча ер тоифалари инobatга олинади.

6. Худудлар экологик зона ташкил этиш учун қуйидаги экологик индикаторларга асосан баҳоланади:

СО<sub>2</sub> эмиссияси (СО<sub>2</sub> интензивлиги ва уни қисқартириш стратегияси);

энергия (энергия истеъмоли, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган энергия миқдори, қайта тикланувчан энергия манбалари жорий этилгани);

бино (турар жой биноларининг энергия истеъмоли, энергия тежовчи бинолар бўйича ташаббуслар);

транспорт (экологик тоза транспорт воситаларидан фойдаланиш, улар учун инфратузилма яратилгани);

ердан фойдаланиш (ердан «яшил» фойдаланиш сиёсати, «яшил» худудларнинг мавжудлиги);

чиқиндилар (маиший чиқиндилар ҳосил бўлиши, чиқиндиларни қайта ишлаш ва камайтириш сиёсати);

сув (сув истеъмоли, тармоқдаги йўқотишлар, оқова сувларни тозалаш, сувни самарали тозалаш сиёсати);

ҳавонинг сифати (асосий ифлослантирувчи моддалар даражаси, тоза ҳаво сиёсати);

экологик бошқариш тизими («яшил» ҳаракатлар режаси, «яшил» бошқариш, «яшил» сиёсатда жамоатчиликнинг фаоллиги);

биохилма-хиллик (флора, фауна ресурслари).

Юқорида келтирилган экологик индикаторлар асосида 100 балли баҳолаш тизими орқали энг паст баллга эга бўлган худудлар экологик зона тоифасига номзод худуд сифатида кўрсатилади. Бунда индикаторлар бўйича балларни ҳисоблаш тартиби Экология қўмитаси томонидан белгиланади.

7. Экология қўмитасининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан муҳофаза этиладиган табиий худудлар ёки уларнинг

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

айрим ер участкалари, шунингдек, экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган ҳудудлар баҳоланмасдан уларда экологик зоналар ташкил этилиши мумкин.

8. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудлардаги экологик зоналар чегараларини белгилаш ва ўзгартириш бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

9. Экологик зоналар ҳудудида «ўрта» ва «зарарли» экологик тоифаларга мансуб ҳамда экологик стикери мавжуд бўлмаган автотранспорт воситалари ҳаракатланиши тақиқланади, белгиланган тартибда рухсатнома олган ҳолда ҳаракатланиш ҳоллари бундан мустасно.

Экологик зоналар ҳудудида ҳаракатланиш қоидаларини бузиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

10. «Экологик зона ҳудудида «ўрта» ва «зарарли» экологик тоифаларга мансуб автотранспорт воситалари ҳаракатланиши тақиқланган» йўл белгиси Давлат стандарти талаблари асосида ўрнатилади.

11. «Зарарли» ва «ўрта» тоифадаги автотранспорт воситалари эгалари ихтиёрий равишда автотранспорт воситаларининг экологик тоифасига кўра белгиланган экологик компенсация тўловларини тўлаш орқали тегишли рухсатнома асосида экологик зоналар ҳудудида ҳаракатланиши ҳуқуқига эга бўлади, бунда рухсатнома бир йил муддатга берилади.

Рухсатнома бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланади.

«Зарарли» ва «ўрта» тоифадаги автотранспорт воситалари эгалари экологик зоналарга кириши учун қуйидаги миқдорда экологик компенсация тўловларини тўлайди:

«ўрта» экологик тоифадаги автотранспорт воситалари эгалари — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида;

«зарарли» экологик тоифа автотранспорт воситалари эгалари — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида.

Бунда экологик компенсация суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

40 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;

60 фоизи — Экология қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси.

12. Экологик компенсация тўловлари тўланган автотранспорт воситаси ва унинг эгаси тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг «Автомобил-транспорт ҳисоби» модулида автоматик тарзда ҳисобга олинади.

13. Шошилинч ва тезкор хизмат транспорт воситаларидан ҳамда жамоат транспортидан (такси ва йўналишли таксидан ташқари) барча экологик зоналар ҳудудида ҳеч қандай чеклов ва тақиқларсиз фойдаланилади.

Экологик зона ҳудудида доимий яшовчи ёки меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар, шунингдек, экологик зона ҳудудида жойлашган тиббиёт муассасаларига кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ташриф буюрувчилар мазкур ҳудудда чеклов ва тақиқларсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга.

### **3-боб. Атмосфера ҳавоси бўйича электрон экологик харитани шакллантириш ва юритиш тартиби**

14. Атмосфера ҳавосининг ҳолатини кузатиш, у ҳақидаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва истиқболни белгилаш атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ягона тизими бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда атмосфера ҳавосининг давлат мониторинги қуйидагилардан иборат бўлади:

- атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбалари мониторинги;
- атмосфера ҳавосининг ифлосланиш мониторинги;
- атмосфера ҳавоси ифлосланиш (эмиссия) даражасининг ҳолати.

Атмосфера ҳавосининг давлат мониторинги натижаларига асосан ҳудудларда улардаги атмосфера ҳавоси билан боғлиқ реал экологик ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, экологик зоналар ташкил этилади ҳамда уларнинг динамик электрон экологик харитаси юритилади.

15. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш (эмиссия) даражаси қонунчиликда белгиланган талабларни ҳисобга олинган ҳолда тегишли методикалар бўйича амалга оширилади.

Стационар манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши ифлосланиш манбалари мониторингини юритишда кузатув объекти ҳисобланади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш манбалари мониторинги бир ойда бир марта ўтказилади.

16. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг мониторинги республиканинг шаҳарлари ва аҳоли пунктларида жойлашган стационар кузатув пунктларида (постларида) амалга оширилади.

Кузатув пункти жойлашган жойдан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган асосий ва ўзига хос ифлослантирувчи моддалар мавжудлиги юзасидан атмосфера ҳавосидан намуналар олиш ҳамда уларни синаш камида суткада уч марта ўтказилади.

Атмосфера ҳавоси намуналари таҳлилларининг натижалари иш журналида қайд этилади, унинг асл нусхаси Экология қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг тегишли таҳлилий лабораториясида сақланади.

Кузатув постида автоматик мониторинг станцияси мавжуд бўлган тақдирда, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ҳолати тўғрисидаги маълумот реал вақт режимида Атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига узатилади.

17. Харита «Экологик транспорт» тизимини амалга оширишда экологик зоналарда атмосфера ҳавосининг мониторингини юритиш орқали уларнинг чегараларини даврий равишда ўзгартириб бориш учун маълумотлар манбаи сифатида юритилади.

Харита экологик зоналарнинг атмосфера ҳавосининг ифлосланиш (эмиссия) даражасини кузатиб бориш, манбаларни аниқлаш, атроф-муҳит ва аҳо-

ли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадларида ташламалар чиқарилишининг олдини олиш борасида тезкор чоралар кўришда қўлланади.

Харита Экология қўмитаси томонидан шаҳарларда ўрнатилган стационар кузатув пунктлари маълумотларини ягона тизимга интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашиш ва мониторинг юритиш кўринишида амалга оширилади.

Атмосфера ҳавоси сифати устидан кузатувлар автоматик мониторинг станциялари ва стационар кузатув постларида ўтказилади ҳамда харитага интеграция қилиниши орқали ҳудудларнинг атмосфера ҳавоси бўйича мониторинги шакллантирилади.

Автоматик мониторинг станцияларининг жойлашуви Экология қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги томонидан белгиланади.

Харита маълумотлари электрон платформа орқали эълон қилиб борилади ҳамда жамоатчилик учун доимий очиқ ҳисобланади.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

18. Ушбу Низом талабларини бажармаслик билан боғлиқ низолар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал этилади.

19. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI****743 Kredit axboroti almashinuvi tartibi to‘g‘risidagi nizomga  
o‘zgartirish kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
24-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3646-1*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Kredit axboroti almashinuvi to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 17-iyundagi 12/8-son qarori (ro‘yxat raqami 3646, 2025-yil 7-iyul) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 08.07.2025-y., 10/25/3646/0584-son) bilan tasdiqlangan Kredit axboroti almashinuvi tartibi to‘g‘risidagi nizomning 9-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Kredit tashkilotlari kredit buyurtmalari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni va kredit axborotini ular qayd etilganidan keyin axborot tizimi orqali real vaqt rejimida kredit byurolariga hamda keyingi ish kunidan kechiktirmasdan Kredit reyestriga taqdim etishlari shart.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais****T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 14-noyabr,  
29/1-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-noyabrda e‘lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**744** «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 октябрдаги ПФ–190-сон «Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мҲ-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3065, 2018 йил 5 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2018 й., 10/18/3065/1849-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 18 ноябрь,  
10-мҲ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
спорт вазирининг 2025 йил 18 ноябрдаги  
10-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «профессионал таълим муассасалари» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

1) низомнинг номи, муқаддимаси, 1-банди учинчи хатбошиси ва 3-бандидаги «профессионал таълим муассасалари» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Оммавий спорт тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги (бундан буён матнда тегишли вазирликлар ва идора деб юритилади) ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига мувофиқ тегишли рухсатнома олинганидан сўнг бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилади.»;

3) 9, 11 ва 13-бандлар ҳамда 21-банднинг биринчи хатбошисидаги «вазирликлар» деган сўз «вазирликлар ва идора» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «профессионал таълим муассасалари» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «профессионал таълим муассасаси» ва «профессионал таълим муассасаларининг» деган сўзлар тегишли равишда «касбий таълим ташкилоти» ва «касбий таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «профессионал таълим муассасаларининг» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 17 ва 20-бандлардаги «профессионал таълим муассасаларида» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 18-банддаги «профессионал таълим муассасаларида» ва «профессионал таълим муассасасининг» деган сўзлар тегишли равишда «касбий таълим

ташкilotларида» ва «касбий таълим ташкilotининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 19-банддаги «профессионал таълим муассасаларининг» деган сўзлар «касбий таълим ташкilotларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) низомга иловада:

илова белгисидаги «профессионал таълим муассасалари» деган сўзлар «касбий таълим ташкilotлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

илованинг матнидаги «профессионал таълим муассасаси» деган сўзлар «касбий таълим ташкilotи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**745** Xorijiy davlatlardan olib kelinadigan “donor ko‘z shox pardasi va uning qismlari” bioprotezlarini davlat sog‘liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalarida qo‘llash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
24-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3710*

O‘zbekiston Respublikasining “Inson a‘zolari va to‘qimalarining transplantatsiyasi to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta‘minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas‘uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-iyundagi 333-son “Inson a‘zolari va (yoki) to‘qimalarini transplantatsiya qilishni tartibga solish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Xorijiy davlatlardan olib kelinadigan “donor ko‘z shox pardasi va uning qismlari” bioprotezlarini davlat sog‘liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalarida qo‘llash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 3-noyabr,  
16-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil  
3-noyabrdagi 16-son buyrug'iga  
ILOVA

**Xorijiy davlatlardan olib kelinadigan “donor ko'z shox pardasi va uning qismlari” bioprotezlarini davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalarida qo'llash tartibi to'g'risidagi  
NIZOM**

Mazkur Nizom transplantatsiya (keratoplastika) amaliyoti bajarilishini yanada ko'paytirish va retsiyent xavfsizligini ta'minlash maqsadida xorijiy davlatlardan olib kelinadigan “donor ko'z shox pardasi va uning qismlari” bioprotezlarini davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalarida qo'llash tartibini belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**“donor ko'z shox pardasi va uning qismlari” bioprotezi** (bundan buyon matnda “ko'z shox pardasi” deb yuritiladi) — inson murdasining ko'z to'qimasidan olinib, konservatsiya qilingan hamda transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotida foydalanishga mo'ljallangan hujayralar va hujayralararo moddalar majmui;

**retsiyent** — o'ziga nisbatan “ko'z shox pardasi” bioprotezining transplantatsiya (keratoplastika) amaliyoti bajariladigan inson;

**transplantatsiya (keratoplastika)** — retsiyentda mavjud bo'lmagan yoki shikastlangan, o'zining muhim hayotiy vazifalarini bajarishga qodir bo'lmagan ko'z shox pardasini inson murdasidan olingan “ko'z shox pardasi” bioproteziga jarrohlik amaliyoti yo'li bilan almashtirish.

2. Transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotida foydalanishga mo'ljallangan “ko'z shox pardasi” bioprotezlari xorijiy davlatlardan olib kelinadi.

3. “Ko'z shox pardasi” bioprotezlarining transplantatsiya (keratoplastika) amaliyoti O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-iyundagi 333-son qarori bilan tasdiqlangan Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini oladigan hamda transplantatsiya qiladigan davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalari ro'yxatida keltirilgan davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalarida (bundan buyon matnda tibbiyot muassasalari deb yuritiladi) amalga oshiriladi.

**2-bob. “Ko'z shox pardasi” bioprotezlarini tashish jarayoniga qo'yiladigan talablar**

4. “Ko'z shox pardasi” bioprotezlari ularni transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotini o'tkazuvchi tibbiyot muassasalari o'rtasida taqsimlash va transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotini o'tkazish maqsadlari uchun tashish orqali yetkazib beriladi.

5. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlarini tashish jarayonlarida ishtirok etish uchun tibbiyot muassasalarida bir nafar tibbiyot xodimi mas‘ul etib belgilanadi.

6. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlarini tashishda quyidagilarga rioya etilishi lozim:

“ko‘z shox pardasi” bioprotezlarini maxsus izolyatsiya paketlariga joylagan holda sovutish va termoizolyatsiya uskunalarida (konteynerlarda) steril sharoitda tashish;

sovutish va termoizolyatsiya uskunalarida (konteynerlarda) +2°C dan +8°C gacha bo‘lgan haroratni ta‘minlash;

bir nechta “ko‘z shox pardasi” bioprotezlari bo‘lganda, ularni sovutish hamda termoizolyatsiya uskunalarida (konteynerlarda) alohida-alohida tashish.

7. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlari xorijiy davlatlardan O‘zbekiston Respublikasi hududiga olib kelinganidan so‘ng, ular mas‘ul tibbiyot xodimi kuzatuvida 12 soat ichida tibbiy muassasalariga yetkazib berilishi lozim.

### **3-bob. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlarini tibbiyot muassasalariga qabul qilish, saqlash va utilizatsiya qilish**

8. Tibbiyot muassasalariga yetkazilgan “ko‘z shox pardasi” bioprotezlari tibbiyot muassasalarining bunga mas‘ul bo‘lgan tibbiyot xodimlari tomonidan qabul qilib olinishi kerak.

9. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlari tibbiyot muassasalariga qabul qilib olinganidan so‘ng, shu kunning o‘zida ularning mavjudligi haqidagi ma‘lumotlar mas‘ul tibbiyot xodimi tomonidan “Donorlar, retsipiyentlar, shuningdek, inson a‘zolari va (yoki) to‘qimalarining yagona davlat reyestri” axborot tizimiga kiritiladi.

10. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlari tibbiyot muassasasida +2°C dan +8°C gacha bo‘lgan haroratni doimiy ta‘minlay oladigan maxsus muzlatkichlarda saqlanadi. Bunda saqlash muddati “ko‘z shox pardasi” bioprotezlari xorijiy davlatda konservatsiya qilingan sanadan boshlab o‘n to‘rt kundan oshmasligi lozim.

11. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlari yaroqsiz deb topilganda (“Ko‘z shox pardasi” bioprotezlari shikastlanganda, ularda yot jismlar aniqlanganda yoki rangi o‘zgarganda) yoxud ularning mazkur Nizomning 10-bandida belgilangan saqlash muddati tugagan taqdirda, tibbiyot muassasasi tomonidan utilizatsiya qilinishi kerak.

12. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlarining utilizatsiyasi Davolash-profilaktika muassasalarida chiqindilarni yig‘ish, saqlash va yo‘q qilishning sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari (0317-15-son SanQvaN) bo‘yicha amalga oshiriladi hamda utilizatsiya yakunlanganidan so‘ng bu haqda mas‘ul tibbiyot xodimi tomonidan “Donorlar, retsipiyentlar, shuningdek, inson a‘zolari va (yoki) to‘qimalarining yagona davlat reyestri” axborot tizimiga ma‘lumotlar kiritiladi.

### **4-bob. “Ko‘z shox pardasi” bioprotezlarini tibbiyot muassasalarida qo‘llash**

13. Retseptiyent transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotidan oldin Retseptiyent

va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3706, 2025-yil 21-noyabr) muvofiq har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazilishi hamda unga tibbiyot muassasalarining tibbiy konsiliumi tomonidan inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi to'g'risida tibbiy xulosa berilishi lozim.

14. Retsipiyentni transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotiga tayyorlash va uning amaliyotdan keyingi reabilitatsiyasi va kuzatuvda bo'lishi Davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida retsipiyent hamda tirik donorni transplantatsiya amaliyotiga tayyorlash va ularning amaliyotdan keyingi reabilitatsiyasi va kuzatuvda bo'lish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 3708, 2025-yil 21-noyabr) asosida amalga oshiriladi.

15. "Ko'z shox pardasi" bioprotezlari transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotidan bir soat oldin maxsus muzlatkichlardan olinib, +18°C dan +25°C gacha bo'lgan harorat ta'minlangan xonada saqlanishi va shundan keyin transplantatsiya (keratoplastika) amaliyotida qo'llanilishi lozim.

#### **5-bob. Yakunlovchi qoida**

16. Mazkur Nizomning talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladi.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**746** Bojxona hududidan olib chiqiladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
24-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3711*

O‘zbekiston Respublikasining Bojxona kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. Bojxona hududidan olib chiqiladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**J. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 3-noyabr,  
299-son

*Kelishildi:*

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari  
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish  
bo‘yicha vakil o‘rinbosari*

**J. URUNOV**

*2025-yil 7-oktabr*

*Savdo-sanoat palatasi raisi*

**D. VAXABOV**

*2025-yil 30-sentabr*

*Investitsiyalar, sanoat  
va savdo vaziri*

**L. KUDRATOV**

*2025-yil 30-oktabr*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil  
3-noyabrdagi 299-son buyrug'iga  
ILOVA

## **Bojxona hududidan olib chiqiladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi YO'RIQNOMA**

Mazkur Yo'riqnoma O'zbekiston Respublikasining bojxona hududidan olib chiqiladigan bojxona to'lovlari to'lanishi nazarda tutilgan (bojxona rasmiylashtiruvi uchun yig'imlar bundan mustasno) tovarlarning (bundan buyon matnda tovarlar deb yuritiladi) bojxona qiymati deklaratsiyasini (bundan buyon matnda BQD deb yuritiladi) to'ldirish tartibini belgilaydi.

### **1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Mazkur Yo'riqnomada quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**BQD** — bojxona yuk deklaratsiyasining (bundan buyon matnda BYD deb yuritiladi) ajralmas qismi bo'lib, tovarning bojxona qiymati to'g'risidagi ma'lumotlar ko'rsatilgan va deklarant yoki bojxona brokeri tomonidan bojxona organiga BYD bilan bir paytda topshiriladigan hujjat;

**deklarant** — tovarlarni va (yoki) transport vositalarini o'z nomidan deklaratsiyalovchi shaxs yoxud uning nomidan tovarlar va (yoki) transport vositalari deklaratsiyalanayotgan shaxs;

**deklaratsiyalovchi shaxs** — bojxona organlariga BYDni o'z nomidan taqdim etayotgan deklarant yoki bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish, imzolash va bojxona organlariga deklarant nomidan shartnoma asosida taqdim etish vakolatiga ega bo'lgan bojxona brokerining bojxona rasmiylashtiruvi bo'yicha mutaxassisi;

**elektron BQD** — deklaratsiyalovchi shaxsning elektron raqamli imzosi (bundan buyon matnda ERI deb yuritiladi) bilan tasdiqlangan, "Tovarlarni elektron deklaratsiyalash" avtomatlashtirilgan axborot tizimi (bundan buyon matnda TEDAAT deb yuritiladi) vositasida taqdim etilgan elektron shakldagi BQD yoki qog'oz shakldagi BQDning elektron tashuvchi orqali taqdim etilgan elektron nusxasi.

2. BQD tegishli BYDning ilovasi bo'lib, BYDsiz haqiqiy emas.

BYD elektron shaklda taqdim etilganda, BQD ham elektron shaklda taqdim etiladi.

BYD qog'oz shaklda taqdim etilganda, BQD ham qog'oz shaklida to'rt nusxadan iborat A4 formatdagi varaqlarda taqdim etiladi va quyidagicha taqsimlanadi:

birinchi nusxa — bojxona organlari ish yig'ma jildlarida qoladi;

ikkinchi nusxa — deklaratsiyalovchi shaxs uchun;

uchinchi va to'rtinchi nusxalar — deklarant uchun.

Agar BQD qog'oz shaklda taqdim etilsa, deklaratsiyalovchi shaxs bojxona

organlariga o'zining ERIsi bilan tasdiqlangan uning elektron nusxasini ham taqdim etadi.

3. BQD deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan to'ldiriladi.

Bitta BYDda bojxona to'lovlari to'lanishi nazarda tutilgan (bojxona rasmiylashtiruvchi uchun yig'imlar bundan mustasno) tovarlar bilan birga bojxona to'lovlari to'lanishi nazarda tutilmagan (bojxona rasmiylashtiruvchi uchun yig'imlar bundan mustasno) tovarlar ham deklaratsiyalanayotgan bo'lsa, BQD barcha tovarlar uchun to'ldiriladi.

4. Tovarlarning bojxona qiymati olib chiqiladigan tovarga doir bitimning qiymatiga oid usuli (bundan buyon matnda 1-usul deb yuritiladi) bo'yicha aniqlanganda mazkur Yo'riqnomaning 1-ilovasiga\* muvofiq BQD-1 to'ldiriladi.

Tovarlarning bojxona qiymati bojxona qiymatini aniqlashning aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymatiga oid usul (bundan buyon matnda 2-usul deb yuritiladi), o'xshash tovarga doir bitimning qiymatiga oid usul (bundan buyon matnda 3-usul deb yuritiladi), qiymatlarni qo'shish asosidagi usul (bundan buyon matnda 5-usul deb yuritiladi) va zaxira usul (bundan buyon matnda 6-usul deb yuritiladi) bo'yicha aniqlanganda mazkur Yo'riqnomaning 2-ilovasiga\* muvofiq BQD-2 to'ldiriladi.

5. BQD quyidagi ikkita asosiy varaqlardan iborat:

BYDda deklaratsiyalanayotgan barcha tovarlarga taalluqli ma'lumotlarni o'z ichiga olgan birinchi varaq;

deklaratsiyalanayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashda foydalanilgan ma'lumotlar va bojxona qiymati miqdorining hisob-kitoblari ko'rsatiladigan ikkinchi varaq.

Agar bitta BYDda uchdan ortiq tovarlarning nomlari deklaratsiyalanayotgan bo'lsa, bojxona qiymatini deklaratsiyalash uchun qo'shimcha varaqlardan foydalaniladi. Bunda qo'shimcha varaqlar sifatida BQD varag'ining ikkinchi asosiy shaklidan foydalaniladi.

BQDning uchinchi varag'idan boshlab barcha varaqlari qo'shimcha varaqlar hisoblanadi. Qo'shimcha varaqlarning tartib bilan raqamlanishi uch soni bilan boshlanadi.

Bunda birinchi va ikkinchi varaqlar — shaklning asosiy varaqlari, uchinchi va keyingi varaqlar — qo'shimcha varaqlar hisoblanadi.

6. BQD-2ning birinchi asosiy varag'i 2, 3, 5 va 6-usullar uchun umumiy (yagona) hisoblanadi.

BQD-2ning ikkinchi asosiy varag'i tovarlarning bojxona qiymatini aniqlash usuliga qarab belgilangan 2, 3, 5 va 6-usullardan biri bo'lishi mumkin. BQD-2ning ikkinchi va qo'shimcha varaqlarning tegishlisi tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashning quyidagi usullarini qo'llash orqali amalga oshirilganda foydalaniladi:

2-usul va ushbu usulga asosan 6-usulni;

3-usul va ushbu usulga asosan 6-usulni;

5-usul va ushbu usulga asosan 6-usulni;

1-usul asosidagi 6-usulni.

\* 1-2-ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

7. Qog'oz shaklda taqdim etilgan BQDda o'chirishlar va bo'yashlar bo'lmasligi kerak. Tushunarsiz to'ldirilgan BQDlar bojxona organlari tomonidan rasmiylashtirish uchun qabul qilinmaydi.

8. BQD taqdim etilgandan so'ng bojxona organi mansabdor shaxsi BQDning to'g'ri to'ldirilganligini, tovarning ma'lum qilingan bojxona qiymatini tasdiqlovchi hujjatlar mavjudligining dastlabki tekshiruvini amalga oshiradi.

Dastlabki tekshiruv natijasida kamchiliklar aniqlansa, ushbu kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida bojxona organi mansabdor shaxsi bu haqida deklaratsiyalovchi shaxsni darhol xabardor qiladi.

BQDning dastlabki tekshiruvi natijasida kamchiliklar aniqlanmasa bojxona organining mansabdor shaxsi BQDni rasmiylashtirish uchun qabul qiladi.

Bojxona organi BQDni BYD bilan bir vaqtning o'zida rasmiylashtiradi. Bunda, BQDga, u ilova qilingan BYDning aynan shu ro'yxat raqami birlashtiriladi.

9. BQD qog'oz shaklda taqdim etilganda, BQDning biror bir grafasida bayon etilayotgan ma'lumotlarni ko'rsatish uchun joy yetarli bo'lmasa, ushbu ma'lumotlar BQDning orqa tomonida yoki qo'shimcha ilova qilinadigan, BQDning ajralmas qismi bo'lgan varaqlarda ko'rsatilishi mumkin. Bunday yozuv deklaratsiyalovchi shaxsning imzosi bilan tasdiqlanadi, tegishli grafada esa "BQDning orqa tomoniga qarang" yoki "qo'shimcha varaqqa qarang" yozuvi qayd etiladi.

Bunda BQDning asosiy va qo'shimcha varaqlarining orqa qismida yoki qo'shimcha ilova qilinadigan varaqlarda grafa raqami va deklaratsiyalanayotgan tovarning tartib raqami (agar ma'lumotlar aniq bir tovarga taalluqli bo'lsa) qo'yiladi va mazkur grafada bayon etiladigan ma'lumotlar ko'rsatiladi.

Har bir ilova qilinadigan qo'shimcha varaqning yuqori o'ng burchagida "\_\_\_\_\_ sonli BQDga \_\_\_\_ varaqda qo'shimcha", deklaratsiyalanayotgan tovarning tartib raqami "\_\_\_\_-sonli tovar" tarzida hamda har bir tovar bo'yicha grafa raqami ko'rsatiladi.

10. Elektron shaklda bojxona qiymatini deklaratsiyalashda barcha ma'lumotlar elektron BQDning tegishli grafalarida yoki ushbu grafa uchun ajratilgan detallashtirilgan jadvallarda to'liq ko'rsatiladi va boshqa grafalarga, qo'shimcha ilova qilinadigan varaqlarga yoki boshqa shu kabi havolalar qilinishiga yo'l qo'yilmaydi.

11. BQDdagi ma'lumotlarni qayd etishda Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomada (ro'yxat raqami 2773, 2016-yil 6-aprel) ko'rsatilgan tasniflagichlardan foydalaniladi.

## **2-bob. BQD-1ni to'ldirish**

12. Deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan 1, 2a, 2b, 3, 4, 5, 6, 7a, 7b, 8a, 8b, 9a, 9b, 10a, 10b, "Tovar №", "Tovar kodi", 11a, 11b, 12, 13a, 13b, 14, 15, 16, 17a, 17b, 17d, 18, 19, 20, 21, 22, 23a, 23b, 24 "Qo'shimcha ma'lumotlar", "Imzo" grafalari to'ldiriladi.

13. Bojxona organi mansabdor shaxsi tomonidan BQD-1ning asosiy va qo'shimcha varaqlaridagi "Bojxona belgilari uchun" maydonchasi to'ldiriladi.

14. Deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan grafalarni to'ldirish quyidagicha amalga oshiriladi:

**1) 1-grafa. “Sotuvchi”.**

Grafada O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududidan tovarning olib chiqilishiga asos bo‘lgan tashqi savdo bitimida sotuvchi sifatida qayd etilgan shaxs to‘g‘risidagi ma‘lumotlar ko‘rsatiladi:

agar sotuvchi yuridik shaxs bo‘lsa — uning nomi;

agar jismoniy shaxs (yakka tartibdagi tadbirkor) bo‘lsa — familiyasi, ismi, otasining ismi;

**2) 2a-grafa. “Sotib oluvchi”.**

Grafada tovarni sotib oluvchi shaxs to‘g‘risidagi ma‘lumotlar ko‘rsatiladi:

agar sotib oluvchi yuridik shaxs bo‘lsa — uning to‘liq nomi;

agar jismoniy shaxs (yakka tartibdagi tadbirkor) bo‘lsa — familiyasi, ismi, otasining ismi;

**3) 2b-grafa. “Deklaratsiyalovchi shaxs”.**

Grafada BQD-Ini to‘ldirgan va bojxona organiga taqdim etayotgan deklaratsiyalovchi shaxsning qisqacha nomi ko‘rsatiladi;

**4) 3-grafa. “Yetkazib berish shartlari”.**

Yetkazib berish shartlari tasniflagichiga muvofiq geografik punktni qayd etish bilan yetkazib berish shartining nomi ko‘rsatiladi;

**5) 4-grafa. “Hisob raqami va sanasi”.**

Sotuvchi tomonidan sotib oluvchiga qo‘yilgan tovarning qiymat bahosiga ega bo‘lgan hisobvaraqa-faktura yoki hisob-proforma raqami va sanasi ko‘rsatiladi;

**6) 5-grafa. “Kontrakt raqami va sanasi”.**

Tovarlarning oldi-sotdi (yetkazib berish) tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) raqami va sanasi, shuningdek, uning amalda bo‘lgan ilovalari, unga qo‘shimchalar, agar ular mavjud bo‘lsa, raqami va sanasi ko‘rsatiladi;

**7) 6-grafa.**

Agar bojxona organining 7a — 9b grafalari bo‘yicha e‘tirozlari bo‘lgan bo‘lsa, bunday hollarda ushbu sotuvchining avvalgi bitimlari bo‘yicha BYDlarning raqami va sanasi ko‘rsatiladi. Tovarning bojxona rasmiylashtiruvni amalga oshirgan bojxona organining nomi va e‘tirozlarning mazmuni ko‘rsatiladi;

**8) 7a-grafa.**

Grafada keltirilgan maydonchada tegishli javobga “X” belgisi qo‘yiladi.

Agar “Yo‘q” javobi bo‘lsa 8a va 8b-grafalarini to‘ldirilishiga o‘tilishi lozim (7b-grafa to‘ldirilmaydi).

Agar “Ha” javobi bo‘lsa (O‘zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 307-moddasi bilan belgilangan jihatlar, sotuvchi va sotib oluvchi o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlik mavjud bo‘lsa) 7b-grafasi to‘ldiriladi;

**9) 7b-grafa.**

Grafada keltirilgan maydonchada tegishli javobga “X” belgisi qo‘yiladi.

1-usulning qo‘llanilishiga faqat “Yo‘q” javobi bo‘lganda yo‘l qo‘yiladi;

**10) 8a-grafa.**

Grafada keltirilgan maydonchada tegishli javobga “X” belgisi qo‘yiladi.

1-usulning qo‘llanilishiga faqat “Yo‘q” javobi bo‘lganda yo‘l qo‘yiladi;

**11) 8b-grafa.**

Grafada keltirilgan maydonchada tegishli javobga “X” belgisi qo‘yiladi.

Agar sotish yoki bitimning bahosi ta‘sirini hisobga olish mumkin bo‘lmagan shartlarga rioya etilishiga bog‘liq bo‘lsa (ayirboshlash, kontraktatsiya, qayta ishlash shartnomalari), bunday shartlarning turi va mazmuni ko‘rsatiladi (masalan, narx olib chiqiladigan tovarlarga aloqasi bo‘lmagan haq to‘lash shakli asosida belgilanganda va h.k.), shuningdek ushbu shartlarda tovarning qiymatiga doir baholashning hisob-kitobi, bunday hisob-kitobning amalga oshirilishi uchun asos bo‘lgan hujjatlar ko‘rsatiladi. Tegishli summa bilvosita to‘lov sifatida 11b-grafasida ko‘rsatiladi.

Agar tegishli shartlar bitimning qiymatiga ta‘sirni miqdoriy aniqlash va zarur bo‘lgan ravishda tasdiqlash mumkin bo‘lmasa (shu jumladan tovarlar chiqarib yuborilganidan keyin ham), 1-usul qo‘llanilmaydi;

### **12) 9a-grafa.**

Grafada keltirilgan maydonchada tegishli javobga “X” belgisi qo‘yiladi.

“Ha” javobda 9b-grafasidan keyin intellektual mulk obyektlaridan foydalanganlik uchun oldi-sotdi bitimining shartlariga muvofiq sotib oluvchi baholanayotgan tovarni sotish sharti sifatida bevosita yoki bilvosita to‘lashi kerak bo‘lgan, shu jumladan, agar ular amalda to‘langan yoki to‘lanishi lozim bo‘lgan narxga qo‘shilmagan va sotuvchi tomonidan sotib oluvchiga qo‘yilgan hisobga kiritilmagan bo‘lsa, litsenziya to‘lovlari va boshqa to‘lovlarga taalluqli bo‘lgan shartlar (masalan to‘lov turi, uni amalga oshirilishi uchun asos va h.k.) ko‘rsatiladi. Ushbu to‘lovlarning miqdori 15-grafada ko‘rsatiladi;

### **13) 9b-grafa.**

Grafada keltirilgan maydonchada tegishli javobga “X” belgisi qo‘yiladi.

“Ha” javobida ushbu grafadan keyin sotib oluvchi tomonidan olib kirilgan tovarni keyinchalik qayta sotish, o‘zgacha tarzda tasarruf etish yoki undan boshqa tarzda foydalanishdan tushgan tushumning bevosita yoki bilvosita sotuvchiga tegishi kerak bo‘lgan har qanday qismining qiymati bo‘yicha shartlar ko‘rsatiladi. Tegishli to‘lovlar miqdori 6-grafada ko‘rsatiladi;

### **14) 10a-grafa. “Qo‘shimcha varaqlar soni”.**

BQD-1ga ilova qilingan qo‘shimcha varaqlar soni ko‘rsatiladi (varaqlar soni oxirgi varaqning raqamidan ikkitaga kamaytirilgan raqamga to‘g‘ri kelishi kerak);

### **15) 10b-grafa. “Joy va sana:”.**

Grafada 2b-grafada ko‘rsatilgan shaxs nomidan BQD-1ni taqdim etayotgan joy va sana, shuningdek deklaratsiyalovchi shaxs to‘g‘risida ma‘lumotlar ko‘rsatiladi (rekvizitlarning har biri yangi satrdan boshlanadi va har birining oldiga ularning tartib raqami qo‘yiladi):

1) deklaratsiyalovchi shaxsning familiyasi, ismi va otasining ismi, shuningdek elektron pochta manzili (mavjud bo‘lsa);

2) agar tovarlarni deklaratsiyalash bojxona brokeri tomonidan amalga oshirilayotgan bo‘lsa, bojxona brokeri va BQDni taqdim etilishi uchun topshiriq bergan shaxs o‘rtasidagi shartnoma raqami va sanasi ko‘rsatiladi.

BQD-1da bayon etilgan ma‘lumotlarning to‘g‘riligi, elektron BQD-1da deklaratsiyalovchi shaxsning ERIsi, qog‘oz shakldagi BQD-1da deklaratsiyalovchi shaxsning imzosi bilan tasdiqlanadi;

**16) grafa “Tovar №”.**

BYD yoki unga qo‘shimcha varaqning aynan shunday grafasidagi tegishli tovarning tartib raqami ko‘rsatiladi;

**17) grafa “Tovar kodi”.**

Tovarning O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyatining tovar nomenklaturasiga (bundan buyon matnda TIF TN deb yuritiladi) muvofiq o‘nta raqamli kodi ko‘rsatiladi;

**“A” bo‘lim. “Hisoblash uchun asos”.**

Ushbu bo‘limda tovarning bojxona qiymatini aniqlash uchun asos bo‘ladigan amalda to‘langan yoki to‘lanishi lozim bo‘lgan bitim narxi to‘g‘risida ma‘lumotlar ko‘rsatiladi. Agar yetkazib berish shartlariga qarab (3-grafa) va tashqi savdo kontraktining (shartnomasining, kelishuvining) boshqa shartlari bo‘yicha ushbu narxga qo‘shimcha xarajatlar qo‘shilishi yoki chiqarib tashlanishi talab etilmasa, unda ko‘rsatilgan narx olib chiqilayotgan tovarning bojxona qiymatiga teng bo‘lishi mumkin. Bunday holda bojxona qiymatini ma‘lum va nazorat qilinishi ushbu narxni tekshirish va tasdiqlash uchun taqdim etilgan hujjatlar bo‘yicha xulosa qabul qilish hamda 1-usulni to‘g‘ri qo‘llanilganligiga baho berishdan iborat bo‘ladi. Bunda 12-grafadagi ma‘lumotlar yig‘indisi 23a-grafasining umumiy yig‘indisida takrorlanadi;

**18) 11a-grafa.**

Birinchi qatorda O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqish uchun sotilgan tovarga amalda to‘langan yoki to‘lanishi lozim bo‘lgan bitim narxi tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) valyutasida ko‘rsatiladi.

Ikkinchi qatorda tovarga amalda to‘langan yoki to‘lanishi lozim bo‘lgan bitim narxi O‘zbekiston Respublikasining milliy valyutasida (bundan buyon matnda milliy valyuta deb yuritiladi) qayta hisoblangan holda ko‘rsatiladi.

Uchinchi qatorda tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) valyutasining O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilangan, BYD bojxona rasmiylashtiruviga qabul qilingan kundagi milliy valyutaga nisbatan kursi ko‘rsatiladi;

**19) 11b-grafa.**

Bilvosita to‘lovlarning summasi milliy valyutada ko‘rsatiladi. Bilvosita to‘lovlar deganda sotuvchining manfaati doirasida sotib oluvchi tomonidan uchinchi shaxs nomiga amalga oshirilgan to‘lovlar, shuningdek, sotuvchining foydasiga sotib oluvchi tomonidan qandaydir tovarlarni yetkazib berish qiymati va hokazolar tushuniladi.

Mazkur grafada tegishli shartlar mavjud bo‘lgan hollar uchun deklarant yoki bojxona brokerining hujjatlari va tegishli hisob-kitoblar bilan tasdiqlangan bitim narxiga tuzatishlar kiritish miqdori aks ettiriladi (8b-grafada keltiriladi).

Agar 11b-grafada bilvosita to‘lovlar va narxga kiritilgan tuzatishlarning miqdoriy yig‘indisi ko‘rsatilgan bo‘lsa, bunda 11b-grafada ko‘rsatilgan umumiy summaning rasshifrovkasi BQD-1 varag‘ining tegishli “Qo‘shimcha ma‘lumotlar” grafasida qayd etiladi.

Agar bilvosita to‘lovlar va narxga kiritilgan tuzatishlar olib chiqilayotgan barcha yoki ma‘lum bir tovar nomlariga taalluqli bo‘lsa, bunda har bir tovar nomlari

o'rtasida bilvosita to'lovlarning miqdoriy yig'indisi 11a-grafada ko'rsatilgan har bir tovar nomlarining qiymatiga mutanosib ravishda taqsimlanadi;

**20) 12-grafa. “Jami milliy valyutada”.**

11a va 11b-grafalarning yig'indisi milliy valyutada ko'rsatiladi.

**“B” bo'lim. “Qo'shimcha hisoblar: “A” bo'limga kiritilmagan xarajatlar, milliy valyutada ko'rsatiladi.**

Ushbu bo'limda olib chiqilayotgan tovar uchun amalda to'langan yoki to'lanishi lozim bo'lgan bitim narxiga O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 316-moddasiga muvofiq kiritilishi lozim bo'lgan xarajatlar milliy valyutada ko'rsatiladi.

Agar ushbu xarajatlar sotuvchi tomonidan xorijiy valyutada amalga oshirilgan bo'lsa, u holda 24-grafada ushbu xarajatlarning qayta hisoblash bo'yicha ma'lumotlar, ushbu ma'lumotlar taalluqli bo'lgan BQD-1dagi tovar va grafasining raqamini ko'rsatish bilan, Valyutalar tasniflagichiga muvofiq valyutaning raqamli kodi, xorijiy valyutada xarajatlar summasi va BYD bojxona rasmiylashtiruviga qabul qilingan kundagi valyutani qayta hisoblash kursi ko'rsatiladi;

**21) 13-grafa “Sotuvchi tomonidan qilingan xarajatlar:”.**

Ushbu grafada 11a-grafada ko'rsatilgan amalda to'langan yoki to'lanishi lozim bo'lgan bitim narxiga kiritilmagan, ya'ni sotuvchi tomonidan sotib oluvchiga qo'yilgan hisobvaraqa-fakturaga (invoysga) kiritilmagan, biroq baholanayotgan tovarlarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqilishiga doir va sotuvchi tomonidan to'langan yoki to'lanishi lozim bo'lgan sotuvchining xarajatlari aks ettiriladi;

**22) 13a-grafa.**

Sotuvchining vositachilik va brokerlik haqlarini to'lash uchun xarajatlar, bundan tovarni xarid qilishdagi vositachilik xarajatlari mustasno, agar ular ilgari bitim narxiga kiritilmagan bo'lsa ko'rsatiladi.

Agar BQD-1 bitta partiyadagi bir necha nomlardagi tovarlarga to'ldirilayotgan bo'lsa, unda ko'rsatilgan xarajatlarning taqsimlanishi har bir tovar nomlari o'rtasida 12-grafada ko'rsatilgan tegishli miqdoriga mutanosib ravishda amalga oshirilgan holda to'ldiriladi.

Agar yuqorida ko'rsatilgan xarajatlar xorijiy valyutada to'langan bo'lsa, u holda milliy valyutada qayta hisoblash 24-grafada ko'rsatiladi;

**23) 13b-grafa.**

Sotuvchi tomonidan amalga oshirilgan konteynerlarning va (yoki) boshqa ko'p marta ishlatiladigan idishlarning qiymati, agar konteynerlar va (yoki) boshqa ko'p marta ishlatiladigan idishlar TIF TNga muvofiq baholanayotgan tovar bilan bir butun deb qaralsa hamda o'rash-joylash ishlarining va materiallarining qiymati, agar ular bitim narxiga ilgari kiritilmagan bo'lsa ko'rsatiladi. Konteyner deganda konteyner taranig bir ko'rinishi ekanligi nazarda tutiladi.

Agar ko'p marta ishlatiladigan idishdan foydalanilayotgan bo'lsa, tovarni ko'p martalik yetkazib berilishida uning qiymati har bir partiyadagi tovarlarning miqdoriga mutanosib ravishda taqsimlanadi. Idish uchun xarajatlarning mutanosib ravishda taqsimlanishi (ya'ni uning qiymatini har bir partiya uchun bo'lib-bo'lib taqsimlanishi) bojxona organlari tomonidan tashqi savdo kontraktida

(shartnomasida, kelishuvida) aks etganligi yoki boshqa biron bir hujjat bilan tasdiqlanganligi sharti mavjud bo'lsa qabul qilinadi.

Sotuvchiga idishni qaytarib berish uchun alohida to'lanadigan summalar idish uchun amalga oshirilgan xarajatlar bo'lib hisoblanmaydi.

Agar idish uchun amalga oshirilgan xarajatlar xorijiy valyutada to'langan bo'lsa, u holda milliy valyutada qayta hisoblash 24-grafada ko'rsatiladi;

#### **24) 14-grafa.**

Olib chiqiladigan tovarlarni ishlab chiqarish va/yoki eksportga sotish uchun sotib oluvchi bevosita yoki bilvosita sotuvchiga bepul yoki pasaytirilgan narx bo'yicha ko'rsatadigan xizmatlar va yetkazib beradigan tovarlar qiymatining tegishli qismi ko'rsatiladi:

xomashyo, materiallar, detallar, yarimtayyor fabrikatlar hamda olib chiqiladigan tovarning tarkibiy qismi hisoblanadigan boshqa butlovchi qismlar;

instrumentlar, shtamplar, shakllar hamda olib chiqiladigan tovarlarni ishlab chiqarishda foydalanilgan boshqa shu kabi predmetlar;

olib chiqiladigan tovarlarni ishlab chiqarishda sarflangan yordamchi materiallar;

muhandislik ishlanmalari, tajriba-konstruktorlik ishlari, dizayn, badiiy jihozlash, olib chiqiladigan tovarlarni ishlab chiqarish uchun bevosita zarur bo'lgan eskizlar va chizmalar;

#### **25) 15-grafa.**

Intellectual mulk obyektlaridan foydalanganlik uchun sotib oluvchi baholanayotgan tovarni sotish sharti sifatida bevosita yoki bilvosita to'lashi kerak bo'lgan litsenziya to'lovlari va boshqa to'lovlar milliy valyutada ko'rsatiladi, eksport qilinadigan tovarlarni O'zbekiston Respublikasi hududidan tashqarida ko'paytirish (dublikat qilish) huquqi uchun to'lovlar bundan mustasno (9a-grafa bilan o'zaro bog'liq bo'lgan holda).

Bunda sotib oluvchi bevosita sotuvchiga yoki uning foydasiga uchinchi shaxsga to'lashi lozim bo'lgan intellectual mulk obyektlaridan foydalanganlik uchun litsenziya to'lovlari va boshqa to'lovlar inobatga olinadi.

Agar intellectual mulk obyektlaridan foydalanganlik uchun litsenziya to'lovlari va boshqa to'lovlar olib chiqilayotgan barcha yoki ma'lum bir tovarlar nomlariga taalluqli bo'lsa hamda intellectual mulk obyektlaridan foydalanish huquqini berish to'g'risidagi kelishuvda bunday foydalanish uchun tovarlarning alohida nomlari o'rtasida to'lovlarning taqsimlanishi ko'rsatilmagan bo'lsa (masalan, bir martalik to'lov), u holda intellectual mulk obyektlaridan foydalanganlik uchun to'lovlarning miqdoriy yig'indisi 12-grafada ko'rsatilgan tovarlarning har bir nomlari qiymatiga mutanosib ravishda taqsimlanadi, bundan deklarant yoki bojxona brokerining xohishiga ko'ra shunday to'lovlarning miqdoriy yig'indisi soliqqa solishning eng yuqori darajasiga ega bo'lgan tovarning bojxona qiymatiga qo'shiladigan holatlar mustasno. Deklarant yoki bojxona brokerining xohishiga ko'ra intellectual mulk obyektlaridan foydalanganlik uchun to'lovlarning miqdoriy yig'indisi bunday to'lovlarni nazarda tutuvchi birinchi partiya tovarlarga nisbatan qo'llanishi mumkin.

Agar yuqorida ko'rsatilgan xarajatlar xorijiy valyutada to'langan bo'lsa, u holda milliy valyutada qayta hisoblash 24-grafada ko'rsatiladi;

**26) 16-grafa.**

Ushbu grafada olib chiqiladigan tovarni keyinchalik biron-bir tarzda qayta sotish, tasarruf etish yoki ulardan foydalanishdan olingan, tovar O'zbekiston Respublikasining bojxona hududidan olib chiqilgandan keyin sotuvchiga bevosita yoki bilvosita tegishli bo'ladigan tushumlarning har qanday qismining qiymati (9b-grafa bilan bog'langan holda) inobatga olinadi;

**27) 17-grafa “Bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joygacha qilinadigan xarajatlar:”**

O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqilayotgan tovarning bojxona qiymatini aniqlashda bitim narxiga tovarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joyga yetkazib berilgunga qadar qilinadigan xarajatlar, agar bu xarajatlar bitim narxiga kiritilmagan bo'lsa, kiritiladi.

BQD-1ning 17-grafasida 11a-grafada ko'rsatilgan bitim narxiga yetkazish shartlariga muvofiq qo'shilmagan, sotuvchi tomonidan alohida to'lanishi shart bo'lgan va bojxona qiymatiga qo'shilishi lozim bo'lgan tovarning haqiqatda yetkazib berish joyi ko'rsatilishi kerak.

13 — 17 grafalardagi barcha ma'lumotlar milliy valyutada ko'rsatiladi.

Agar 17a — 17v-grafalarida ko'rsatilgan xarajatlar xorijiy valyutada to'langan bo'lsa, u holda milliy valyutada qayta hisoblash 24-grafada ko'rsatiladi;

**28) 17a-grafa.**

Grafada milliy valyutada tovarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joyga yetkazib berilgunga qadar qilinadigan tashish xarajatlari, agar yetkazib berish shartlariga muvofiq ular bitim narxiga kiritilmagan bo'lsa (11a-grafa), kiritiladi.

Agar BQD-1 turli nomdagi tovarlar uchun to'ldirilayotgan bo'lsa, tashish xarajatlari tegishli tovarlar o'rtasida ularning brutto og'irligiga mutanosib ravishda taqsimlanadi;

**29) 17b-grafa.**

Grafada milliy valyutada tovarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joyga yetkazib berilgunga qadar qilinadigan tovarlarni yuklash, tushirish, qayta yuklash va boshqa joyga to'kish xarajatlari, agar ular bitim narxiga kiritilmagan bo'lsa (11a-grafa), kiritiladi.

Agar BQD-1 turli nomdagi tovarlar uchun to'ldirilayotgan bo'lsa, bunday xarajatlar tegishli tovarlar o'rtasida ularning brutto og'irligiga mutanosib ravishda taqsimlanadi;

**30) 17d-grafa.**

Grafada milliy valyutada tovarning sug'urta qiymati, agar u ilgari bitim narxiga kiritilmagan bo'lsa (11a-grafa), ko'rsatiladi.

Agar BQD-1 turli nomdagi tovarlar uchun to'ldirilayotgan bo'lsa, sug'urta qiymati tegishli tovarlar o'rtasida 12-grafada ko'rsatilgan qiymatga mutanosib ravishda taqsimlanadi;

**31) 18-grafa “Jami milliy valyutada”.**

**“B” bo‘limda ko‘rsatilgan miqdor milliy valyutada ko‘rsatiladi.**

**“D” bo‘lim. “Chegirmalar: “A” bo‘limga kiritilgan to‘lov va xarajatlar, milliy valyutada”.**

Mazkur bo‘limda “A” bo‘limga kirgan, lekin O‘zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 317-moddasiga muvofiq olib chiqiladigan tovarning bitim narxidan, basharti ular baholanayotgan tovar uchun amalda to‘langan yoki to‘lanishi lozim bo‘lgan narxdan ajratib olingan, deklarant yoki bojxona brokeri tomonidan ma‘lum qilingan hamda ular tomonidan hujjat bilan tasdiqlangan bo‘lsa, chiqarib tashlanishi shart bo‘lgan to‘lovlar va xarajatlarning summasi milliy valyutada ko‘rsatiladi.

Agar bunday xarajatlar xorijiy valyutada ko‘rsatilgan bo‘lsa, u holda 24-grafada qayta hisoblash bo‘yicha ma‘lumotlar, ushbu ma‘lumotlar taalluqli bo‘lgan BQD-Idagi tovar va grafasining raqamini ko‘rsatish bilan, Valyutalar tasniflagichiga muvofiq valyutaning raqamli kodi, xorijiy valyutada xarajatlar summasi va BYD bojxona rasmiylashtiruviga qabul qilingan kundagi valyutani qayta hisoblash kursi ko‘rsatiladi;

**32) 19-grafa.**

Sanoat qurilmalari, mashinalar yoki uskunalar kabi tovarlar bojxona hududidan olib chiqilganidan so‘ng amalga oshirilgan uskunalarni qurish, o‘rnatish, yig‘ish, montaj qilish, sozlash va ularga xizmat ko‘rsatish yoki texnik ko‘maklashish xarajatlarining, agar tashqi savdo kontraktida (shartnomasida, kelishuvida) bunday ishlar ko‘zda tutilgan hamda baholanayotgan tovar uchun amalda to‘langan yoki to‘lanishi lozim bo‘lgan bitim narxidan ajratib olingan bo‘lsa, tegishli summa ko‘rsatiladi;

**33) 20-grafa.**

O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqilganidan keyin belgilangan joygacha yetkazib berish bilan bog‘liq tashish xarajatlarining summasi, agar baholanayotgan tovar uchun amalda to‘langan yoki to‘lanishi lozim bo‘lgan bitim narxidan ajratib olingan bo‘lsa, ko‘rsatiladi;

**34) 21-grafa.**

Tovarni olib kirish yoki sotish bilan bog‘liq bo‘lgan import mamlakatida sotuvchi tomonidan to‘lanadigan bojxona to‘lovlari summasi, agar tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) shartlarida sotuvchi tomonidan to‘lanishi belgilangan bo‘lsa, ko‘rsatiladi;

**35) 22-grafa.**

“D” bo‘limda ko‘rsatilgan miqdor milliy valyutada ko‘rsatiladi.

19 — 22 grafalardagi barcha ma‘lumotlar milliy valyutada ko‘rsatiladi;

**36) 23a-grafa.**

12 va 18-grafalarda ko‘rsatilgan miqdorni qo‘shish va 22-grafada ko‘rsatilgan ushbu miqdor summasidan ayirish yo‘li bilan hisoblangan tovarning bojxona qiymati milliy valyutada ko‘rsatiladi;

**37) 23b-grafa.**

23a-grafada ko‘rsatilgan tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) valyutasida qayta hisoblangan bojxona qiymati ko‘rsatiladi. Tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) valyutasida qayta hisoblash “A” bo‘limda ko‘rsatilgan

valyuta kursi bo'yicha amalga oshiriladi. Hosil bo'lgan summa BYDda bojxona to'lovlarini hisoblash uchun asos sifatida ko'rsatilgan ma'lumotlarga mos kelishi lozim.

Agar bitim bo'yicha hujjatlar bilan xorijiy valyuta turi belgilanmagan bo'lsa, unday holda 23b-grafadagi ma'lumotlar AQSH dollarida ko'rsatiladi;

**38) 24-grafa.**

Agar bojxona qiymatini tarkibiga kiruvchi bir yoki bir necha qismlar (13 — 21 grafalarda ko'rsatilishi lozim bo'lgan) tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi), hisobvaraqq-faktura (invoys) yoki boshqa tijorat hujjatlarda xorijiy valyutada ko'rsatilgan bo'lsa, qayta hisoblash bo'yicha ma'lumotlar, ushbu ma'lumotlar taalluqli bo'lgan BQD-1dagi tovar va grafasining raqami, Valyutalar tasniflagichiga muvofiq valyutaning raqamli kodi, xorijiy valyutadagi xarajatlar summasi va qayta hisoblashga tegishli bo'lgan kurs ko'rsatiladi;

**39) “Qo'shimcha ma'lumotlar” grafasi.**

BQD-1da ko'rsatilgan axborotlarga taalluqli bo'lgan har qanday qo'shimcha ma'lumotlar (hisob-kitoblar) ko'rsatiladi.

### **3-bob. BQD-2ni to'ldirish**

15. Deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan 1, 2a, 2b, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, “Tovar №”, “Tovar kodi”, 11, 12, 12a — 12f, 13, 13a, 13b, 14, 14a — 14f, 15, 16, 17, 17a — 17d, 18, 18a, 18b, 19, 20, 21, 22, 23a, 23b, 24, “Qo'shimcha ma'lumotlar”, “Imzo” grafalari to'ldiriladi.

1, 2a, 2b, 3-grafalar BQD-1ning tegishli grafalarini to'ldirish tartibiga muvofiq to'ldiriladi.

16. Bojxona organi mansabdor shaxsi tomonidan BQD-2ning asosiy va qo'shimcha varaqlaridagi “Bojxona belgilari uchun” maydonchasi to'ldiriladi.

### **1-§ BQD-2ning asosiy varag'i**

17. Deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan grafalarning to'ldirilishi quyidagicha amalga oshiriladi:

**1) 4-grafa.**

Deklaratsiyalanayotgan tovarni olib chiqish uchun asos bo'lgan hujjatning turi, raqami va sanasi (masalan, tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) tovarlarning barter yoki kompensatsion operatsiyalar doirasida yetkazib berilishi va h.k.) ko'rsatiladi;

**2) 5-grafa.**

4-grafada ko'rsatilgan hujjatlar bo'yicha ilgari olib chiqilgan tovarlar yuzasidan bojxona organlarining qabul qilingan qarorlari bo'yicha hujjatlari yoki bunday tovarlarga nisbatan sud organlari qarorlarining rekvizitlari (raqami va sanasi) ko'rsatiladi;

**3) 6-grafa.**

Deklaratsiyalanayotgan tovarning bojxona qiymatini aniqlash uchun foydalanilayotgan usulga “X” belgisi qo'yiladi.

Bojxona qiymati 1-usul asosidagi 6-usul bilan aniqlanganida faqatgina (f) maydonchasiga belgi qo'yiladi.

Bojxona qiymati 2-3, 5-usul va u(lar) asosidagi 6-usul bilan aniqlanganida (e) maydonchasiga belgi qo'yilishi bilan bir vaqtning o'zida 2-3 va 5-usullardan biriga tegishli bo'lgan maydonchaga ham belgi qo'yiladi.

Agar BQD-2ning "Tovar №" grafalarida turli raqamlar bilan ko'rsatilgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashda bojxona qiymatini aniqlashning turli xil usullaridan foydalanilayotgan bo'lsa, (g) maydonchasiga belgi qo'yiladi;

#### **4) 7-grafa.**

Ushbu grafada 6-grafada ko'rsatilgan usuldan barcha oldingi usullarni qo'llab bo'lmaslik sabablari qisqacha asoslab beriladi, bunda 1-usul uchun uni nimaga muvofiq qo'llab bo'lmasligining aniq sabablari ko'rsatilishi shart, boshqa usullar uchun ularni qo'llab bo'lmaslik asosi sifatida tegishli hujjat va ma'lumotlar mavjud emasligi sababi ko'rsatiladi.

*Masalan: agar 6-grafada 3-usul belgilangan bo'lsa, 7-grafada quyidagilar ko'rsatilishi mumkin:*

*1-usulni qo'llab bo'lmaydi, chunki ko'rib chiqilayotgan bitim o'zaro bog'liq shaxslar o'rtasida tuzilgan va o'zaro bog'liqlik bitimning narxiga ta'sir ko'rsatgan. Ushbu baholashning qiymatga ta'sirini aniqlash imkoniyati mavjud emas;*

*2-usul — aynan bir xil tovarlar bo'yicha ma'lumot mavjud emas;*

#### **5) 8-grafa.**

Bojxona qiymatini aniqlashda qo'llanilgan usuldan kelib chiqib ma'lum qilingan ma'lumotlarni tasdiqlash uchun taqdim etilgan asosiy hujjatlarning nomi va rekvizitlari ko'rsatiladi.

Bojxona qiymati 2 va 3-usullar bo'yicha aniqlanganda, mazkur grafa to'ldirilmaydi. Bunda, bojxona qiymatini 2 va 3-usullar bo'yicha aniqlash uchun foydalanilgan axborot manbalari 20-grafada ko'rsatiladi.

Bojxona qiymati 5 va u asosidagi 6-usullar bo'yicha aniqlanganda, tovarning hisob-kitob qilingan qiymati asosida qabul qilingan hujjatlar har birining oldiga ularning tartib raqami qo'yilgan holda ko'rsatiladi (rekvizitlarning har biri yangi satrdan boshlanadi):

ishlab chiqarish uchun qilingan xarajatlar hamda materiallarni sotib olish va (yoki) baholanayotgan tovarlarni ishlab chiqarish bo'yicha ishlab chiqaruvchi (sotuvchi) xarajatlari to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan buxgalterlik hujjatlari, shuningdek, baholanayotgan tovarni ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan boshqa operatsiyalar, shu jumladan, idish va o'rash-joylash uchun qilingan xarajatlar, shu bilan birga, loyihalashning, tajriba-konstruktorlik ishlarining, badiiy bezatishning, dizaynning, eskizlarning yoki chizmalarning qiymatlari ishlab chiqaruvchi to'laganligi umume'tirof etilgan buxgalterlik hisobi tamoyillariga muvofiq tuzilgan baholanayotgan tovar ishlab chiqaruvchisining tijorat hisobvaraqlari raqami va sanasi;

ishlab chiqaruvchi va (yoki) sotuvchining baholanayotgan tovar ishlab chiqarilgan ayni o'sha klassdagi va turdagi tovarni eksport qilishda sotuvchi tomonidan olinadigan foyda va yuqorida aks ettirilmagan umumiy xarajatlarning

hajmi to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan buxgalterlik hujjatlari raqami va sanasi;

bitim shartlariga muvofiq sug'urta hujjatlari, tashish uchun hisobvara-q-faktura (invoys) (tashish xarajatlari kalkulyatsiyasi), O'zbekiston Respublikasining bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joyigacha (punktgacha) yetkazib berish bo'yicha xarajatlarni tasdiqlovchi hujjatlar.

Bojxona qiymati 1-usul asosidagi 6-usul bo'yicha aniqlanganda bojxona qiymatini 1-usul bo'yicha aniqlashda birmuncha qayishqoqlik bilan uni qo'llash orqali foydalanilgan hujjatlar ko'rsatiladi;

**6) 9-grafa “Qo'shimcha varaqlar soni”.**

BQD-2ga qo'shimcha varaqlar soni ko'rsatiladi (varaqlar soni oxirgi varaqning raqamidan ikkitaga kamaytirilgan raqamga to'g'ri kelishi kerak);

**7) 10-grafa “Joy va sana:”.**

BQD-1ning 10b-grafasini to'ldirish uchun belgilangan tartibda to'ldiriladi.

**2-§ 2-usul va u asosidagi 6-usul uchun BQD-2ning ikkinchi asosiy varag'i**

18. Deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan grafalarning to'ldirilishi quyidagicha amalga oshiriladi:

**1) “Tovar №” grafasi.**

BYD yoki unga qo'shimcha varaqning aynan shunday grafasidagi tegishli tovarning tartib raqami ko'rsatiladi;

**2) “Tovar kodi” grafasi.**

Tovarning TIF TNga muvofiq o'nta raqamli kodi ko'rsatiladi;

**3) 11-grafa.**

**“A” bo'lim “Hisoblash uchun asos”.**

Bojxona qiymatini 2-usul bo'yicha aniqlashda O'zbekiston Respublikasidan olib chiqiladigan tovarlar yetkazib beriladigan va eksport qilinadigan mamlakatga olib chiqish uchun sotilgan va O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan baholanayotgan tovar olib chiqilguniga qadar to'qson kalendar kun ichida olib chiqilgan, taxminan o'sha miqdorda va (yoki) o'sha tijorat shartlarida olib chiqilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati milliy valyutada ko'rsatiladi (BQD-2ning 23a-grafasi).

Bojxona qiymati 2-usul asosidagi 6-usul bo'yicha aniqlashda aynan bir xil tovar birligining narxi ko'rsatiladi;

**“B” bo'lim. “Bitim qiymatiga tuzatishlar (+/-)”.**

Mazkur bo'limda olib chiqilgan aynan bir xil tovarning shartlarini baholanayotgan tovarning shartlariga solishtirib bo'ladigan ko'rinishga keltirilishini ta'minlaydigan 11-grafada ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymatiga tegishli tuzatishlar ko'rsatiladi.

Tuzatishlar kiritish agar ular aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymatini ko'paytirsam “+” belgisi bilan bo'lishi mumkin, shuningdek, agar ular aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymatini kamaytirsam, “-” belgisi bilan bo'lishi mumkin.

Aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymatiga tuzatishlar kiritish

deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan to'g'ri va hujjat bilan tasdiqlangan ma'lumotlar asosida amalga oshirilishi lozim;

**4) 12a-grafa.**

Tovar birligi uchun narxni o'zgarishi munosabati bilan 11-grafada ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati kamaytirilishi lozim bo'lgan miqdor ko'rsatiladi.

*Masalan, tashqi savdo kontraktiga (shartnomasiga, kelishuviga) muvofiq, tovarning bir birlik uchun narxi tovar birligining sotilgan miqdoriga bog'liq bo'lsa, biroq baholanayotgan va aynan bir xil tovarlar tovarning birligi uchun narxlarining turli xil darajalariga mos keluvchi miqdorlarda sotilgan holatlar nazarda tutiladi.*

Agar 11-grafada baholanayotgan tovar bilan taxminan o'sha miqdorda sotilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati ko'rsatilsa (ya'ni tovar birligi uchun aynan o'sha va bir xil narxda) yoki tovar birligi uchun narx shu tovar birligining sotilgan miqdoriga bog'liqligini hujjat bilan tasdiqlashning imkoniyati mavjud bo'lmasa grafa to'ldirilmaydi;

**5) 12b-grafa.**

11-grafadagi ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati kamaytirilishi lozim bo'lgan miqdor agar aynan bir xil tovar baholanayotgan tovar bilan o'sha tijorat shartlarida sotilgan deb qaralganda ko'rsatiladi.

Agar baholanayotgan tovar bilan o'sha tijorat (ulgurji, chakana) shartida sotilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati ko'rsatilsa, 11-grafa to'ldirilmaydi;

**6) 12d-grafa.**

Ushbu grafada quyidagilar ko'rsatiladi:

baholanayotgan tovarning O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqiladigan joyi (geografik punkti);

aynan bir xil tovar hamda baholanayotgan tovarning O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joygacha yetkazib berish bilan bog'liq bo'lgan tashish xarajatlarining farqi.

Agar baholanayotgan tovar aynan bir xil tovarga nisbatan farqli ravishda boshqa yo'nalishlar va (yoki) boshqa transport turi orqali tashilayotgan bo'lsa grafa to'ldiriladi;

**7) 12e-grafa.**

Aynan bir xil tovarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joygacha yetkazib berish bilan bog'liq bo'lgan yuklash, tushirish, qayta yuklash va boshqa joyga to'kish xarajatlarining farqi ko'rsatiladi;

**8) 12f-grafa.**

12d va 12e-grafalarda ko'rsatilgan operatsiyalarni amalga oshirish bilan bog'liq baholanayotgan tovar va aynan bir xil tovarning sug'urta qiymatlarining farqi ko'rsatiladi.

Agar 11-grafada ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymatiga qo'shilgan xarajatlar baholanayotgan tovarga nisbatan tegishli bo'lgan bunday xarajatlardan jiddiy farqlansa 12e va 12f-grafalar to'ldiriladi;

**9) 13-grafa.**

12a — 12f grafalarda keltirilgan miqdor milliy valyutada ko'rsatiladi;

**10) 14a-grafa.**

Tovar birligi uchun narxini o'zgarishi munosabati bilan 11-grafada ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitim qiymatini ko'paytirilishi lozim bo'lgan miqdor ko'rsatiladi.

*Masalan, tashqi savdo kontraktiga (shartnomasiga, kelishuviga) muvofiq tovarning bir birlik uchun narxi tovar birligini sotilgan miqdoriga bog'liq bo'lsa, biroq baholanayotgan va aynan bir xil tovarlar tovarning birligi uchun narxlarining turli xil darajalariga mos keluvchi miqdorlarda sotilgan holatlar nazarda tutiladi.*

Agar 11-grafada baholanayotgan tovar bilan taxminan o'sha miqdorda sotilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati ko'rsatilsa (ya'ni tovar birligi uchun aynan o'sha va bir xil narxda) yoki tovar birligi uchun narxi shu tovar birligining sotilgan miqdoriga bog'liqligi hujjat bilan tasdiqlashning imkoniyati mavjud bo'lmasa, grafa to'ldirilmaydi;

**11) 14b-grafa.**

11-grafadagi ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati ko'paytirilishi lozim bo'lgan miqdor agar aynan bir xil tovar baholanayotgan tovar bilan o'sha tijorat (ulgurji, chakana) shartlarida sotilgan deb qaralganda ko'rsatiladi.

Agar baholanayotgan tovar bilan o'sha tijorat (ulgurji, chakana) shartida sotilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymati ko'rsatilsa, 11-grafa to'ldirilmaydi;

**12) 14d-grafa.**

Ushbu grafada quyidagilar ko'rsatiladi:

baholanayotgan tovarning O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqiladigan joyi (geografik punkti);

aynan bir xil tovar hamda baholanayotgan tovarning O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joygacha yetkazib berish bilan bog'liq bo'lgan tashish xarajatlarining farqi;

agar baholanayotgan tovar aynan bir xil tovarga nisbatan farqli ravishda boshqa yo'nalishlar va (yoki) boshqa transport turi orqali tashilayotgan bo'lsa mazkur grafa to'ldiriladi;

**13) 14e-grafa.**

Aynan bir xil tovarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joygacha yetkazib berish bilan bog'liq bo'lgan yuklash, tushirish, qayta yuklash va boshqa joyga to'kish xarajatlarining farqi ko'rsatiladi;

**14) 14f-grafa.**

14d va 14e-grafalarda ko'rsatilgan operatsiyalarni amalga oshirish bilan bog'liq baholanayotgan tovar va aynan bir xil tovarning sug'urta qiymatlarining farqi ko'rsatiladi.

Agar 11-grafada ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitim qiymatiga qo'shilgan xarajatlar baholanayotgan tovarning xuddi shunday xarajatlaridan sezilarli farq qilsa (farqning sezilarli ekanligi bitimning tijorat sharti, tovarning miqdori hamda ushbu farqning baholanayotgan tovar bojxona qiymati va bojxona

to'lovlari summasiga ta'siri darajasini inobatga olgan holda aniqlanadi), 14e va 14f-grafalar to'ldiriladi;

**15) 15-grafa.**

14a — 14f grafalardagi miqdor milliy valyutada ko'rsatiladi;

**16) 16-grafa.**

11-grafada ko'rsatilgan aynan bir xil tovarga doir bitimning qiymatini 13-grafada ko'rsatilgan summaga kamaytirilgan hamda 15-grafada ko'rsatilgan summaga ko'paytirilgan holda ko'rsatiladi.

Agar aynan bir xil tovar baholanayotgan tovar bilan o'sha tijorat (ulgurji, chakana) shartida va taxminan o'sha miqdorda sotilgan bo'lsa, shuningdek baholanayotgan va aynan bir xil tovarlarga nisbatan tashilayotgan transport turi va ular tashilayotgan masofalarning turli xil bo'lishiga qaramasdan O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 316-moddasi birinchi qismi "a" bandida ko'rsatilgan xarajatlarni hisobga olishda ushbu xarajatlar bitim qiymatiga sezilarli ta'sir qilmasa (ta'sirning sezilarli ekanligi bitimning tijorat sharti, tovarning miqdori hamda ushbu farqning baholanayotgan tovar bojxona qiymati va bojxona to'lovlari summasiga ta'siri darajasini inobatga olgan holda aniqlanadi) va bitimga tuzatishlar kiritish zarurati bo'lmasa, bunda 16-grafada 11-grafada ko'rsatilgan bitim qiymatining miqdori ko'rsatiladi.

**17) 17-grafa.**

Tovar miqdori tegishli o'lchov birliklarida (kilogrammlar, donalar va boshqa) bunday o'lchov birliklari bevosita ushbu miqdorga keltirilgandan keyin ko'rsatiladi.

Agar baholanayotgan va aynan bir xil tovarlar miqdori bir xil bo'lgan holda grafa to'ldirilmaydi. Mazkur grafada 12a, 14a-grafalarda ko'rsatilgan tuzatishlar hisobga olinmaydi;

**18) 17a-grafa.**

11-grafadagi bitim qiymati ko'rsatilgan aynan bir xil tovarning miqdori ko'rsatiladi;

**19) 17b-grafa.**

Baholanayotgan (deklaratsiyalanayotgan) tovarning miqdori ko'rsatiladi;

**20) 18a-grafa.**

Bojxona qiymatini 2-usul bo'yicha aniqlashda 17a-grafada ko'rsatilgan miqdorga 17b-grafada ko'rsatilgan miqdor nisbatiga 16-grafada ko'rsatilgan miqdorni ko'paytirish yo'li bilan hisoblangan baholanayotgan tovarning bojxona qiymati ko'rsatiladi.

Agar 17-grafa to'ldirilmagan bo'lsa, 16-grafadagi ma'lumotlardan foydalaniladi;

**21) 18b-grafa.**

18a-grafada ko'rsatilgan O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilangan, BYD bojxona rasmiylashtiruviga qabul qilingan kundagi milliy valyuta kursi bo'yicha AQSH dollariga qayta hisoblangan baholanayotgan tovarning bojxona qiymati ko'rsatiladi;

**22) 19-grafa.**

Agar bojxona qiymatini tarkibiga kiruvchi bir yoki bir necha qismlar ("B" bo'limda ko'rsatilishi lozim bo'lgan) xorijiy valyutada ko'rsatilgan bo'lsa, qayta hisoblash bo'yicha ma'lumotlar, ushbu ma'lumotlar taalluqli bo'lgan BQD-2dagi

товар va grafasining raqami, Valyutalar tasniflagichiga muvofiq valyutaning raqamli kodi, xorijiy valyutadagi xarajatlar summasi va qayta hisoblashga tegishli bo'lgan kurs ko'rsatiladi;

### **23) 20-grafa.**

Mazkur grafada bojxona qiymatini 2 va 3-usullar hamda ushbu usullar asosidagi 6-usul bo'yicha aniqlash uchun foydalaniladigan axborot manbalari ko'rsatiladi.

Agar bojxona qiymatini hisoblash uchun BYD asosidagi elektron baza ma'lumotlaridan foydalanilsa, bunday holda grafada quyidagi ma'lumotlar ko'rsatiladi (rekvizitlarning har biri yangi satrdan boshlanadi va har birining oldiga ularning tartib raqami qo'yiladi):

- 1) tovar raqami;
- 2) BYD raqami;
- 3) aynan bir xil tovar birligi qiymati;
- 4) Valyutalar tasniflagichiga muvofiq valyutaning raqamli kodi;
- 5) BYD bojxona rasmiylashtiruviga qabul qilingan kundagi valyutani qayta hisoblash kursi;

6) TIF TNda ko'rsatilgan "O'lchov birliklari jadvali"ga muvofiq o'lchov birligining raqamli kodi. Agar mazkur tovar uchun TIF TN bo'yicha faqatgina asosiy o'lchov birligi (kg) qo'llanilsa, grafada uning kodi (166) ko'rsatiladi.

Agar bojxona qiymatini hisoblash uchun muqobil manbalardan foydalanilsa, bunday holda grafada quyidagi ma'lumotlar ko'rsatiladi (rekvizitlarning har biri yangi satrdan boshlanadi va har birining oldiga ularning tartib raqami qo'yiladi):

- 1) tovar raqami;
- 2) muqobil manba;
- 3) aynan bir xil tovar birligi qiymati;
- 4) tovarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joygacha yetkazib berish bilan bog'liq bo'lgan xarajatlarning summasi;
- 5) Valyutalar tasniflagichiga muvofiq valyutaning raqamli kodi;
- 6) BYD bojxona rasmiylashtiruviga qabul qilingan kundagi valyutani qayta hisoblash kursi;

7) TIF TNda ko'rsatilgan "O'lchov birliklari jadvali"ga muvofiq o'lchov birligining raqamli kodi. Agar mazkur tovar uchun TIF TN bo'yicha faqatgina asosiy o'lchov birligi (kg) qo'llanilsa, grafada uning kodi (166) ko'rsatiladi.

Muqobil manba sifatida ishlab chiqaruvchi korxonalar yoki yetkazib beruvchilarning rasmiy e'lon qilinadigan ma'lumotnomalari, byulletenlari, birja kotirovkalari, prays-varaqlardan, ular uyushmalari yoki birlashmalarining yig'ma narx ma'lumotnomalaridan, rasmiy ro'yxatdan o'tkazilgan dilerlar yoki distribyutorlarning ma'lumotlaridan, shuningdek, narxlar konyunkturasini xolis shakllantiradigan umumiy foydalaniladigan narx to'g'risidagi ma'lumotlarning boshqa ishonchli manbalari qabul qilinishi mumkin;

### **24) "Imzo" grafasi.**

Ma'lumotlarning to'g'riligi deklaratsiyalovchi shaxsning ERIsi, qog'oz shakli deklaratsiyalovchi shaxsning imzosi bilan tasdiqlanadi.

**3-§ 3-usul va u asosidagi 6-usul uchun BQD-2ning ikkinchi asosiy varag'i**

19. “Tovar №”, “Tovar kodi”, 11, 12a — 12f, 13, 14a — 14f, 15, 16, 17a, 17b, 18a, 18b, 19, 20, “Imzo” grafalarini to'ldirish tartibi 2-usul va u asosidagi 6-usul uchun BQD-2ning ikkinchi asosiy varag'ining grafalarini to'ldirish tartibi bilan o'xshash bo'ladi.

**4-§ 5-usul va u asosidagi 6-usul uchun BQD-2ning ikkinchi asosiy varag'i**

20. Deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan grafalarning to'ldirilishi quyidagicha amalga oshiriladi:

**1) “Tovar №” grafasi.**

BYD yoki unga qo'shimcha varaqning aynan shunday grafasidagi tegishli tovarning tartib raqami ko'rsatiladi;

**2) “Tovar kodi” grafasi.**

Tovarning TIF TNga muvofiq o'nta raqamli kodi ko'rsatiladi;

**3) 11-grafa.**

Ishlab chiqaruvchining (sotuvchining) baholanayotgan tovarni tayyorlashda sarflagan materiallarining qiymati hamda ishlab chiqarish va (yoki) ishlov berish, shuningdek baholanayotgan (olib chiqilayotgan) tovarni ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan boshqa operatsiyalarni bajarish xarajatlarining umumiy summasi ko'rsatiladi.

Tovarning bojxona qiymatini 5-usul bo'yicha hisoblash uchun zarur bo'lgan barcha ma'lumotlar, agar ular to'g'ri, miqdoriy jihatdan aniqlash mumkin bo'lgan va hujjatlar bilan tasdiqlangan axborotga asoslangan bo'lsa foydalanish mumkin. Tovarning bojxona qiymatini hisoblash uchun zarur bo'lgan ma'lumotlar ishlab chiqaruvchining tijorat hisoblari, bunday hisoblar tovar O'zbekiston Respublikasida qo'llaniladigan hisobga olishning umumiy qabul qilingan tamoyillariga muvofiq bo'lgandagina qo'llanilishi lozim;

**4) 12-grafa.**

11-grafada aks ettirilmagan umumiy xarajatlarning hajmi va baholanayotgan tovar ishlab chiqarilgan ayni o'sha klassdagi va turdagi tovarni eksport qilishda odatda sotuvchi tomonidan olinadigan foyda ko'rsatiladi;

**5) 13-grafa.**

Baholanayotgan tovarlarni O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqib ketiladigan joygacha yetkazib berilgunga qadar qilinadigan tashish xarajatlarining miqdori ko'rsatiladi.

Agar tashish turli xil transportlarda amalga oshirilayotgan bo'lsa, bunday hollarda barcha transport turlaridagi tashish xarajatlarining summalari hisobga olinadi.

Agar BQD-2 turli nomdagi tovarlar uchun to'ldirilayotgan bo'lsa, bunday tovarlarni tashish xarajatlari tegishli tovarlar o'rtasida ularning brutto og'irligiga mutanosib ravishda taqsimlanadi.

13-grafada bojxona qiymatiga qo'shilishi lozim bo'lgan xarajatlarning

O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan olib chiqiladigan joyi (geografik punkti) ko'rsatiladi;

**6) 14-grafa.**

O'zbekiston Respublikasi bojxona hududidan ushbu tovarni olib chiqib ketiladigan joygacha yetkazib berishni amalga oshirishda uni tashish bilan bog'liq bo'lgan baholanayotgan tovarni yuklash, tushirish, qayta yuklash va boshqa joyga to'kish xarajatlari ko'rsatiladi.

Agar BQD-2 turli nomdagi tovarlar uchun to'ldirilayotgan bo'lsa, bunday xarajatlar tegishli tovarlar o'rtasida ularning brutto og'irligiga mutanosib ravishda taqsimlanadi;

**7) 15-grafa.**

13-14-grafalarda ko'rsatilgan operatsiyalarni amalga oshirish bilan bog'liq sug'urta qiymati ko'rsatiladi.

Agar BQD-2 turli nomdagi tovarlar uchun to'ldirilayotgan bo'lsa, sug'urta qiymati tegishli tovarlar o'rtasida ularning qiymatiga mutanosib ravishda taqsimlanadi;

**8) 16a-grafa.**

11 — 15 grafalarda ko'rsatilgan miqdor summasi sifatida hisoblangan baholanayotgan tovarning bojxona qiymati ko'rsatiladi;

**9) 16b-grafa.**

16a-grafada ko'rsatilgan milliy valyuta kursi bo'yicha AQSH dollariga qayta hisoblangan baholanayotgan tovarning bojxona qiymati ko'rsatiladi;

**10) 17-grafa.**

Agar bojxona qiymatini tarkibiga kiruvchi bir yoki bir necha qismlar ("B" bo'limda ko'rsatilishi lozim bo'lgan) xorijiy valyutada ko'rsatilgan bo'lsa, qayta hisoblash bo'yicha ma'lumotlar, ushbu ma'lumotlar taalluqli bo'lgan tovar va grafaning raqami, Valyutalar tasniflagichiga muvofiq valyutaning raqamli kodi, xorijiy valyutadagi xarajatlar summasi va qayta hisoblash uchun asos bo'lgan kurs ko'rsatiladi;

**11) "Qo'shimcha ma'lumotlar" grafasi.**

Mazkur grafada ko'rsatilgan axborotlarga taalluqli bo'lgan har qanday qo'shimcha ma'lumotlar (hisob-kitoblar) ko'rsatiladi;

**12) "Imzo" grafasi.**

Ma'lumotlarning to'g'riligi deklaratsiyalovchi shaxsning ERIsi, qog'oz shakli deklaratsiyalovchi shaxsning imzosi bilan tasdiqlanadi;

**1-usul asosidagi 6-usul uchun BQD-2ning ikkinchi asosiy varag'i**

21. Deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan grafalarning to'ldirilishi quyidagicha amalga oshiriladi:

**1) "Tovar №" grafasi.**

BYD yoki unga qo'shimcha varaqning aynan shunday grafasidagi tegishli tovarning tartib raqami ko'rsatiladi;

**2) "Tovar kodi" grafasi.**

Tovarning TIF TNga muvofiq o'nta raqamli kodi ko'rsatiladi.

22. 11 — 24-grafalar BQD-ning 11 — 24-grafalarini to'ldirish tartibiga tatbiq etilgan quyidagi xususiyatlarni inobatga olgan holda to'ldiriladi:

O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 315-moddasi talablaridan kelib chiqib, baholanayotgan tovarning bojxona qiymatini aniqlash uchun oldi-sotdi bitimi mavjud bo'lmagan yoki amalda to'langan yoxud to'lanishi lozim bo'lgan narx hujjatlarda ko'rsatilgan ma'lumotlarga to'g'ri kelmagan hollarda, ushbu tovarning amalda to'langan yoki to'lanishi lozim bo'lgan narxiga yaqin bo'lgan qiymat ko'rsatilishi mumkin.

Agar baholanayotgan tovarning bojxona qiymatini aniqlash uchun 1-usulni qo'llab bo'lmaslik qo'shimcha hisoblarni zarur bo'lgan hujjatlar bilan tasdiqlash imkoniyati mavjud bo'lmasa, bunda 11a-grafada taqdim etilgan ma'lumotlarga muvofiq tovarlar uchun amalda to'langan yoki to'lanishi lozim bo'lgan bitim narxi ko'rsatiladi.

“B” bo'limda “Qo'shimcha hisoblar ustunida “A” bo'limga kiritilmagan milliy valyutadagi xarajatlar bojxona organlari ixtiyorida mavjud bo'lgan ma'lumotlar asosida bojxona qiymatini hisoblash uchun asosga qo'shimcha hisoblar to'g'risidagi ma'lumotlar ko'rsatiladi;

### **3) “Imzo” grafasi.**

Ma'lumotlarning to'g'riligi deklaratsiyalovchi shaxsning ERIsi, qog'oz shakli deklaratsiyalovchi shaxsning imzosi bilan tasdiqlanadi.

## **4-bob. “Bojxona belgilari uchun” maydonchalarini to'ldirish**

23. Bojxona organi tomonidan BQD qabul qilinganda BQDning asosiy va barcha qo'shimcha varaqlardagi “Bojxona belgilari uchun” maydonchalarini to'ldirish bojxona organining mansabdor shaxsi tomonidan quyidagi ravishda amalga oshiriladi:

BQDga BYDning ro'yxat raqamiga muvofiq keladigan ro'yxat raqami qo'yiladi;

BQDning elektron shaklida bojxona organining mansabdor shaxsi tomonidan mazkur BQDdagi ma'lumotlar to'g'risida ma'lum qilingan tovarlarga nisbatan qabul qilingan qarori haqida bojxona organining belgilari (yozuvlari) qo'yiladi. Bojxona organining belgilari (yozuvlari) bojxona organi mansabdor shaxsining ERIsi bilan tasdiqlanadi.

BQDning qog'oz shaklidagi maydonchada bojxona organi mansabdor shaxsining imzosi va shaxsiy raqamli muhri qo'yiladi.

## **5-bob. Yakuniy qoida**

24. Mazkur Yo'riqnoma talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo'ladilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATINING  
QARORI

**747** Sud hujjati asosida berilgan ijro hujjatini yoki ijro hujjati bo'lgan sud hujjatini uzrsiz sabablarga ko'ra ijro etmagan qarzdor jismoniy shaxsning O'zbekiston Respublikasidan chiqishini vaqtincha cheklashni ta'minlash yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Majburiy ijro byuroси, Ichki ishlar vazirligi va Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo'shinlarining hamkorligi tartibi to'g'risidagi nizomga qo'shimchalar kiritish haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3196-2*

O'zbekiston Respublikasining "Sud hujjatlari va boshqa organlar hujjatlarini ijro etish to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Ichki ishlar vazirligi va Davlat xavfsizlik xizmati **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Ichki ishlar vazirligi va Davlat xavfsizlik xizmatining 2019-yil 23-oktabrdagi 52, 82, 27-son qarori (ro'yxat raqami 3196, 2019-yil 12-noyabr) bilan tasdiqlangan Sud hujjati asosida berilgan ijro hujjatini yoki ijro hujjati bo'lgan sud hujjatini uzrsiz sabablarga ko'ra ijro etmagan qarzdor jismoniy shaxsning O'zbekiston Respublikasidan chiqishini vaqtincha cheklashni ta'minlash yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Majburiy ijro byuroси, Ichki ishlar vazirligi va Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo'shinlarining hamkorligi tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Bosh prokuror**

**N. YO'LDOSHEV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 18-noyabr,  
44-QQ-son

**Ichki ishlar vaziri**

**A. TASHPULATOV**

Toshkent sh.,  
2025 yil 8 noyabr,  
QQ-60-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 26-noyabrda e'lon qilingan.

**Davlat xavfsizlik xizmati raisi**

**B. KURBANOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 17-noyabr,  
29-son

*Kelishildi:*

*Istiqbolli loyihalar milliy  
agentligi direktori*

*D. LI*

*2025-yil 5-noyabr*

O'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasining 2025-yil 18-noyabrdagi  
44-QQ-son, Ichki ishlar vazirligining 2025-yil  
8-noyabrdagi Q-60--son va Davlat xavfsizlik  
xizmatining 2025-yil 17-noyabrdagi 29-son  
qaroriga  
ILOVA

**Sud hujjati asosida berilgan ijro hujjatini yoki ijro hujjati bo'lgan sud hujjatini uzrsiz sabablarga ko'ra ijro etmagan qarzdor jismoniy shaxsning O'zbekiston Respublikasidan chiqishini vaqtincha cheklashni ta'minlash yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Majburiy ijro byurosi, Ichki ishlar vazirligi va Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo'shinlarining hamkorligi tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan qo'shimchalar**

1. 19-band quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“aliment to'lovlarini undirishni nazarda tutuvchi ijro hujjatlari bo'yicha aliment to'lashi shart bo'lgan, chet davlatga uch oygacha bo'lgan muddatga borib keluvchi shaxslarni chet davlatdan qaytib kelmasligi natijasida aliment to'lovlarini to'lash yuzasidan fuqarolik javobgarligini sug'urta qilishga doir sug'urta polisi mavjud bo'lganda, bunda sug'urta polisini mavjudligi Majburiy ijro byurosi va O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining axborot tizimlarini integratsiya qilish orqali avtomatik ravishda aniqlanadi;”;

uchinchi va to'rtinchi xatboshilar tegishli ravishda to'rtinchi va beshinchi xatboshilar deb hisoblansin.

2. Quyidagi mazmundagi 19<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

“19<sup>1</sup>. Aliment to'lashi shart bo'lgan, chet davlatga uch oygacha bo'lgan muddatga borib keluvchi shaxslar chet davlatdan qaytib kelmasligi natijasida aliment to'lovlarini to'lash yuzasidan fuqarolik javobgarligini sug'urtalash sug'urta faoliyatini amalga oshirish uchun tegishli litsenziyaga ega bo'lgan sug'urtalovchilar tomonidan amalga oshiriladi.

Aliment to'lovlarini to'lash yuzasidan fuqarolik javobgarlikni sug'urtalash shartlari sug'urta faoliyatini amalga oshirish uchun tegishli litsenziyaga ega bo'lgan sug'urtalovchilar va Majburiy ijro byurosi o'rtasida tuziladigan bosh kelishuvda belgilanadi.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING  
QARORI**748** “Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi  
qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
26-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3221-8*

O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 24-dekabrda O‘RQ–1014-son “Soliq va byudjet siyosatining 2025-yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 12-avgustdagi PQ–247-son “Yakka tartibdagi tadbirkorlar hamda o‘zini o‘zi band qilgan shaxslar uchun qulay shart-sharoit yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasining 2020-yil 28-yanvardagi 2020-03-son “Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorining (ro‘yxat raqami 3221, 2020-yil 24-fevral) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 24.02.2020-y., 10/20/3221/0203-son) 1 — 4, 6, 7 va 9-ilovalari 1 — 7-ilovalarga\*\* muvofiq tahrirda bayon etilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror 2026-yil 1-yanvardan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 27-oktabr,  
2025-20-son

*Kelishildi:*

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**J. KUCHKAROV**

*2025-yil 7-oktabr*

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 27-noyabrda e‘lon qilingan.

\*\* Ilovalar «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**749** Kartoshkaning “in-vitro” o‘simligi, mikro va mini-tuganaklarini tayyorlash hamda yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiriladigan hududlar va yetishtiruvchi subyektlarga qo‘yiladigan talablarni tasdiqlash to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
26-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3712*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PQ–269-son “Respublikada kartoshka yetishtirishni ko‘paytirish va urug‘chiligini yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Kartoshkaning “in-vitro” o‘simligi, mikro va mini-tuganaklarini tayyorlash hamda yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiriladigan hududlar va yetishtiruvchi subyektlarga qo‘yiladigan talablar ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi, Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda O‘zbekiston fermerlari kengashi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**I. ABDURAXMONOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 17-noyabr,  
39-son

*Kelishildi:*

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**J. KUCHKAROV**

*2025-yil 17-noyabr*

**Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari  
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish  
bo‘yicha vakil o‘rinbosari**

**J. URUNOV**

*2025-yil 24-oktabr*

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 27-noyabrda e‘lon qilingan.

*Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi boshlig'i*

*A. VAXABOV*

*2025-yil 16-oktabr*

*Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi raisi*

*H. TURAXUJAYEV*

*2025-yil 29-oktabr*

*Savdo-sanoat palatasi raisi*

*D. VAXABOV*

*2025-yil 16-oktabr*

*O'zbekiston fermerlari kengashi raisi*

*A. XAITOV*

*2025-yil 16-oktabr*

O'zbekiston Respublikasi  
qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil  
17-noyabrdagi 39-son buyrug'iga  
ILOVA

**Kartoshkaning "in-vitro" o'simligi, mikro va mini-tuganaklarini tayyorlash hamda yuqori avlodli urug'lik kartoshka yetishtiriladigan hududlar va yetishtiruvchi subyektlarga qo'yiladigan TALABLAR**

Ushbu hujjat kartoshkaning "in-vitro" o'simligi (bundan buyon matnda "in-vitro" o'simligi deb yuritiladi), mikro va mini-tuganaklarini tayyorlovchi ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlariga (bundan buyon matnda ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari deb yuritiladi), shuningdek yuqori avlodli urug'lik kartoshka yetishtiruvchi fermer xo'jaliklari va boshqa qishloq xo'jaligi korxonalariga (bundan buyon matnda kartoshka yetishtiruvchi subyektlar deb yuritiladi) hamda ushbu kartoshka yetishtiruvchi subyektlarning hududlariga qo'yiladigan talablarni belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoida**

1. Mazkur hujjatda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**ixtisoslashgan tumanlar** — yuqori avlodli urug'lik kartoshka yetishtirishga ixtisoslashgan Bulung'ur, Zomin, Baxmal, Bo'stonliq, Shahrisabz, Kitob, Qo'rg'ontepa, Yangiqo'rg'on va So'x tumanlari;

**kartoshka yetishtiruvchi subyektlar** — ixtisoslashgan tumanlarda yuqori avlodli urug'lik kartoshka yetishtiruvchi fermer xo'jaliklari va boshqa qishloq xo'jaligi korxonalariga;

**ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari** — “in-vitro” o‘simligi yoki mikrotuganaklarini tayyorlovchi va ulardan mini-tuganaklarini yetishtiruvchi, o‘zining yoki ijara shartnomasi asosida foydalanadigan “in-vitro” laboratoriyasi, masket to‘r bilan o‘ralgan issiqxona yoki himoyalangan inshoot (bundan buyon matnda issiqxona yoki himoyalangan inshoot deb yuritiladi) mavjud bo‘lgan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari;

**“in-vitro” laboratoriyasi** — o‘simlikning turli qismlarini (meristema to‘qimalari, o‘suv nuqtalari, yon kurtaklari) maxsus idishlarda, sun‘iy ozuqa muhitida yangi o‘simlikni steril sharoitda ko‘paytirishga mo‘ljallangan, maxsus jihozlangan laboratoriya;

**“in-vitro” o‘simligi** — kartoshkaning to‘qimalaridan steril sharoitda ko‘paytirilgan, viruslardan xoli, genetik sof, sog‘lom o‘simlik;

**mikrotuganak** — “in-vitro” laboratoriyasida mikroklonlash usuli bilan olingan va steril muhitda yetishtirilgan, og‘irligi 0,10 — 0,15 grammni tashkil etuvchi kartoshka tuganaklari;

**mini-tuganak** — “in-vitro” laboratoriyasida, issiqxona yoki himoyalangan inshootda yetishtirilgan, Potato spindle tuber viroid (PSTV), Potato leaf roll virus (PLRV), Potato Virus Y (PVY), Potato Virus X (PVX), Potato Virus S (PVS) va Potato Virus M (PVM) kartoshka viruslari va bakterial kasalliklardan (qora son, halqali chirish va boshqalardan) xoli bo‘lgan, og‘irligi 5,0 grammdan kam bo‘lmagan kartoshkaning birlamchi sog‘lom urug‘lik material;

**aprobatsiya** — o‘simliklarning genetik (nav) jihatdan sofligini, zararkunandalar bilan zararlangan-zararlanmaganligini, kasalliklarga chalingan-chalinmaganligini va ekish uchun mo‘ljallangan urug‘liklarning umumiy holatini aniqlash uchun dalada o‘tkaziladigan tekshiruv.

## **2-bob. “In-vitro” o‘simligi, mikro va mini-tuganaklarini tayyorlovchi ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlariga qo‘yiladigan talablar**

2. Ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari “in-vitro” o‘simligi, mikro va mini-tuganaklarini yetishtirishda quyidagi talablarga javob berishi lozim:

“in-vitro” o‘simligini genetik sof va viruslardan xoli holda, sog‘lom kartoshka to‘qimalaridan steril sharoitda o‘stirish imkoniyatiga ega bo‘lishi;

mikrotuganaklarni “in-vitro” laboratoriyasida genetik sof va viruslardan xoli holda, sog‘lom kartoshka to‘qimalaridan mikroklonlash usuli bilan steril sharoitda o‘stirish yoki “in-vitro” o‘simligidan issiqxona yoxud himoyalangan inshootda maxsus substratlarda (torf, vermikulit, perlit) ko‘paytirish (og‘irligi 0,10 — 0,15 gramm) imkoniyatiga ega bo‘lishi;

mini-tuganaklarni “in-vitro” o‘simligi yoki mikrotuganaklarni issiqxona yoxud himoyalangan inshootlarda viruslardan xoli holda, maxsus substratlarda (torf, vermikulit, perlit) yoki aeroponika sharoitida ekish orqali yetishtirish (og‘irligi kamida 5,0 gramm) imkoniyatiga ega bo‘lishi.

3. Ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlarining issiqxona yoki himoyalangan inshootlari mini-tuganaklarni yetishtirish (tayyorlash) uchun quyidagi talablarga javob berishi lozim:

issiqxona yoki himoyalangan inshootlarni hashorat va zararkunandalardan masketli to‘r bilan himoyalash, mikroiklim sharoitlarini (harorat, namlik, yorug‘likni) ta‘minlash;

vegetatsiya davrida turli virusli kasallik tarqatuvchilar (hashoratlar va virus saqlovchi rezervator begona o‘tlar) va zararkunandalarga qarshi doimiy ravishda profilaktik kurash choralarini olib borish.

4. Ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari tomonidan “in-vitro” o‘simligi, mikro va mini-tuganaklarini yetishtirishning har bir bosqichi laboratoriya sinovlari orqali nazorat qilinadi.

5. Ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlarida “in-vitro” o‘simligi, mikro va mini-tuganaklarini yetishtirishda (tayyorlashda) ularning o‘sishi (vegetatsiya) va tuganak tugishini nazorat qilish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi tomonidan quyidagicha amalga oshiriladi:

issiqxona yoki himoyalangan inshootlarda maxsus substratlar (torf, vermikulit, perlit) hamda “in-vitro” o‘simligi, mikro va mini-tuganaklari PSTV, PVX, PVS, PVM, PVY va PLRV kartoshka viruslari va bakterial kasalliklardan (qora son, halqali chirish va boshqalardan) xoli ekanligi aniqlanadi;

urug‘lik tuganaklarining ekinboplik sifatlari laboratoriyalarda tekshirish orqali baholanadi hamda ekinboplik xulosasi rasmiylashtiriladi.

6. Ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari tomonidan yetishtirilgan, raqamli QR-kodli yoriqlangan va ekinboplik xulosasi mavjud kartoshkaning mini-tuganaklari zararsizlantirilgan (fumigatsiya o‘tkazilgan) sovutkichli omborxonalarda 2 — 4 °C haroratda saqlanadi.

### **3-bob. Kartoshkaning mini tuganagidan yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiruvchi subyektlarga va ularning hududlariga qo‘yiladigan talablar**

7. Kartoshkaning mini tuganagidan yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiruvchi subyektlarga quyidagi talablar belgilanadi:

yuqori avlodli urug‘lik kartoshkani saqlash uchun o‘zining yoki ijara shartnomasi asosidagi sovutkichli omborlariga ega bo‘lish;

yuqori avlodli urug‘lik kartoshkani yetishtirishda navlarning vegetatsiya davridan kelib chiqib, 3 — 5 martagacha PSTV, PVX, PVS, PVM, PVY va PLRV kartoshka viruslari va bakterial kasalliklarga (qora son, halqali chirish va boshqalardan) qarshi profilaktik tadbirlari olib borilishini ta‘minlash;

yuqori avlodli urug‘lik kartoshkani ekishdan oldin fungitsid va o‘stiruvchi moddalar bilan ishlov berilishini ta‘minlash;

yuqori avlodli urug‘lik kartoshkani sovutkichli omborlarga saqlashga kiritishdan oldin zararsizlantirilishini (fumigatsiya) ta‘minlash.

8. Kartoshkaning mini tuganagidan yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiruvchi subyektlarning hududlari quyidagi talablarga javob berishi kerak:

yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiriladigan yer maydonlari dengiz sathidan mini-tuganak ekishda kamida 1000 metr hamda mini-tuganaklardan

saralab olingan original (SSE, SE) urug'lar ekishda esa 800 metr dan balandlikda joylashgan bo'lishi;

tuproq sharoiti unumdor, gumus miqdori 1,0 foizdan yuqori hamda tuproq eritmasi tarkibidagi pH qiymati 5,5 dan 6,5 gacha bo'lishi;

sug'orish uchun suv bilan doimiy ta'minlangan bo'lishi;

yer maydonida almashlab ekish qoidalariga rioya etilishi;

yuqori avlodli urug'lik kartoshka yetishtiriladigan yer maydonlari tuproq tahlili laboratoriyalar tomonidan o'tkazilganligi.

9. Yuqori avlodli urug'lik kartoshkani yetishtirishda yer maydoni tuman aprotatsiya komissiyasi tomonidan har yili kamida ikki marta aprotatsiyadan o'tkaziladi.

Bunda, aprotatsiyaning birinchi ko'rigi yuqori avlodli urug'lik kartoshkaning gullash davrida, ikkinchisi esa tuganaklar shakllangan davrda amalga oshiriladi.

10. Aprotatsiyani o'tkazish natijalariga ko'ra tuman aprotatsiya komissiyasi tomonidan kartoshka yetishtiruvchi subyektlarga aprotatsiya dalolatnomasi beriladi.

11. Kartoshka yetishtiruvchi subyektlar tomonidan yetishtirilgan yuqori avlodli kartoshka urug'liklarini keyingi yil hosili uchun saqlash, bunda omborxonalarda saqlangan urug'lik tuganaklarni ekish oldidan saralash, fraksiyalarga ajratib kolibrlash, qadoqlash hamda raqamli QR-kodli yorliqlarni yopishtirish va ekinboplik xulosasini olish ishlari tashkil etiladi.

#### **4-bob. Yakunlovchi qoida**

12. Ushbu hujjat buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**750** Ixtisoslashgan tumanlardagi kartoshka yetishtiruvchi subyektlar bilan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari o‘rtasidagi kartoshkaning mini-tuganaklariga oid shartnomalarni hisobga olish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
26-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3713*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PQ–269-son “Respublikada kartoshka yetishtirishni ko‘paytirish va urug‘chiligini yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ixtisoslashgan tumanlardagi kartoshka yetishtiruvchi subyektlar bilan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari o‘rtasidagi kartoshkaning mini-tuganaklariga oid shartnomalarni hisobga olish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Raqamli texnologiyalar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi, Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda O‘zbekiston fermerlari kengashi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**I. ABDURAXMONOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 17-noyabr,  
38-son

*Kelishildi:*

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**J. KUCHKAROV**

*2025-yil 12-noyabr*

**Raqamli texnologiyalar vaziri**

**Sh. SHERMATOV**

*2025-yil 11-noyabr*

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 27-noyabrda e‘lon qilingan.

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari  
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish  
bo'yicha vakil o'rinbosari*

*J. URUNOV*

*2025-yil 22-oktabr*

*Agrosanoat majmui ustidan nazorat  
qilish inspeksiyasi boshlig'i*

*A. VAXABOV*

*2025-yil 16-oktabr*

*Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar  
huquqlarini himoya qilish qo'mitasi raisi*

*H. TURAXUJAYEV*

*2025-yil 31-oktabr*

*Savdo-sanoat palatasi raisi*

*D. VAXABOV*

*2025-yil 20-oktabr*

*Fermerlar kengashi raisi*

*A. XAITOV*

*2025-yil 16-oktabr*

O‘zbekiston Respublikasi  
qishloq xo‘jaligi vazirining 2025-yil  
17-noyabrdagi 38-son buyrug‘iga  
ILOVA

**Ixtisoslashgan tumanlardagi kartoshka yetishtiruvchi  
subyektlar bilan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari  
o‘rtasidagi kartoshkaning mini-tuganaklariga oid shartnomalarni  
hisobga olish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi  
NIZOM**

Mazkur Nizom ixtisoslashgan tumanlardagi kartoshka yetishtiruvchi subyektlarga ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari tomonidan yetishtirilib, yetkazib beriladigan kartoshkaning mini-tuganaklarini topshirish-qabul qilishga doir shartnomaviy munosabatlarni (bundan buyon matnda shartnoma deb yuritiladi) O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligining “Raqamli qishloq xo‘jaligi” yagona integratsion platformasi (bundan buyon matnda “Raqamli qishloq xo‘jaligi” platformasi deb yuritiladi) tarkibidagi “E-urug‘” axborot tizimida hisobga olish va yuritish tartibini belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoida**

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

**ixtisoslashgan tumanlar** — yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtirishga ixtisoslashgan Bulung‘ur, Zomin, Baxmal, Bo‘stonliq, Shahrisabz, Kitob, Qo‘rg‘ontepa, Yangiqo‘rg‘on va So‘x tumanlari;

**kartoshka yetishtiruvchi subyektlar** — ixtisoslashgan tumanlarda yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiruvchi fermer xo‘jaliklari va boshqa qishloq xo‘jaligi korxonalari;

**ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari** — kartoshkaning “in-vitro” o‘simligi yoki mikro tuganaklarini tayyorlovchi va ulardan mini-tuganaklarini yetishtiruvchi, o‘zining yoki ijara shartnomasi asosida foydalanadigan “in-vitro” laboratoriyasi, masket to‘r bilan o‘ralgan issiqxona yoki himoyalangan inshooti mavjud bo‘lgan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari;

**“E-urug‘” axborot tizimi** — “Raqamli qishloq xo‘jaligi” platformasi tarkibiga kiruvchi, kartoshka yetishtiruvchi subyektlarni tanlab olishni tashkil etish hamda o‘tkazish, shartnomalarni hisobga olish va yuritish, yuqori avlodli urug‘lik kartoshkalar bazasini shakllantirish imkonini ta‘minlaydigan axborot tizimi;

**“AgroDocs” axborot tizimi** — “Raqamli qishloq xo‘jaligi” platformasi tarkibiga kiruvchi, shartnoma va kelishuvlarni shakllantirish hamda tuzish, shartnomaviy munosabatlarni tartibga solishga ko‘maklashuvchi axborot tizimi;

**texnik operator** — “E-urug‘” axborot tizimini ishlab chiqadigan hamda ishga tushirish, texnik va dasturiy jihatdan qo‘llab-quvvatlashni amalga oshiradigan tashkilot.

## **2-bob. “E-urugʻ” axborot tizimida shartnomalarni hisobga olish va yuritish**

2. Oʻzbekiston Respublikasi Qishloq xoʻjaligi vazirligi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi va ixtisoslashgan tumanlar hokimliklari tomonidan har yili 1-martga qadar Kartoshkaning “in-vitro” oʻsimligi, mikro va mini-tuganaklarini tayyorlash hamda yuqori avlodli urugʻlik kartoshka yetishtiriladigan hududlar va yetishtiruvchi subyektlarga qoʻyiladigan talablarga (roʻyxat raqami \_\_\_\_\_, 2025-yil \_\_ noyabr) javob beradigan kartoshka yetishtiruvchi subyektlar tanlab olinadi.

3. Kartoshka yetishtiruvchi subyektlarni tanlab olish “E-urugʻ” axborot tizimida Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 18-martdagi 166-son qarori bilan tasdiqlangan Qishloq xoʻjaligi ekinlari urugʻliklarini yetishtirish huquqiga ega boʻlish boʻyicha tanlovlarni “E-urugʻ” axborot tizimida tashkil etish va oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga asosan amalga oshiriladi.

4. Tanlovda gʻolib boʻlgan kartoshka yetishtiruvchi subyektlar texnik operator tomonidan tanlov natijalari boʻyicha axborot eʼlon qilingan vaqtdan boshlab uch ish kunida “E-urugʻ” axborot tizimida yuqori avlodli urugʻlik kartoshka yetishtiruvchi subyektlarning reyestriga (bundan buyon matnda Reyestr deb yuritiladi) kiritiladi hamda shu vaqtning oʻzida bu haqida “E-urugʻ” axborot tizimidagi oʻzlarining shaxsiy kabineti orqali xabardor qilinadi.

Texnik operator “E-urugʻ” axborot tizimida Reyestrning doimiy yuritilishini taʼminlaydi.

5. Tanlov natijalari boʻyicha axborot eʼlon qilingan vaqtdan boshlab besh ish kuni ichida tanlovda gʻolib boʻlgan kartoshka yetishtiruvchi subyektlar bilan ilmiy muassasa va (yoki) tadbirkorlik subyektlari oʻrtasida “AgroDocs” axborot tizimi orqali shartnoma tuziladi hamda ushbu shartnoma taraflar tomonidan elektron raqamli imzo bilan tasdiqlanadi.

Bunda ushbu shartnoma imzolanganidan soʻng “E-urugʻ” axborot tizimida avtomatik ravishda hisobga olinadi.

6. “AgroDocs” axborot tizimi orqali tuzilgan shartnomalar oʻzgartirilgan yoki bekor qilingan taqdirda bu haqidagi maʼlumotlar “E-urugʻ” axborot tizimida avtomatik ravishda aks ettiriladi.

7. Ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari tomonidan yetishtirilgan, QR-kodli yorliqlar va ijobiy ekinboplik xulosasi mavjud mini-tuganaklar “E-urugʻ” axborot tizimida hisobga olingan shartnomalarga asosan kartoshka yetishtiruvchi subyektlarga har yili aprel-may oylarida bepul yetkazib beriladi.

8. Kartoshka yetishtiruvchi subyektlarga mini-tuganaklar yetkazib berilgan kunda “AgroDocs” axborot tizimida shartnoma taraflari tomonidan topshirish-qabul qilish dalolatnomasi shakllantiriladi.

9. “E-urugʻ” axborot tizimida hisobga olingan shartnomalar va ularga oid maʼlumotlar ularning yaxlitligi, haqqoniyligi va oʻz vaqtida yangilanishi taʼminlangan holda besh yildan kam boʻlmagan muddatga saqlanadi.

Texnik operator shartnoma taraflariga shartnomani va topshirish-qabul qilish

dalolatnomasini “E-urugʻ” axborot tizimida elektron formatlarda yuklab olish imkoniyatini taʼminlaydi.

### **3-bob. Yakuniy qoida**

10. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar boʻladi.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**751** Virusli va bakterial kasalliklardan xoli bo‘lgan kartoshkaning mini-tuganaklarini yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun Qishloq xo‘jaligi vazirligiga respublika byudjetidan ajratiladigan transfert mablag‘larini ishlatish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
26-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3714*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PQ–269-son “Respublikada kartoshka yetishtirishni ko‘paytirish va urug‘chiligini yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Virusli va bakterial kasalliklardan xoli bo‘lgan kartoshkaning mini-tuganaklarini yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun Qishloq xo‘jaligi vazirligiga respublika byudjetidan ajratiladigan transfert mablag‘larini ishlatish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, O‘zbekiston fermerlari kengashi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi, Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**I. ABDURAXMONOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 15-noyabr,  
37-son

*Kelishildi:*

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**J. KUCHKAROV**

*2025-yil 10-noyabr*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 27-noyabrda e‘lon qilingan.

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari  
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish  
bo'yicha vakil o'rinbosari*

*J. URUNOV*

*2025-yil 22-oktabr*

*Fermerlar kengashi raisi*

*A. XAITOV*

*2025-yil 16-oktabr*

*Agrosanoat majmui ustidan nazorat  
qilish inspeksiyasi boshlig'i*

*A. VAXABOV*

*2025-yil 16-oktabr*

*Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar  
huquqlarini himoya qilish qo'mitasi raisi*

*H. TURAXUJAYEV*

*2025-yil 17-oktabr*

*Savdo-sanoat palatasi raisi*

*D. VAXABOV*

*2025-yil 16-oktabr*

O'zbekiston Respublikasi  
qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil  
15-noyabrda 37-son buyrug'iga  
ILOVA

**Virusli va bakterial kasalliklardan xoli bo'lgan kartoshkaning  
mini-tuganaklarini yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun  
Qishloq xo'jaligi vazirligiga respublika byudjetidan ajratiladigan  
transfert mablag'larini ishlatish tartibi to'g'risidagi  
NIZOM**

Mazkur Nizom virusli va bakterial kasalliklardan xoli bo'lgan kartoshkaning mini-tuganaklarini (bundan buyon matnda mini-tuganaklar deb yuritiladi) yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun Qishloq xo'jaligi vazirligiga (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) respublika byudjetidan ajratiladigan transfert mablag'larini ishlatish tartibini belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoida**

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**mini tuganaklar** — “in-vitro” laboratoriyasida, masket to'r bilan o'ralgan issiqxona yoki himoyalangan inshootda yetishtirilgan, Potato spindle tuber viroid (PSTV), Potato leaf roll virus (PLRV), Potato Virus Y (PVY), Potato Virus X (PVX), Potato Virus S (PVS) va Potato Virus M (PVM) kartoshka viruslari va bakterial kasalliklardan (qora son, halqali chirish va boshqalardan) xoli bo'lgan, og'irligi 5,0 grammdan kam bo'lmagan kartoshkaning birlamchi sog'lom urug'lik materiallari;

**ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari** — “in-vitro” o'simligi yoki mikro tuganaklarini tayyorlovchi va ulardan mini tuganaklarini yetishtiruvchi, o'zining yoki ijara shartnomasi asosida foydalanadigan “in-vitro” laboratoriyasi, masket to'r bilan o'ralgan issiqxona yoki himoyalangan inshooti mavjud bo'lgan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari;

transfert mablag'lari — Vazirlikka har yili O'zbekiston Respublikasi respublika byudjetidan mini-tuganaklarni yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun ajratilgan pul mablag'lari.

**2-bob. Transfert mablag'lariga bo'lgan talabni shakllantirish**

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PQ–269-son “Respublikada kartoshka yetishtirishni ko'paytirish va urug'chiligini yanada rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qaroriga muvofiq 2026-yildan boshlab har yili kartoshkaning “in-vitro” o'simliklari va mikrotuganaklaridan 10 million dona mini-tuganaklarni yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun O'zbekiston Respublikasi respublika byudjetidan Vazirlikka 1,5 million AQSH dollari ekvivalentida milliy valyutada transfert mablag'lari ajratiladi.

3. Vazirlikka ajratilgan transfert mablag‘lari Vazirlik huzuridagi Qishloq xo‘jaligida bilim va innovatsiyalar milliy markazi (bundan buyon matnda Milliy markaz deb yuritiladi) tomonidan tasarruf etiladi hamda Milliy markaz uchun ochilgan maxsus shaxsiy g‘azna hisobvarag‘i orqali mini-tuganaklarni yetishtirish xarajatlari moliyalashtiriladi.

4. Vazirlik mini-tuganaklarni yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksiga muvofiq kelgusi o‘rta muddatli davr uchun transfert mablag‘larining har yili 1-mayga qadar dastlabki hamda 1-avgustga qadar yakuniy miqdorlarini O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga taqdim etadi.

5. Kelgusi yil uchun O‘zbekiston Respublikasining “Davlat byudjeti to‘g‘risida”gi Qonuni qabul qilinganidan so‘ng, byudjet parametrlariga muvofiq ajratilgan transfert mablag‘lari doirasida Milliy markaz Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 2634, 2014-yil 15-dekabr) muvofiq xarajatlar smetasini tuzadi va tasdiqlaydi hamda ro‘yxatdan o‘tkazilishini ta‘minlaydi.

### **3-bob. Transfert mablag‘laridan foydalanish**

6. Mini-tuganaklarni yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish ularni ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlaridan O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq xarid qilish orqali amalga oshiriladi.

7. Milliy markaz davlat buyurtmachisi sifatida har yili 10-yanvarga qadar mini-tuganaklarni xarid qilish bo‘yicha davlat xaridlari (bundan buyon matnda davlat xaridlari deb yuritiladi) haqidagi axborotlarni Davlat xaridlari maxsus axborot portali, ommaviy axborot vositalari va o‘zining rasmiy veb-sayti orqali e‘lon qilib boradi.

8. Davlat xaridlarida talabgor sifatida Kartoshkaning “in-vitro” o‘simligi, mikro va mini tuganaklarini tayyorlash hamda yuqori avlodli urug‘lik kartoshka yetishtiriladigan hududlar va yetishtiruvchi subyektlarga qo‘yiladigan talablarga (ro‘yxat raqami 3712, 2025-yil 26-noyabr) javob beruvchi ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari ishtirok etadi.

9. Milliy markaz transfert mablag‘lari hisobidan davlat xaridlarida g‘olib deb topilgan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlaridan mini-tuganaklarni shartnoma asosida xarid qiladi.

10. Vazirlik Milliy markaz tomonidan transfert mablag‘larini maqsadli sarflanishini doimiy nazorat qilib boradi.

### **4-bob. Yakuniy qoida**

11. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladi.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**752** **Statsionar tibbiyot muassasalaridagi bemorlarni tibbiy ko‘rsatmaga muvofiq boshqa tibbiyot muassasasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
29-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3715*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta‘minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas‘uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va 2023-yil 8-sentabrdagi PQ–296-son “Onalar va bolalar salomatligini muhofaza qilish, aholining reproduktiv salomatligini mustahkamlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Statsionar tibbiyot muassasalaridagi bemorlarni tibbiy ko‘rsatmaga muvofiq boshqa tibbiyot muassasasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 18-noyabr,  
11-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 1-dekabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil  
18-noyabrdagi 11-son buyrug'iga  
ILOVA

**Statsionar tibbiyot muassasalaridagi bemorlarni tibbiy  
ko'rsatmaga muvofiq boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish  
tartibi to'g'risidagi  
NIZOM**

Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tizimidagi statsionar tibbiyot muassasalaridagi (bundan buyon matnda tibbiyot muassasalari deb yuritiladi) bemorlarni tibbiy ko'rsatmaga muvofiq boshqa tibbiyot muassasalariga o'tkazish tartibini belgilaydi.

Ushbu Nizom shoshilinch va kechiktirib bo'lmaydigan tibbiy yordam ko'rsatishga nisbatan tatbiq etilmaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Bemorlarning sog'lig'i holatidan kelib chiqib, ularga zarur bo'lgan malakali va ixtisoslashtirilgan tibbiy yordamni o'z vaqtida va to'liq ko'rsatishni ta'minlash maqsadida bemorlar bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkaziladi.

2. Bemorlarni bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish jarayonida ular tibbiyot muassasasini zarur tibbiy yordamni ko'rsatish imkoniyati mavjud bo'lgan tibbiyot muassasalari orasidan erkin tanlash huquqiga ega.

**2-bob. Bemorlarga bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot  
muassasasiga o'tkazish uchun tibbiy ko'rsatma berish**

3. Bemorlarni bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish bemorning davolovchi shifokori yoki bemor davolanayotgan tibbiyot muassasasining navbatchi shifokori (bundan buyon matnda shifokor deb yuritiladi) tomonidan mazkur Nizomning ilovasidagi\* shaklga muvofiq berilgan bemorni bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish to'g'risidagi tibbiy ko'rsatmaga (bundan buyon matnda tibbiy ko'rsatma deb yuritiladi) asosan tibbiyot muassasasining rahbariyatini xabardor qilgan holda amalga oshiriladi.

4. Shifokor bemorlarga quyidagi holatlarda tibbiy ko'rsatma beradi:

bemorni tashxislash uchun tibbiyot muassasasida zarur bo'lgan tibbiy uskunalar mavjud bo'lmaganda yoki mavjud bo'lgan tibbiy uskunalar texnik nosoz holatda bo'lib, ulardan foydalanishning imkoni bo'lmaganda;

bemorni davolash uchun zarur ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokorlar mavjud bo'lmaganda;

bemor uchun zarur bo'lgan ixtisoslashtirilgan tibbiy yordam faqat boshqa tibbiyot muassasasida ko'rsatilishi mumkin bo'lgan hollarda.

\* Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

5. Bemorni bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish, uning hayotiga bevosita xavf tug'dirsa yoki umumiy ahvoning keskin yomonlashuviga olib kelsa, shifokor tomonidan bemorga tibbiy ko'rsatma berish rad etiladi.

6. Shifokor bemorga tibbiy ko'rsatma berishdan oldin, bemor o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tibbiyot muassasasining tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokori yoki boshqa shifokori bilan masofadan bog'lanish imkoniyatini bera oladigan teletibbiyot (bundan buyon matnda teletibbiyot deb yuritiladi) orqali bog'lanadi.

Bog'lanish jarayonida shifokor bemor o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tibbiyot muassasasining tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokoriga yoki boshqa shifokoriga bemor haqidagi quyidagi ma'lumotlar to'g'risida axborot beradi:

familiyasi, ismi, otasining ismi, yoshi va jinsi;

asosiy tashxis va qo'shimcha tashxislar;

umumiy ahvoli va hayotiy ko'rsatkichlari (arterial bosim, nafas olish tezligi, yurak urishi, tana harorati va boshqalar);

ko'rsatilgan davolash choralari hamda o'tkazilgan laborator va instrumental tekshiruvlar natijalari;

tibbiy ko'rsatmani berish uchun mazkur Nizomning 4-bandida ko'rsatilgan holatlar mavjudligi.

Shifokor tomonidan berilgan axborotdan kelib chiqib, shu vaqtning o'zida bemor o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tibbiyot muassasasining tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokori yoki boshqa shifokori tomonidan bemorni qabul qilish imkoniyati mavjud bo'lsa, quyidagilar haqida ma'lumot beriladi:

bemorni qabul qilish uchun mavjud bo'sh o'rin hamda zarur tibbiy uskunalarning mavjudligi;

bemorni davolovchi tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokorlarning mavjudligi;

bemorni qabul qilish vaqti va sanasi.

7. Bemor o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tibbiyot muassasasining tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokori yoki boshqa shifokori quyidagi holatlar mavjud bo'lganda taqdirda, bemorni tibbiyot muassasasiga qabul qilishni rad etadi:

bemorni qabul qilish uchun mavjud bo'sh o'rin hamda zarur tibbiy uskunalarning mavjud emasligi;

bemorni davolovchi tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokorlarning mavjud emasligi;

bemor uchun zarur bo'lgan ixtisoslashtirilgan tibbiy yordam tibbiyot muassasasida ko'rsatilmashligi.

8. Bemor o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tibbiyot muassasasining tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokori yoki boshqa shifokori tomonidan bemorni tibbiyot muassasasiga qabul qilish rad etilgan taqdirda, shu vaqtning o'zida shifokor boshqa tibbiyot muassasalari bilan teletibbiyot orqali bog'lanadi va bemorni qabul qila oladigan tibbiyot muassasasini aniqlaguncha jarayonni davom ettiradi.

9. Shifokor bemorni davolash uchun qabul qila oladigan tibbiyot muassasasini

aniqlaganda shu zahoti bemorga elektron yoki qog'oz shakldagi tibbiy ko'rsatmani beradi.

10. Shifokor tomonidan bemorga tibbiy ko'rsatma berilganidan so'ng, unga bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazishning maqsadi, shart-sharoitlari va ehtimoliy oqibatlarini tushuntiriladi hamda bemordan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazishga roziligi yozma ravishda olinadi.

### **3-bob. Bemorlarni bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish va qabul qilish**

11. Shifokor tomonidan bemorga tibbiy ko'rsatmaning berilganligi, bemorning boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazilishiga yozma roziligi olinganligi hamda qabul qiluvchi tibbiyot muassasasining bemorni qabul qilishga tayyorligi tasdiqlanganidan so'ng, shu kunning o'zida yoki qabul qiluvchi tibbiyot muassasasining tegishli ixtisoslikdagi mutaxassis-shifokori yoki boshqa shifokori bilan teletibbiyot orqali kelishilgan vaqtda bemorni boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish jarayoni tashkil etiladi.

Bunda bemorni davolanayotgan tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish uning hayotiy ko'rsatkichlarining (arterial bosim, nafas olish tezligi, yurak urishi, tana harorati va boshqalar) barqarorligini ta'minlagan holda tez tibbiy yordam avtotransport vositalari yordamida tez tibbiy yordam shifokori kuzatuvida bepul amalga oshiriladi.

12. Shifokor tomonidan bir tibbiyot muassasasidan boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazilayotgan bemor bilan birga uning yozma roziligi va kasallik tarixidan ko'chirmasi hamda tibbiy ko'rsatmasi qabul qiluvchi tibbiyot muassasasiga yuboriladi.

13. Bemor qabul qiluvchi tibbiyot muassasasiga yetkazilgach, uni qabul qilib oluvchi shifokor tomonidan bemorning hayotiy ko'rsatkichlari (arterial bosim, nafas olish tezligi, yurak urishi, tana harorati va boshqalar) qayd etiladi va davolash uchun tibbiyot muassasasining tegishli bo'limiga joylashtiriladi.

14. Tibbiyot muassasasiga bemorni qabul qilib olgan shifokor bemor bilan birga taqdim etilgan mazkur Nizomning 12-bandida keltirilgan hujjatlarni ko'zdan kechiradi, ulardagi ma'lumotlarni bemorning joriy ahvoli bilan taqqoslaydi hamda bemor davolash uchun tibbiyot muassasasiga qabul qilinganligi haqida o'zining rahbariyatini va bemorni yuborgan tibbiyot muassasasini shu zahoti xabardor qiladi.

### **4-bob. Yakunlovchi qoida**

15. Mazkur Nizomning talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladi.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 14-noyabrdagi 29/1-son "Kredit axboroti almashinuvi tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori.

***2025-yil 24-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3646-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 18 ноябрдаги 10-мх-сон "Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартиришлар кириштиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2025 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-5.***

3. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 16-son "Xorijiy davlatlardan olib kelinadigan "donor ko'z shox pardasi va uning qismlari" bioprotezlarini davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalarida qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

***2025-yil 24-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3710.***

4. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 299-son "Bojxona hududidan olib chiqiladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

***2025-yil 24-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3711.***

5. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining 2025-yil 18-noyabrdagi 44-QQ-son, Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 8-noyabrdagi 60-QQ-son va Davlat xavfsizlik xizmatining 2025-yil 17-noyabrdagi 29-son "Sud hujjati asosida berilgan ijro hujjatini yoki ijro hujjati bo'lgan sud hujjatini uzrsiz sabablarga ko'ra ijro etmagan qarzdor jismoniy shaxsning O'zbekiston Respublikasidan chiqishini vaqtincha cheklashni ta'minlash yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Majburiy ijro byurosi, Ichki ishlar vazirligi va Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo'shinlarining hamkorligi tartibi to'g'risidagi nizomga qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori.

***2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3196-2.***

6. O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining 2025-yil 27-oktabrdagi 2025-20-son "Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

***2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3221-8.***

7. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 17-noyabrdagi 39-son "Kartoshkaning "in-vitro" o'simligi, mikro va mini-tuganaklarini tayyorlash hamda yuqori avlodli urug'lik kartoshka yetishtiriladigan hududlar va yetishtiruvchi subyektlarga qo'yiladigan talablarni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i.

***2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3712.***

8. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 17-noyabrdagi 38-son "Ixtisoslashgan tumanlardagi kartoshka yetishtiruvchi subyektlar bilan ilmiy muassasalar va tadbirkorlik subyektlari o'rtasidagi kartoshkaning mini-tuganaklariga oid shartnomalarni hisobga olish va yuritish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

***2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3713.***

9. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 15-noyabrdagi 37-son "Virusli va bakterial kasalliklardan xoli bo'lgan kartoshkaning mini-tuganaklarini yetishtirish xarajatlarini moliyalashtirish uchun Qishloq xo'jaligi vazirligiga respublika byudjetidan ajratiladigan transfert mablag'larini ishlatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

***2025-yil 26-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3714.***

10. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 18-noyabrdagi 11-son "Statsionar tibbiyot muassasalaridagi bemorlarni tibbiy ko'rsatmaga muvofiq boshqa tibbiyot muassasasiga o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

***2025-yil 29-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3715.***

